


63.2
С 75

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЧИЛИК ТАРИХИДАН



Тошкент-2014


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЧИЛИК ТАРИХИДАН

Тошкент – 2014

8682 8732



Ушбу китобда туркий хужжатчиликнинг илдизлари, атамалар тизими, унинг келиб чиқиши ва тарихий такомили, хужжатларнинг бир тури бўлмиш васиқаларнинг тузилиши, матн компонентларининг берилиш усули тўғрисида сўз боради. Шунингдек, китобда қадимги туркий васиқалар матни ҳамда уларнинг илмий интерпретацияси келтирилган.

Китоб манбашунослар, филологлар, тарихчилар ва айни илмий йўналишда изланиш олиб бораётган ёш мутахассисларга мўлжалланган.

Монография Ф-И-136 “Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий хужжатларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни (дипломатика, сфрагистика, палеография ва матн интерпретацияси масалалари)” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида ёзилди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Кенгаши нашрга тавсия этган (2014 йил ноябрь ойининг олтинчи куни бўлиб ўтган 3- мажлис қарори).

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:

ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори А. Қаюмов

Т а қ р и з ч и л а р:

тарих фанлари доктори М. Исҳоқов
филология фанлари номзоди Б. Абдушукуров

© Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2014 йил.

*Ушбу китобимни азиз отам Фозилжон
Мирсидиқ ўғли билан муҳтарам онам Бухон
Саидумархўжа қизининг ёрқин хотираларига
бағишлайман. Уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.*

КИРИШ

Туркий ёзма ҳужжатчилик амалиёти давлатчилик тарихи, кишилиқ ижтимоий-сиёсий, олди-берди муносабатларида ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, халқаро дипломатик муносабатлар, шунингдек, ёзма адабий тилнинг юзага келиши ва тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, узоқ асрли тарихий лисоний-услубий такомил босқичини кечиб келган.

Расмий ҳужжатлар юзйилликлар оша давлат ижтимоий-сиёсий бошқаруви, халқаро дипломатия, жамият қурилиши, кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатларининг ҳуқуқийлигини, ишончилигини кафолатловчи, шунинг билан бирга, уларнинг бажарилишини таъминловчи восита бўлиб келди. Ўтмиш жамият бошқаруви ва ҳуқуқий, иқтисодий муносабатларнинг шаклларига қараб расмий ёзмаларнинг турлари ҳам фарқланади.

Туркий ёзма ҳужжатчилиқнинг тарихий илдизлари илк ўрта асрларга, қадимги турк хоқонлиқлари даврига туташади. Бу давр ҳужжатчилигини икки тармоққа ажратиш мумкин: бири, кўк турк хоқонлиқлари (Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари) даври ҳужжатчилиги. Кейинги тармоғи эса, уйғур хоқонлиғи даври ҳужжатчилиги бўлиб, у кўк турк хоқонлиқлари ҳужжатчилигининг давомида туради.

Муҳим жиҳати, туркий ёзма ҳужжатчилигининг илк босқичларида юрт эгасининг улусга қаратилган чақирғи, ёрлиғи, ҳатто давлатнинг бош қонуни, тузуқлари эпиграфик шаклда баён қилинган. Буни Биринчи турк хоқонлиғи чоғида тикланган Буғут ёдгорлиғи, Иккинчи турк хоқонлиғи даврида тикланган Кул тигин ва Билга хоқон ёдгорлиқларида

кузатишимиз мумкин. Ҳатто Кул тигин ва Билга хоқон битигларида хоқоннинг турк беклари, халқига қарата айтган шундай сўзларини ўқиймиз: *Türük bāglār, bodun, bunī äsidiñ! Türük [bodunuğ ti]rip äl tutsuqñin bunta urtum, yañilip üläsikiñin yämä bunta urtum. Näñ näñ sabim ärsär, bängü taşqa urtum.* – Турк беклари, халқи, буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бунда [яъни тошда] ёздим. Адашиб, айрилганингни ҳам бунда ёздим. Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим (Ка.10–11). Билга хоқоннинг давлат тутишингизни бунда ёздим (*äl tutsuqñin bunta urtum*) деган сўзлари ушбу битигларда эл йўриғи, хоқоннинг кўрсатмалари битилганини урғулайди.

Уйғур хоқонлиғи даврида яратилган Мўюн-чўр битигида эса (Малов 1959,30–44) бунинг ёрқин далили ҳам бор. Битигда хоқон Мўюн-чўрнинг зафарли юришлари тўғрисида сўз борар экан: “Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда қурдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*biñ yilliq tümän künlik bitigimin-belgümin anta yası taşqa yaratıtdim*)” дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторлари). Ушбу жумлаларда хоқоннинг тузуги, давлат йўриғи битилган бошқа бир битигтош ҳам борлигига ишора қилинмоқда (Лекин сўз юритилаётган ўша битигтош топилганича йўқ).

Келтирилган ўрнаклардан англашиладики, туркий ёзма ҳужжатчилик ўз йўлини эпиграфик матнлардан бошлаган, хоқонлиқнинг илк ёзма қонуни, эл йўриқлари улусга эпиграфик кўринишда, монументал битиглар орқали етказилган. Қадимги туркий эпиграфик ёдгорликлар хоқонлар, йирик давлат арбоблари, улуғ алпларнинг хотирасини мангулаштиришга бағишланган битигларгина эмас, давлат қонунлари, тузукларини, хоқонлар чақирғини баён этувчи ёзма ҳужжатлар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Туркий ҳужжатчилик амалиёти тарихида илк чоғлардаёқ расмий ёзмаларнинг шаклу шамоийли, қолипи, матн компонентларининг формулалари ишлаб чиқилди. Энг кераклиси, салтанатларнинг ўзгариши, бирининг ўрнини бошқаси эгаллаши билан расмий услуб анъаналари узилиб қолгани йўқ; қадимги турк хоқонлиқлари чоғида яратилган мерос юзйилликлар оша лингво-стилистик жиҳатдан такомиллашиб, янги-янги услубий компонентлар билан бойиб келди.

Туркий ҳужжатчилик тарихида Шарқий уйғур (Хансу ўлкаси) ва Турфон уйғур давлатларида (IX юзйилликнинг иккинчи ярми – XIII юзйиллик бошларида) битилган расмий ёзмалар ҳам муҳим ўрин тутади. Бу даврларнинг расмий адабий тили, ҳужжат тузиш амалиёти турли маданиятлар ва диний қарашлар таъсирида шаклланди: бошлаб, кўк тангри инончи, сўнг монийлик, буддизм кенг ёйилди. X юзйилликдан Турфонга ислом ҳам кириб кела бошлади. Расмий ҳужжатларда ҳам ушбу диний-фалсафий қарашларнинг, турли маданий қатламларнинг изларини кузатиш мумкин. Ўша чоғлардан хон ва бекларнинг кўк турк ҳамда эски уйғур хатида битилган ёрлиқлари, шунингдек, юзлаб васиқалар сақланиб қолган. Энг муҳими, ушбу ёзмалар ўша кезларда давлат сиёсий бошқаруви, расмий муносабатлар, маҳкама ишлари йўлга қўйилгани, қонун устиворлиги таъминлангани, жамиятда ҳуқуқий саводхонлик юқори экани, ҳуқуқ-тарғибот масалаларига жиддий қаралганидан далолат беради. Кишилар орасидаги ижтимоий-сиёсий масалалар бўладими, ер ва мулк эгаллиги, савдо-сотик, олди-берди ишлари дейсизми, ҳамма-ҳаммаси давлат қонунлари доирасида ишлаган ва булар, қоидага кўра, расмийлаштириб қўйилган.

Туркий дипломатика тарихида Темурийлар даври ҳужжатчилиги алоҳида ўринга эга. Туркий ҳужжатчиликнинг такомиллашган, юксак босқичга кўтарилган палласи ҳам айна даврларга тўғри келади. Темурийлар салтанатида ўзидан аввалги

даврлар ҳужжатчилик анъаналарини сақлаш билан бирга, расмий ёзмаларнинг мазмуни, матн тузиш услуги бойиди, ҳужжатларнинг янги-янги турлари кашф этилди. Буларнинг бари туркий расмий ёзма услубнинг такомиллашиб, янги босқичга эришувини таъминлаб берди.

Айниқса, темурий султонларнинг ўша чоғлардан қолган ёрлиқлари ва расмий битиглари ўз даври ҳужжатчилигининг классик намуналаридир. Улар ўрта асрлар дипломатикасининг юксак талаблари асосида яратилган: тузилиши пухта; матн компонентлари ўзаро уйғун; услуги юксак баҳога даражасида; терминлар тизими мукамал; туркий ҳужжатчилик узоқ услубий тараққиёт босқичини ўтганлигини англатиб туради (Содиқов 2013,148).

Муҳими шундаки, темурийлар даври ҳужжатчилигида ишлаб чиқилган лингво-стилистик ўлчовлар, расмий тил ва услуб анъаналари бутун бир туркий дунёга ёйилди. Бунинг таъсирини Олтин Ўрда, Усмонлилар салтанати ва бошқа ўлкаларда яратилган ҳужжатлар тили ва услубида яққол кузатишимиз мумкин.

Ўтмишда яратилган туркий ҳужжатларнинг катта бир қисми кунимизга қадар етиб келган. Улар дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланиб турибди.

Туркологияда туркий тиллар тарихида яратилган расмий ҳужжатларнинг илмий нашрлари, таржималари яратилди, уларнинг муайян қисми тарихий-филологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Лекин, ҳужжатларни ўқиш ва уларнинг талқини бўйича қилинадиган ишлар анчагина. Хусусан, эски туркий ҳужжатларни қайта ўқиб, туркологиядаги янгича қарашлар, талқинлар билан бойитиб, матнларнинг тўла нашрини яратишнинг вақти етди. Шунингдек, расмий ҳужжатларнинг тил ва услубий хусусиятлари, уларнинг давлатчилик тарихидаги, иқтисодий-сиёсий, маданий, ҳуқуқий муносабатлар тарихидаги ўрни сингари масалалар очиқлигича турибди. Ана шулардан

келиб чиққан ҳолда, ушбу тадқиқотимизда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилмоқда:

- Расмий ҳужжатларни текстологик жиҳатдан ўрганиш;
- Ҳужжатларнинг филологик талқини;
- Матн семантикаси ва стилистикаси;
- Васиқаларнинг компонентлари ва уларнинг интерпретацияси;
- Туркий ҳужжатчилик атамалари тизимининг юзага келиш тарихи ва унинг такомили;
- Туркий ҳужжатчиликка тегишли атамаларнинг изоҳли сўзлигини яратиш.

Ушбу монография ўтган йилларда яратилган икки китобимизнинг (*Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий илдизлари. Тошкент, 2012; Содиқов Қ. Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. Тошкент, 2013*) давомида туради.

Турфондан топилган васиқаларнинг бир гуруҳини транскрипцияси, шарҳи ва мазмуни билан биргаликда бурунги монографиямизга киритган эдик. Ушбу китобда эса унга кирмай қолган васиқалар матни изоҳлари билан келтирилмақда.

Ўзма манбалардан олинган ўрнакларни транскрипцияда бериш йўли

Туркий ёзма манбалардан олинган ўрнаклар лотин алифбоси асосидаги транскрипцияда берилди. Матнларни транскрипцияга ўгиришда унлилар учун *a, ä, e, i, i, o, ö, u, ü* ҳарфларидан фойдаланилди.

Шунингдек, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги чўзиқ унлиларни беришда ўша унлини ифодалаган ҳарфнинг устига чизикча тортиб кетилди: *ā, ī, ū* сингари.

Ундошлар учун туркшуносликда қабул қилинган *b, p, d, t, q, k, ğ, g, x, z, ž, s, č, š, y, l, m, n, ŋ, r* ҳарфларини қўлладик. Бу

сиродаги ğ – ҳозирги ўзбек имлосидаги $[\text{ɟ}]$, č – $[\text{tʃ}]$, š – $[\text{ʃ}]$, η эса сонор $[\text{nɛ}]$ товушини билдиради. Шунингдек, $[\text{v}]$ фонемасининг икки хил варианты транскрипцияда айри-айри ҳарфларда келтирилди: туркий сўзлардаги варианты учун – w ; ўзлашган сўзларда кўлланиладиган варианты учун эса v ҳарфи олинди.

Шунингдек, араб ёзувли матнларда ğ билан келган сўзлар ž билан берилди. Туркий сўзларда сўз ичи ёки сўз охирида келган ğ ҳарфи транскрипцияда δ билан ифодаланди.

Арабчадан ўзлашган сўзларни транскрипцияда беришда араб тилигагина хос бўлган айрим товушлар учун куйидаги белгилардан фойдаланилди: ğ ҳарфи учун – δ ; h учун – h ; ç учун – h ; ث учун – ɟ ; ع учун – ʔ ; ظ учун – z ; ط учун – t ; ض учун – d ; ص учун – ʃ .

Кадимги туркий битигларда сўз боши ва биринчи бўғинда келадиган олд қатор, “ингичка”, кенг, лабланмаган $[\text{ä}]$ унлиси кейинчалик “ёпиқ” $[\text{e}]$ га ўзгара бошлади: *el, erdi, kergäk* сингари.

Биз ўрганаётган туркий ҳужжатларнинг кўпи уйғур хатида. Уйғур ёзувидаги матнни ўқишнинг эса ўзига яраша қийинчилиги бор. Сабаби, алифбодаги ҳарфларнинг катта бир гуруҳи полифоник хусусиятга эга бўлиб, $[\text{k}]$ – $[\text{g}]$, $[\text{b}]$ – $[\text{p}]$, $[\text{t}]$ – $[\text{d}]$, кўпинча $[\text{q}]$ – $[\text{ğ}]$ – $[\text{x}]$, $[\text{s}]$ – $[\text{z}]$, $[\text{ʃ}]$ – $[\text{ʒ}]$ товушлари ёзувда фарқланмайди, бир хил белги билан ифодаланади. Бу эса матнни ўқиш, сўзлар талаффузини аниқлашда кишини чалғитади. Бундай ҳолатларда уларнинг кўк турк, араб ёзувларидаги манбаларда қандай келишига таянган маъқул. Масалан, кўк турк битигларида учрайдиган кўринишини кўзда тутган ҳолда уйғур ёзувидаги сўзлар *bitig, beg; bilip, körüp*; араб ёзувли матнларни кўзда тутган ҳолда *bašla, kiši* деб ўқилди ва ҳоказо. Яна бир жиҳати, биз тадиқ этаётган ёрлиқларнинг айримлари (Темир Қутлуғ, султон Абу Саид ёрлиқлари) икки хил ёзувда: уйғур хатида битилиб, тагида қаторма-қатор араб хатида унинг ўқилиши (транслитерацияси) берилган. Араб ёзувли матнига таяниб, уйғур хатидаги матнни тўғри ўқиш мумкин. Бу нарса

айрим уйғурча ҳарфларнинг қандай вазифада келаётганини аниқлашга, матнни транскрипцияга тўғри ўгиришга имкон туғдиради. Биз кўпроқ ана шунга таяндик.

Ўрнакларда учраган жуфт сўзлар чизикча билан ёзилди: *yer-sulari* сингари.

Ўрнакларда сўз маъносини очиқлаш учун киритилган қўшимча сўзлар қавсга олинди.

Эски матнларни ўқишда гап чегараларини аниқлаб олиш ҳам қийин масала. Чунки қўлёзмада тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун ҳам бу соҳада мавжуд нашрларда бирхиллик йўқ. Таъкидлаш керакки, классик матнлардаги гап чегарасини аниқлашда бош ўлчов – мантиқ, фикр бутунлиги ва унинг синтактик жиҳатдан шаклланганлигидир. Ана шу жиҳатларни кўзда тутган ҳолда, матнда гап чегараларини белгилаб чиқдик ва ҳозирги имлодаги сингари тиниш белгиларини қўлладик.

Ўрнак учун келтирилган гап, унинг таркибидаги атоқли отлар – киши отлари, жой номлари катта ҳарф билан берилди.

Атамалар сўзлигидаги □ қ. белгиси “қуйидаги сўзга, атамага қиёслансин, у ҳам айна англамдадир”; ◊ белгиси эса “қуйидаги сўз бирикмаси, жуфт сўз ёки ибора юқоридаги сўздан ясалган” деган маънода ишлатилди.

ИЛК БЎЛИМ. МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : *унвон, хоқон мурожсаати; интерпретация, матн талқини; маҳкама сўзлиги; эпистоляр жанр, мактубот жанри; мактублар услуги; лингво-стилистик ўлчовлар.*

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Эски туркий ҳужжатларнинг ҳозирги нашрлари рўйхати.

Билга хоқон битигида кечган хоқон ёрлиғининг бошламаси ва ўрта асрларнинг туркий ёрликларида анъана масаласи.

“Идиқут маҳкамаси сўзлиги” – эски туркий билан хитойча сўзларнинг солиштирма луғати.

Ўзбек эпистоляр жанрининг тарихий илдизлари: келиб чиқиши ва услуб таракқиёти.

“Сюань-цзан кечмиши” ва “Қутадғу билиг” асарларидан ўрин олган мактублар – қадимги турк эпистоляр жанрининг классик намуналари сифатида.

ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ НАШРЛАРИ

Радлов В. Ярлыки Токтамышша и Темур-Кутлуга. – Записки Восточного отделения. Т. III. СПб., 1888. С. 1–40.

Мелиоранский П. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.

Малов С.Е. Образцы древнетурецкой письменности. Ташкент, 1926.

Малов С.Е. Два уйгурских документа. Ташкент, 1927.

Radloff W.W. Uigurische Sprachdenkmäler. Leningrad, 1928.

Малов С.Е. Уйгурские рукописные документы экспедиции С.Ф. Ольденбурга. – Записки Института востоковедения АН СССР. Т. 1. Л., 1932. С. 129–149.

Kurat A.N. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistān Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. İstanbul, 1940.

Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951. С. 200–2018.

Dery J. Un Soyrgal du Timouride Sahrub en ecriture Ouigoure. // *Journal Asiatique*. Tome CCXLV. Annee 1957. Fascicule № 3. Paris. P. 253–266.

Султанов Т.И. Письма Золотоординских ханов. – Тюркологический сборник, 1975. М., 1978. С. 234–251.

Nobuo Yamada. Sammlung Uigurischer Kontrakte (1–3). Herausgegeben von Juten Oda, Peter Zieme, Hiroshi Umemura, Takao Moriyasu. Osaka University Press, 1993.

Qadimki uyğur yeziqidiki vasiqalar. Naşrga tayyarlağuçılar: **Muhammatrahim Sayit, Israpil Yusup.** Urumçï, 2000 (уйғур тилида).

Содиқов Қ. Султон Умаршайхнинг уйғур ёзувли ёрлиғи. – Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Тошкент, 2009. 107–113- б.

Содиқов Қ. Темурий хонларнинг уйғур ёзувида битилган ёрликлари: матн тузилиши ва услуби. – Туркшунослик изланишлари. Иккинчи тўплам. Тошкент, 2009. 4–28- б.

Содиқов Қ. Султон Умаршайхнинг уйғур ёзувли ёрлиғи. // *Zahiriddin Muhammad Bobur nomidagi Andijon davlat unuversiteti. Ilmiy xabarnoma / Научный вестник. Андижон, 2009 / № 4.* 79–82- б.

Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Тошкент, 2010. 43–64- б.

Содиқов Қ. Султон Абу Саид битиги. – Темурийлар тарихига оид манбалар. 4- китоб. “Темурийлар тарихига оид манбалар” мавзуида ўтказилган республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь, 2007 йил. Тошкент, 2010. 10–18- б.

Содиқов Қ. Шоҳрух Мирзонинг уйғур ёзувли ёрлиғи. – Темурийлар тарихига оид манбалар: тавсиф, таржима, тадқиқот. 5- китоб. “Темурийлар тарихига оид манбалар: тавсиф, таржима, тадқиқот” мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий

конференцияси материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 2009 йил, 20 октябрь. Тошкент, 2011. 107–112- б.

Содиқов Қ. Турфондан топилган расмий ҳужжатлар: матн ва унинг талқини. // Zahiriddin Muhammad Bobur nomidagi Andijon davlat unuversiteti. Ilmiy xabarnoma / Научный вестник. Андижон, 2012 / № 4. 52–58- б.

Содиқов Қ. Турфондан топилган расмий ҳужжатлар. // “Шарқшунослик”. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг илмий журнали. Тошкент, 2012/1. 65–72- б.

Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий ҳужжатчиликнинг тарихий илдизлари. Тошкент, 2012. 127–193- б.

Содиқов Қ. Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. Тошкент, 2013.

Содиқов Қ. Тўхтамишхоннинг Яғайлига йўллаган ёрлиғи. – Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий мақолалар тўплами 5. Тошкент, 2014. 11–18- б.

Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2- жилд, 1- китоб. V–XI асрлар. Тошкент, 2014. 209–225- б. (Қадимги туркий ҳужжатларни Қ. Содиқов нашрга тайёрлаган.)

Берлиндаги Бранденбург фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ҳужжатлар: Ушбу матнларнинг фотоси “Digitales Turfan-Archiv” номи билан интернет тармоғига жойлаштирилган: www.Turfanforschung.com.

БИЛГА ҲОҚОН ЁРЛИҒИНИНГ БОШЛАМАСИ

Иккинчи турк хоқонлиғи (кўк турк хоқонлиғи) даврида яшаб ижод этган тарихчи ва адиб Йўллуғ тигиннинг икки асари маълум: бири ўз амакиси, субоши (саркарда) Кул тигин, иккинчиси, отаси Билга хоқон хотирасига бағишланган битиглардир. Йўллуғ тигин амакиси Кул тигинга бағишлаб 732 йили ёзилган битигни отаси Билга хоқоннинг топшириғи бўйича битган. Ҳарқалай, битиг матнини хоқоннинг ўзи айтиб турган бўлиши керак. Орадан икки йил ўтгач, Билга хоқон ҳам ўлди. Йўллуғ тигин энди отаси хоқоннинг хотирасига атаб битиг

Ўзишга киришди. У амакисига аталган аввалги битигдан хоқон мурожаатини, эл-улусга қарата айтган сўзларини олиб, кейинги битигга ҳам киритди. Шунинг учун ҳам иккала битигнинг катта бир бўлаги бир хил, улар хоқон тилидан берилади. Лекин кейинги битиг битилаётганда хоқоннинг сўзлари анча таҳрир қилинган.

Билга хоқон улуғ битиги эл эгасининг қуйидаги сўзлари билан бошланган: T'DR'IT'G:T'DR'İ:YRTMŞ: T'ÜR'K:B'İL'GÄ: QĠNSBM (X.1).

Бу жумла бошқа бир ўринда – битигнинг хотимасида ҳам қайтарилади (Ха.13).

С.Е. Малов ушбу жумлани *Tānri-täg tānri yaratmış türk bilg(ä) qağan sabīm* шаклида транскрипцияга ўгириб, биринчисини русчага “(Вот) речь моя богоподобного, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана”, иккинчисини “(Вот) речь моя, подобного Небу, Небом поставленного (или угодного Небу) тюркского мудрого (Бильгя) кагана” деб таржима қилган (Малов 1959,20,23).

Хусайн Ўркун эса бу жумлани туркчага “Göge benzer göğün yarattığı Türk Bilge Hakan [işte benim] sözüm” дея ўгирган (Orkun 1987,58–59).

Талат Текин бу жумлалардан бирини туркчага “Tanrı gibi, Tanrı (hükümdar) yapmış, Türk Bilge Hakan, sözüm”, иккинчисини эса “Tanrı gibi, Tanrıca (tahta oturtulmuş), Türk Bilge Hakan sözüm”деб ўгирган (Tekin 2010,51,69).

Бу талкинларда хоқонга “кўк ўрнатган, кўк яратган, тангри ўрнатган” (*Небом поставленный, göğün yarattığı, Tanrı yapmış*) сифатлари берилмоқда.

Шу ўринда ушбу жумлани синчиклаб кўриб чиқамиз. Жумла бошидаги *Tānri-täg* сўзи “кўк, осмон” маъносида келган, у ўзи бирикаётган *tānri* (яъни худо) нинг сифатидир, *Tānri-täg tānri* дейилганда “кўкдай (улуғ) тангри” тушунилади. Кейинги *yaratmış* – сифатдош бўлиб, “яратган” дегани. Билга хоқон битигидаги ушбу бошламада хоқонга нисбатан “кўк ўрнатган,

кўк яратган, тангри ўрнатган” деб эмас, “кўкдай (улуғ) тангри яратган” (*tānri-tāg tānri yaratmīš*) дея қайд этилмоқда. *Bilgā qağan* га қўшилаётган *türk* сўзи этнос эмас, балки “жасур, баҳодир” деган маънодадир. *Türk* сўзининг ушбу маъноси “Бобурнома”да ҳам келган. Чоғиштиринг: *Yana Tānriberdi Samançī erdi; türk-u mardāna va qiliçliq yigit erdi* (BN,158).

Сўнги *sabīm* – “(менинг) сўзим, буйруғим, ёрлиғим, фармоним” дегани. Шуларга таяниб, *Tānri-tāg tānri yaratmīš türk Bilgā qağan sabīm* жумласини қуйидагича талқин этишимиз мумкин: “Кўкдай (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим”.

Юқоридаги жумла хоқоннинг эл-улусга қарата айтган мурожаати, ёрлиғи, чақирғининг унвонидир (Шарқ манбашунослигида хужжатларнинг бошламаси *унвон* дейилади). Битигда кечган икки унвондан бири, Билга хоқонга, иккинчиси эса унинг кичик ўғли Билга Қутлуғ хоқонга тегишлидир (*қаралсин*: Содиқов 2004,79,115). Билга хоқон элга эгалик чоғида эл-улусга беражак фармонлари, чет элларнинг ҳуқумдорларига йўлланажак дипломатик ёрлиқларини ана шу унвон билан бошлаган. Кейинчалик, унинг ўлиmidан сўнг ўғли Билга Қутлуғ ҳам отасининг унвонидан фойдаланди. Бу нарса ўтмиш дипломатикасида бор: ҳатто бутун сулола бир унвондан фойдаланган замонлар бўлган. Шу анъанага кўра, улуғ битигнинг бошланишида Билга хоқоннинг, битиг хотимасида эса Билга Қутлуғ хоқоннинг эл-улусга қарата айтган чақирғи, ёрлиғи ана шу унвон билан бошланмоқда.

Муҳими шундаки, Кул тигин битиги Билга хоқоннинг тилидан (нутқидан) берилган бўлувига қарамай, юқоридаги бошлама-унвон йўқ. Чамаси, Йўллуғ тигин амакиси Кул тигинга аталган битигни ёзиб тугатгач, битигтош тиклангандан кейин, ундаги хоқон сўзлари расмий унвон билан бошланмаганини тушуниб етган кўринади. Йўл қўйган камчиликни у кейинроқ – отаси ўлгандан сўнг унга бағишлаб ўрнатилган битигтошда тузатди: Билга хоқон улуғ битигини отасининг унвони билан

бошлади. Аньанага амал қилган ҳолда, битигнинг хотима қисмидаги Билга Қутлуғ сўзларини ҳам айна унвон билан бошлади.

Билга хоқон унвони илк ўрта асрлардан қолган туркий унвонларнинг классик намунасиدير. У уч компонентдан тузилган: биринчиси Тангри яратганлигининг эътирофи (*Tānri-tāg tānri yaratmīš*), иккинчиси хоқоннинг оти ва унвони (*türk Bilgä qağan*), учинчиси эса “сўз, фармон, ёрлик”нинг хоқонга қарашлилигини англатувчи бўлак (*sabim*).

Билга хоқон унвонидаги *sabim* – “менинг сўзим” дегани эмас, балки “менинг мурожаатим, менинг ёрлиғим” маъносидадир. Туркий тилнинг кейинги босқичида *sab* (~*saw*) сўзи истеъмождан чиқиб, унинг ўрнида *söz* калимаси кўллана бошлади. Энди расмий ҳужжатлар бошламасида ҳам қадимги *sab*(~*saw*) ўрнини *söz* эгаллади. Бу ҳам тарихий аньанага мувофиқ ҳолда “буйрук, фармон, ёрлик” маъноларини беради.

Юқоридагилар асосида Билга хоқон унвонини шундай талқин этиш мумкин: “Кўкдай (улуғ) тангри яратган қудратли Билга хоқон сўзим”. Ушбу бошламада барча компонентлар тўла-тўқис, лўнда, ихчам қолипга эга. Бу нарса кўк турк ҳужжатчилигининг, қадимги туркий тил расмий услубининг юксак даражада эканини кўрсатади.

Муҳими шундаки, Билга хоқон унвони ўз даврининггина эмас, бутун ўрта асрларнинг расмий ёрлиқлари учун намуна, андоза бўлиб хизмат қилди. Туркий салтанатларнинг эгалари ўз ёрлиқларини ана шундай қолипдаги унвонлар билан бошлаганлар.

Яна бир жиҳати, Билга хоқон унвонида, матн характеридан келиб чиққан ҳолда, адресат кўрсатилмаган. Унвоннинг тўлиқ трансформацияси (*Bu ben, Tānri-tāg tānri yaratmīš türk Bilgä qağan(niñ) sabim (turur)*), яъни “(Бу мен,) Кўкдай (улуғ) тангри

яратган қудратли Билга хоқон(нинг) сўзим (турур/-дир)” шаклида англанади¹.

¹ Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида гапнинг кесими кўпинча феълдан тузилади. Ўрни билан, бошқа сўз туркумлари (от, сифат, сон ва б.) ҳам кесим бўлиб келуви мумкин. Бироқ, исмлар гуруҳига мансуб сўзлар кесим бўлиб келганда, муҳим бир ҳодисани инобатга олмоқ керак. Масалан, ҳозирги ўзб. *Meniñ niyatim ši* гапнинг кесими олмошдангина иборат эмас. Унда биз кесим деб санаётган олмошдан кейин таъкидни билдирувчи мантиқий *-dir* турибди: *Meniñ niyatim ši(dir)*. Бунинг сингари мисолларда кесим ўрнида мантиқий *-dir* тасаввур этилади ва бундайин “от-кесимли” гапларнинг мантиқий кесими яна феълга қайтади.

Ҳозир биз қўллаётган *-dir* қадимги туркий тилдаги *turur* нинг қисқарган шаклидир (*turur / durur > tur / dur > dir*).

Қадимги ёдгорликларда феълдан бошқа сўз туркумлари ҳам кесим бўлиб келиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам, у мантиқан феъл-кесимни талаб қилади. Қадимги туркий тилда буни *turur* феъли таъминлайди. Масалан, *Qul yaği, it bōri* (*Қул – душман, ит – бўри*) мақолидаги биринчи гапнинг кесими – *yaği*, иккинчисиники – *bōri*. Иккала гапнинг кесими шу туришида мантиқан *turur* феълени талаб қилади. Демак, ушбу мақолнинг қисқаришга учрамаган, тикланган шакли *Qul yaği (turur), it bōri (turur)* бўлади (*қаралсин*: Содиқов 2006,170–172).

Тил тарихида феълнинг шахс-сон кўрсаткичи ҳам гап кесимини шакллантира олади. Масалан: *Qutluğ čigši-ben*. – (*Мен*) *Қутлуғ чигшиман* (*Е.19.1*); *Bilgä Toñuquq-ben*. – (*Мен*) *Билга Тўнюққуман* (*Топ.1*).

Келтирилган мисолларда шахс-сон кўшимчалари тўғридан-тўғри от ёки сифатга боғланаётгани йўқ. Улар мантиқан кесимликни таъминланаётган *turur* феълга боғланмоқда. Шунининг инобатга олганда келтирилган гапларнинг тикланган ҳолати: *Qutluğ čigši (turur)-ben; Bilgä Toñuquq (turur)-ben* шакллари олади.

Бошқа бир мисол: *Alp čerigdä, bilgä tirigdä*. Ушбу гапнинг кесимлари мантиқан тугалликни билдирувчи “билинади”, “синалади” феълларини талаб этади. Ана шу феъл-кесимнинг қисқариши

Кейинги юзйилликларда эса унвонларга яна бир компонент қўшилди: ёрлик берувчи билан бирга адресат (ёрлик йўлланувчи кимса ёки томон) ҳам киритилган. Жумладан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк кироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözüm Yağaylağa* (Тўхтамиш сўзим Яғайлага) деб бошланган (Т.1–2). Бу ўринда *Toxtamiš sözüm* – унвон; ундаги *Toxtamiš* – адресант (*intitulatio*); шарқ манбашунослигида хат эгаси, хат йўлловчини *мурсил* дейилган (*қаралсин*: Ҳақимов 2013,19,207); *sözüm* – ёрликнинг хонга тегишлилигини, унинг ўз оғзидан айтилаётганлигини далилловчи калом. *Yağaylağa* – ёрлик йўлланаётган кимса(адресат – *inscriptio*)ни билдиради, шунинг учун у жўналиш келишигида. Адресат шарқона тилда *мурсал* бўлади (*қаралсин*: Ҳақимов 2013, *ўша жойда*).


Энди унвоннинг тўлиқ тикланган шакли (трансформацияси) ҳам ўзгаради: (*Men,*) *Toxtamiš(niñ) sözüm Yağaylağa (bolsun)* ёки (*Bu men,*) *Toxtamiš(niñ) sözüm Yağaylağa (turur)*, яъни “(Мен) Тўхтамиш(нинг) сўзим Яғайлага (бўлсин / -дир)” шаклида бўлади.

Олтин Ўрда хонларидан бошқа бирови Темур Қутлуғнинг 1397 йили битилган ёрлиғида эса *кириш қисми* икки компонентдан иборат: унвон (*Temür Qutluğ sözüm*); ёрлик қаратилаётган юридик кимсалар (*oñ qol, sol qolniñ oğlanlariga,*

натijasида тўлдирувчи кесим вазифасини ўтамоқда. Шунинг учун бу гапни “Алп жангда, доно мажлисда синалади” дея англамоқ керак.

Яна бир ўрناق: *Qoldaciqa miñ yağaq, barča bilä ayruq tayaq. – Тиланчига мингта ёнгоқ, барчасига қўшимча суюнадиган таёқ (ҳам бер).* Ушбу гап мантиқан “бергил” феълни талаб қилади. Шунинг учун тикланган кўринишини куйидагича ўқиш мумкин: *Qoldaciqa miñ yağaq (bergil), barča bilä ayruq tayaq (ma bergil).*

Туркий тилларда кесим, асосан, феъл билан ифодаланади. Услубий талаблар, тежамкорлик қонунидан келиб чиққан ҳолда бошқа сўз туркумлари ҳам кесим бўлиб кела олиши мумкин. Бирок, ҳар қандай ҳолатда ҳам биз кесим дея санаётган сўзимиз мантиқан феълни талаб қилаверади. Тил тарихида кесимликни *turur* феъли таъминлаган бўлса, ҳозирги ўзбек тилида эса унинг вазифасини *-dir* бажармоқда.



tümän edgü başlıg miñ, yüz, on begläriğä, içki kentläriñiñ qāzī, muftılarığā, mašāyih, sofilarığā, dīvān bitigçiläriğä, tamğacı, tartnaqçilarığā, yortar işlänçi, yolawçılarğa, bükäwül, tutqawullarğa, yamçı, süsünçilär, quşçı, barsçılarğa, kemäçi, köprükçilärgä, bazarda turğanlarğa) (TQ.1–12). Яъни: Темуր Қутлуғ сүзим үнг құл, сұл құлнинг [үнг қанот, сұл қанот] ўғлонларига, туман эзгу бошлиқ минг, юз, үн бекларига, ички кентларнинг қози, муфтиларига, машойих, сўфиларига, девон котибларига, тамғачи, тартнақчиларига [яъни солиқ йиғувчи ва божхона хизматчиларига], иш юритувчи, йўл соқчиларига, бакавул [ошпаз], тутқавуларга, хат ташувчи, бекат нозирлари, қушчи, барсчиларга, кемачи, кўприкчиларга, бозорда турганларга [яъни бозор бошлиқларига]!

Шоҳруҳ мирзонинг 1422 йил 16 январиди Талхан ота мазорининг мужовурига берган нишони *Šāhruh bahadur sözüm dīvānlarğa* жумласи билан бошланган (Š.1–2). Бу ўринда *Šāhruh bahadur sözüm* – унвон, шунинг учун у алоҳида бир қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: хоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлик (*sözüm*). Унвонга қўшилаётган *dīvānlarğa* сўзи – ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот(адресат)ни билдиради. Адресат унвондан ажратиб кейинги қаторга олиб ёзилган. Матнда у жўналиш келишигида.

Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлигининг *кириш* қисми (U.1–4) ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади: биринчиси – унвон; иккинчиси – *адресат* (*inscriptio*).

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлик бўлиб, матнда *Sultān 'Umar šayx bahadur sözüm* шаклида берилган. Ундаги *sultān* – юрт эгасининг даражаси, *bahadur* – унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон(*söz*)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу ҳужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари қайд этилган. Улар девонлар, тушим йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида: *Dīvānlarğa, barĉa Margīnan urĉinnīñ tüšāmāl amaldār, sāhib ĉamlariĝa.*

Султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) йўллаган битигида ҳам *кириш* (AS.1–2) уч компонентга ажралади. Биринчиси – унвон. Унвон битиг(*söz*)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлик (*Sulţān Abu Sa'īd Kōrāĝān sōzüm*) кўринишида берилган.

Маълумки, ислом даври ёдгорликлари, хусусан, ўша замонларнинг расмий ёзмалари, анъанага кўра, басмала (бисмиллоҳ) билан бошланар эди. Уйғур ёзувли туркий ёрликлар эса бундай эмас. Битиглар султон ва хонларнинг унвони билан бошланган.

А.П. Григорьев ўрта аср ҳужжатларининг тузилишини тадқиқ этар экан, туркий тилдаги ҳужжатлар басмала билан берилмаганлигининг сабабини битигларнинг ёзувига боғлайди. Унинг фикрича, басмала фақат араб ёзувли ҳужжатлардагина берилган. Уйғур ёзувли ҳужжатлар эса басмала билан бошланмаган (Григорьев 1978,208–209).

Бизнингча, теурийлар давридан қолган ёрликларнинг, хусусан, Абу Саид битигининг басмала билан берилмаганлигига сабаб бу эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, мазкур битиг туркий ҳужжатчиликнинг энг эски анъаналарига риоя қилган ҳолда тузилган. Иккинчи сабаби, унинг расмий ҳужжат эканлигида. Одатда, бундай унвон бошқа мактубларда учрамайди. Аммо ушбу битиг бир юрт эгасининг бошқа юрт эгасига йўллаётган хатидир. Шунинг учун у ана шундай унвон билан бошланмоқда. Унвонни басмаладан кейин келтириш, иккаласини бир матнда олдинма-кетин қўллаш эса мантиққа турс. Басмала билан бошланган расмий ёзмаларнинг бошламаларини қараб чиққан киши фикримизга қўшилади.

Иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*Hasan beggā*) қайд этилган.

Туркий дипломатика тарихида хоқонларнинг ёрлиқлари, фармонларининг бошлама-унвонлари формуласи $Y+U+A+sabīm$ (*Тангри яратганлигининг эътирофи+хуқумдорнинг унвони+оти+sabīm*) кўк турк хоқонлиқлари даврида ўйлаб топилди. Унинг бизгача сақланган илк, шунинг билан бирга, классик намунаси Билга хоқон битигида кечган *Tāñri-täg tāñri yaratmīš türk Bilgä qağān sabīm* унвонидир. Унвоннинг тўлиқ трансформацияси (*Bu ben, Tāñri-täg tāñri yaratmīš türk Bilgä qağān(niñ) sabīm (turur)*). – (*Бу мен, Кўкдаў (улуғ) тангри яратган қудратли Билга хоқон(нинг) сўзим (турур/-дир)*) шаклида англонади.

Муҳими шундаки, Билга хоқон унвони ўз даврининггина эмас, ўрта асрларнинг барча расмий ёрлиқлари учун намуна, андоза бўлиб хизмат қилди. Туркий салтанатларнинг эгалари ўз ёрлиқларини, ўзга мамлакатларга йўллаган дипломатик хатларини ана шундай қолипдаги унвонлар билан бошлаганлар.

Кейинги юзйилликларда туркий унвонлар яна бир компонент билан бойиди: ёрлиқ берувчи билан бирга адресат ҳам киритилган. Формуласи шундай: $[Y+U]+A+sabīm+Ad$. Буни Тўхтамишнинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғидаги унвон мисолида кўрсатишнинг ўзи ҳам етарли. Ёрлиқ *Toxtamiš sözüм Yağaylağa* (Тўхтамиш сўзим Яғайлага) деб бошланган. Бу ўринда *Yağaylağa* – ёрлиқ йўлланаётган кимсани билдиради; у жўналиш келишигида. Унвоннинг тўлиқ тиклангани: (*Men, Toxtamiš(niñ) sözüм Yağaylağa (bolsun) / (Bu men,) Toxtamiš(niñ) sözüм Yağaylağa (turur)*). – (*Мен Тўхтамиш(нинг) сўзим Яғайлага (бўлсин / -дир)*) шаклида бўлади.

“ИДИКУТ МАҲКАМАСИ СЎЗЛИГИ”²

“Идикут маҳкамаси сўзлиги” минг сулоласи даврида тузилган эски туркий (уйғур тили)даги сўзлар билан хитойча сўзларнинг солиштирма луғатидир. Луғат “Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси” китобининг таркибига киритилган.

“Хитой тили билан чет тиллардаги таржима сўзлар” луғатини тузиш ишига император буйруғи билан XV юйилликнинг саксонинчи йилларида киришилган эди (қаралсин: IMS,16). У бошда мўғул тилига бағишланиб, унда мўғулча сўзларнинг ўқилиши хитойча ёзувда кўрсатилган. XVI юйилликнинг бошларига келиб, ҳукумат девонидаги таржимонлар гуруҳи кенгайди: тибат, ҳиндий, идикут уйғур ва бошқа тилларда битилган ҳужжатларни хитойчага ўгирувчи маҳкамалар тузилди. Шунинг билан боғлиқ ҳолда, бурунги луғатнинг кўлами ва вазифаси ҳам кенгайди. “Идикут маҳкамаси сўзлиги” шунинг баҳонасида тузилди.

Синологияда ушбу тарихий луғат 華夷譯語.高昌館雜字 “*Huá yí yǔ. Gāo chāng guǎn zá zì*” деб аталмоқда. Бунинг маъноси “Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси. Идикут маҳкамаси сўзлиги” бўлади.

Асл қўлёздама китобнинг биринчи бетига 華夷譯語*Huá yí yǔ yǔ* (“Хитой тили билан чет тиллардаги сўзлар таржимаси”) деб ёзилган. Шундан кейин иккинчи қаторга илк боб сарлавҳаси

² Луғатдаги хитойча сўзликни хитойшунос Каримжон Собирий ўқиб, маъноларини айтиб турди. Иероглифларни эски луғатлардан топиб, компьютерда териб чиққан ҳам у киши бўлади. Ушбу луғат бўйича иккимиз биргаликда мақола ҳам чоп эттирганмиз: Содиқов Қ., Собирий К. “Идикут маҳкамаси сўзлиги” – эски туркий билан хитойча сўзларнинг солиштирма луғати. – Xitoyshunoslikning dolzarb masalalari: filologiya, falsafa, tarix, iqtisod va siyosat. 11- chi ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Toshkent, TDSHI, 2014- noyabr. Toshkent, 2014. 14–19- б.

қўйилган. Унинг ўқилиши: 天文門 *Tiān wén mén* (маъноси “Осмон қисми”, яъни осмон жисмлари ва ҳодисалари билан боғлиқ сўзлар бўлиמידир).

Асарнинг минг сулоласи чоғида кўчирилган қўлёзмалари, чанг сулоласи чоғида чоп эттирилган ёғочбосма нусхалари мавжуд бўлиб, бир неча нусхаси Пекин кутубхонасида, бир қўлёзмаси Япониядаги марказий халқлар институти кутубхонасида сақланаётир (қаралсин: IMS, 16–18). Луғат қўлёзмаларининг кенг ёйилгани, минг сулоласи давлатида кўшни уйғур тилига эътибор катта бўлганидан далолат беради.

Луғат “Идикут маҳкамаси сўзлиги” дейилгани билан, унда фақат расмий-дипломатик, маҳкамачиликка тегишли сўзларгина берилган эмас. У кенг кўламли лексикографик асардир. Унда давлат идораларига четдан, аниқроғи, Идикут давлатидан келиб тушган хат-ҳужжатларда, расмий-дипломатик битигларда қўлланувчи сўзларнинг катта бўлаги қамраб олинган. Шунинг учун ҳам луғатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли сўзлар бор.

Сўзликда 940 та сўз ва сўз бирикмасига изоҳ берилган. Унинг айрим нусхаларида китоб сўнгида сўзликка тўлиқлама ҳам берилган. Шуларни ҳисоблаганда, луғатдаги сўз ва сўз бирикмаларининг сони мингдан ортиқ.

Луғатни ўқишнинг ўзига яраша қийинлиги бор: уйғур ёзувида берилган туркий сўз ва сўз бирикмаларининг кўпи ҳозирги тилларда унутилган, айримларининг маъносини англаб олишнинг ўзи мушкул. Устига устак, хитойчаси ҳам енгил эмас: ҳозир унутилган, аллақачон истеъмолдан чиққан, архаик иероглифлар ҳам анчагина ишлатилган матнда. Дарвоқе, луғат хитой тилини яхши эгаллаган, теран билимли, император девонида хизмат қилувчи уйғур олими томонидан тузилган чоғи. Сабаби, луғатга ўта керакли сўзлар ила сўз бирикмалари киритилган бўлиб, уларнинг инжа англамлари ҳам ёритилган.

“Идикут маҳкамаси сўзлиги”да туркий сўз ҳамда сўз бирикмаларининг маъноси ва ўқилиши хитойчада изоҳланган. У

Ўз даврида хитой тилмочлари, идора ходимлари учун **мўлжалланган** китоб эди. Шунинг билан бирга, луғат туркий **тилини** ўрганувчи хитойлар учун ҳам аталган кўринади. Акс **ҳолда**, туркий сўз ёки сўз бирикмасининг таржимаси билан бир **қаторда**, унинг талаффуз шакли хитойча ёзувда берилмаган бўлур эди.

Луғатда сўзлар маъно турларига қараб, бўлимларга ажратиб берилган. Сўзларнинг маъноларга ажратилган турлари қуйидагича:

- (1) Осмон жисмлари ва ҳодисаларининг отлари.
- (2) Ер жисмлари.
- (3) Вақтни англлатувчи сўзлар.
- (4) Гул ва гиёҳлар.
- (5) Тинлиглар (жонзодлар)нинг отлари.
- (6) Кишилар билан боғлиқ отлар.
- (7) Тана аъзолари.
- (8) Ўрда билан боғлиқ отлар.
- (9) Курол-яроғ ва жабдуқлар.
- (10) Кийим-кечаклар.
- (11) Чинтошлар (маъданлар).
- (12) Егулик ва ичгуликлар.
- (13) Ёзув-чизув (ҳужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар.
- (14) Томон тушунчалари.
- (15) Рангни билдирувчи сўзлар.
- (16) Сонлар.
- (17) Юриш-туриш билан боғлиқ сўзлар.

Қўлёзма нусхаларнинг бирида қуйидаги гуруҳлар ҳам ажратиб берилган:

- (1) Юриш-туриш билан боғлиқ сўзлар.
- (2) Одатдаги сўзлар.
- (3) Турли сўзлар.

Бўлимларнинг сарлавҳалари ҳам хитойчада.

Қўлёзманинг ҳар қайси бетида тўрт сўз ёки сўз бирикмасининг таржимаси берилган. Туркий сўз ва сўз

бирикмалари уйғур хатида, уларнинг таржимаси ва ўқилиши хитойчада. Туркийси ҳам, хитойчаси ҳам тепадан пастга қараб ёзиб тушилган. Луғатда бошлаб туркий сўз ёки сўз бирикмаси, кейин унинг хитойча таржимаси, учинчи устунда эса туркий ўрнакнинг талаффуз шакли хитойча ёзувда берилган.

Масалан, осмон жисмлари ва ҳодисаларининг отлари бўлимида: Аввал эски туркий тилдаги *tāyri*, яъни “осмон” сўзи берилиб, кейинги қаторларда унинг хитойча таржимаси ва ўқилиши (туркий сўзнинг талаффузи) берилади. Хитойча маъноси – 天 *tiān* (сўзма-сўз англами “тангри; осмон”); туркий сўзнинг хитойча ҳарфлардаги транслитерацияси (ўқилиши) – 騰克力 *téng kè lì*.

Кейинги сўз *tün* дир. Бунинг хитойча маъноси – 氣 *qì* (сўзма-сўз “ҳаво”); туркий сўзнинг ўқилиши – 聽 *īng*.

Ёки вақтни англатувчи сўзлар бўлимидан мисол:

šün ay – шун ойи. Хитойча таржимаси – 閏月 *rùn yuè* (кабиса ой); туркий сўзнинг ўқилиши – 順哀 *shùn āi*.

kün küniñä – кундан-кунга. Хитойча таржимаси – 日日 *rì rì* (кундан-кунга); туркий сўзнинг ўқилиши – 坤坤寧克 *kün kün níng kè*.

tört öd – тўрт вақт, фасл. Хитойча таржимаси – 四時 *sì shí* (тўрт вақт, фасл); туркий сўзнинг ўқилиши – 禿兒欲 *tū ér yù*.

sekiz čaq – саккиз вақт. Хитойча таржимада – 八節 *bā jiē* (сўзма-сўз “саккиз вақт”, яъни фаслларнинг бошланиши ва тугаши); туркий сўзнинг ўқилиши – 塞乞思察 *sāi qǐ sī chá*.

Ёзув-чизув (хужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар бўлимида:

bidürgülük – билдиргулик. Хитойча таржимада – 勅書 *chì shū* (сўзма-сўз “подшо фармони”); туркий сўзнинг ўқилиши – 兵都兒古祿 *bīng dū ér gǔ lù*.

yarliq – ёрлиқ. Хитойча таржимаси – 聖旨 *shèng zhǐ* (ёрлиқ); туркий сўзнинг ўқилиши – 呀兒力 *ya ér lì*.

bitignij yoruđi – битигнинг, хатнинг мазмуни. Хитойча таржимада – 文義 *wén yì* (асарнинг мазмуни); туркий сўзнинг ўқилиши – 必的佞羽祿幾 *bì de nìng yǔ lù jǐ*.

toŋqul bitig – сараланганлар рўйхати. Хитойча таржимада – 榜文 *bǎng wén* (синовдан ўтиб, қабул қилинганларнинг рўйхати); туркий сўзнинг ўқилиши – 統貫必的 *tǒng guàn bì de*.

Гул ва ўт-ғиёҳлар бўлимида:

čečäk – гул, чечак. Хитойча таржимада – 花 *huā* (гул); туркий сўзнинг ўқилиши – 扯扯 *chě chě*.

yığaç – дарахт. Хитойча таржимада – 木 *mù* (дарахт); туркий сўзнинг ўқилиши – 以哈尺 *yǐ hā chǐ*.

“Идикут маҳкамаси сўзлиги” минг сулоласи давридаги Турфон ва Кумул уйғурларининг тили ва ёзувини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатдан минг сулоласи даврида Хитойга қўшни бўлмиш идикут уйғурлари қадимги уйғур хатидан фойдалангани аён бўлади.

Қўлёмаларнинг ёзуви аниқ ва равшан. Айрим қўлёмаларнинг хат услуби ўта кўркем; улар уйғур ёзувининг классик китобий хат турида. Ёзувда олд қатор, ингичка лаб унлилари ([*ö*] билан [*ü*]) орқа қатор йўғон [*o*] ва [*u*] унлиларидан фарқ қилади. Баъзи ўринларда унлиларнинг чўзиқ эшлари қўшалоқ ҳарфлар билан берилган: **oot** (ўт, олов), **quur** (белбоғ), **altun quur** (олтин камар) сингари.

Луғатда қадимги туркий битигларда кенг қўлланган, бироқ ҳозирги туркий тилларда унутилган, ишлатилмайдиган **bodun** (халқ, улус), **ögüz**, **mürän** (дарё), **taluy** (денгиз), **yay** (ёз, фасл), **ud** (сигир), **el-kün** (халқ), **nom** (қоида; дин, шариат), **bitig** (китоб; хат; ёзув) сингари сўзлар ҳам талай.

Ўзлашган қатлам орасида хитойчадан (**luu** (аждар < 龙), **linxuva** (гул, чечак < 莲花) сингари), баъзан арабчадан ўзлашган сўзлар (**ināyat** < عنایة) сингари) ҳам учрайди.

Луғатда сўзлар ва сўз бирикмаларининг маъноларига кўра гуруҳлаштирилгани тилни ўргангучилар учун қўл келган. Айниқса, унга сайлаб олинган сўзлар эътиборни ўзига тортади.

Жумладан, вақтни англатувчи сўзлар бўлимида (IMS,35–36) йил вақтлари, фасллар, кун вақтлари, ойларнинг аталиши келтирилган.

Тўртала фаслнинг оти бор. Дастлабки иккиси ҳозирги туркий тилларда ишлатилмайди. Булар: *yaz* – кўклам, *yay* – ёз. Қадимги туркий тилда “кўклам” билан “ёз” ана шундай аталган. Бу нарса Идикут уйғурлари тилида қадимги сўзлар яхши сақлаганлигининг белгисидир. Кейинги фаслларнинг отлари ҳозирги билан уйғун: улар *küz* билан *qış*.

“Вақт”ни *öd* дейилган.

Ойлар икки хил айтилган: биринчиси, санок кетма-кетлигида. Бунда тартиб кўрсаткичи *-nč* (*-inč*, *-inč* / *-unč*, *-ünč*) шаклида қўшилади: *üčünč*, *törtünč* сингари. Яна бир жиҳати, икки хонали сонларнинг айтилишида эскича тартиб сақланган: *bir yigirmänč ay* – ўн биринчи ой.

Иккинчиси, буддавий турк жамоасида ойларнинг оти ҳам бўлиб, улар қадимги санскрит тилидан ўзлашган. Луғатда буддавий турк жамоаси ўз тилида қўллаган ана шундай атамалар ҳам келтирилган: *aram ay* – арам ойи. Хитойчада 正月 *zhèng yuè* (қамариййа ҳисоб бўйича биринчи ой, наврўз ойи), *čağsabut ay* – чақшапут ойи. Хитойчада – 十二月 *shí èr yuè* (ҳозирги санок бўйича декабрь ойига тўғри келади), *šün ay* – шун ойи. Хитойчада 閏月 *rùn yuè* (кабиса ой).

Ойларнинг аталиши ва кетма-кетлиги қуйидагича (IMS,36):

aram ay – арам ойи.

ekindī ay – иккинчи ой.

üčünč ay – учинчи ой.

törtünč ay – тўртинчи ой.

bešinč ay – бешинчи ой.

altinč ay – олтинчи ой.

yetinč ay – еттинчи ой.

sekzinč ay – саккизинчи ой.

toqzunč ay – тўққизинчи ой.

onunč ay – ўнинчи ой.

bir yigirmind ay – ўн биринчи ой.

čaqšabut ay – чақшапут ойи.

šün ay – шун ойи.

Ушбу бўлимда буддизм қарашлари билан боғлиқ **tört öd** (тўрт вақт, фасл; буддизм тасаввурича, инсон умрининг кези, палласи), **sekiz čaq** (саккиз чоғ; буддизмда бу ҳам инсон тириклигига боғланади) атамалари ҳам берилган (IMS,36).

Луғатнинг ёзув-чизув (хужжатчилик) билан боғлиқ сўзлар бўлими (қаралсин: IMS,49–50) ҳам эътиборли. Унда йигирмата сўз ва сўз бирикмаси келтирилган. Бундан ташқари, бошқа бўлимларда ҳам хужжатчилик ва китобат ишига тегишли атамалар бор. Бир нечтасини мисол келтирамыз:

tamğa (IMS,46) – тамға, муҳр, белги. Хитойча таржимада: 印yìn (белги, муҳр).

altun tamğa (IMS,65) – олтин тамға; хоннинг тамғаси, муҳри. Хитойча таржимада: 金印jīn yìn (сўзма-сўз “олтин муҳр”).

kümüš tamğa (IMS,65) – кумуш тамға; тамғанинг бир тури. Хитойчада – 銀印yín yìn (кумуш тамға).

nom (IMS,49) – дин, шариат; буддавий қонун-қоидалар; буддавий йўруғлар. Хитойчаси – 經jīng (нўм).

bitig (IMS,49) – китоб; хат, мактуб; хужжат; ёзув. Луғатда бу сўз икки ўринда, икки хил маънода берилган: биринчиси 書 (китоб, мактуб); иккинчиси 文 (қўлёзма асар).

saqurt bitig (IMS,50). Хитойчада – 雜字zá zì (аралаш сўзлар луғати).

bitig üšik (IMS,50) – “ёзув, хат” маъносида. Хитойчада – 寫字xiě zì (хат ёзиш).

toñqul bitig (IMS,50). Хитойчада – 榜文bǎng wén (эълон қилинган асар).

yarliq (IMS,50) – ёрлиқ; хон ёрлиғи, фармони. Хитойчада – 聖旨 *shèng zhǐ* (муқаддас фармон, подшо амри).

bildürgülük (IMS,50) – билдиргулик; расмий хат тури. Хитойчада – 勅書 *chì shū* (подшо фармони).

bitignij yoruđi (IMS,50) – хатнинг мазмуни, маъноси. Хитойчада – 文義 *wén yì* (асар мазмуни).

Сўзликнинг бу ва бунинг сингари ютуқлари саноксиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу луғат идикутлар давридаги туркий ёзма адабий тилни, адабий тилнинг давлат идораларида, халқаро-дипломатик муносабатларда тутган мавқеини, шунинг билан бир қаторда, минг сулоласи чоғидаги турк ва хитой муносабатларини ўрганишда муҳим ёзма манба, лексикографик асар, асосли ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

ҚАДИМГИ МАКТУБЛАР УСЛУБИ

Мактублар ҳужжатнинг бир тури сифатида юзага келган. Шунга кўра, мактублар ўз тузилиши, матн компонентларининг йўналиши билан расмий ҳужжатларга яқин туради.

Шунинг билан бир қаторда, мактубларнинг расмий ҳужжатлардан айириб турувчи муҳим белгиси бор. Бу уларнинг бадий услубда битилганидир. Ҳатто хонлар ўртасидаги расмий-дипломатик хатлар ва ёзишмаларда ҳам бадийлик элементлари аралашган бўлади. Чунки ўтмишда қўшни мамлакат эгаларига йўлланган хатларда, дипломатик талаблардан келиб чиққан ҳолда, адресатга ҳурмат билан муносабатда бўлинган. Айни ҳолатда расмий ва бадий услублар синкретизми юзага келади. Лекин, услубида расмийлик етакчи бўлгани учун, халқаро дипломатик хатлар ва расмий ёзишмалар *дипломатикада* ўрганилади.

Одатда, мактубларда, ўрни билан хат битувчининг инжа туйғулари, психологик кечинмалари, маънавий-эстетик қарашлари, адресатга бўлган ҳурмати акс этади. Мактубнинг таъсир кучи, бадий-эстетик даражаси, кўп жиҳатдан, хат

Йўлловчининг маҳорати, сўзга чечанлиги, сўзларни топиб-топиб ишлатишига боғлиқ. Буларнинг ижроси, ўз-ўзидан, матн бадийлигига йўл очади. Мактубот жанри, яъни эпистоляр жанр адабиётшуносликнинг соҳасидир.

Ўтмишда мактубларнинг услуби ҳамда ёзувига алоҳида аҳамият берилган. Мактублар балоғат даражасида ёзилуви талаб қилинар эди. Чиройли битилган хатлар *uz xaʼt* аталган. *Uz* сўзи тилга, сўзга нисбатан қўлланса, “ёқимли” маъносини; ёзувга, хатга нисбатан ишлатилса, “чиройли, нафис” маъносини беради. Масалан: *tili uz kishi* – “тили ширин киши”, *sözi uz* – “сўзи ёқимли” маъносини англатган (QBN.100a,3). Юсуф Хос Ҳожиб мактубнинг чиройли хатда ёзилувини таъкидлаб, шундай ёзган эди: *Bitigdā xaʼt uz bolsa, aʼclur köñül.* – *Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгли очилади* (QBN.101a,7).

Ўзбек эпистоляр жанрининг тарихи илк ўрта асарларга илдиз отган. Муҳими, ўша кезлардаёқ туркий хат битиш санъати, матн компонентлари тизими пухта ишлаб чиқилган эди. Ўша чоғлардаёқ мактубот санъатининг ажойиб намуналари яратилган.

Ўрта асарларга келиб, туркий мактубот жанрида самарали ижод этган муаллифлардан бири улуғ мутафаккир Алишер Навоий бўлди. У хат битиш санъатини пухта эгаллаб, ўтмиш анъаналаридан фойдаланиб, бу соҳада улуғ кашфиётлар яратди, бу жанрни юқори босқичга олиб чиқди. У ўз мактубларини тўплаб “Муншаот” асарини тузди. “Муншаот”га кирган мактублар ўзбек эпистоляр жанрининг, классик бадий адабиётимизнинг бебаҳо намуналаридир.

Шу ўринда ўзбек эпистоляр жанрининг илдизлари, илк мактублар ва уларнинг услуби хусусида сўз юритамиз.

“Сюань-цзан кечмиши” асарига киритилган мактублар

Таниқли тилмоч ва буддашунос Сингқу Сели тудунг тавғач (яъни қадимги хитой) тилидан таржима қилган “Бўдисатв тайтў

Самтсў устознинг йўриғларини баён этувчи Тси-ин-чун дея аталган кави (яъни эпик) нўм битиг” (“*Bodisatv tayto Samtso ačariniñ yoruğin uqitmaq atliğ Tsi-in čün tigmä kavi nom bitig*”) (ҳозирги оти “Сюань-цзан кечмиши”) (Тугушева 1991) тарих китоби бўлуви билан бирга, буддизм даври хитой-турк адабий алоқалари, қадимги турк таржима адабиётининг тенги йўқ ёдгорлигидир.

Асарнинг олтинчи бўлими(*altinč tegzinč / ülüs*)да роҳиб Сюань-цзаннинг кечмиши ҳикоя қилинар экан, орада тўртта мактуб берилган. Шулардан биринчи ва иккинчиси роҳибнинг юрт эгаси улуғ тавғачхон(*täñri tawğaç han*)га йўллаган хати (ST.VI.22,10–25,20; VI.25,24–30,19), учинчиси хоннинг ўз қўли билан Сюань-цзанга ёзган жавоб хати (ST.VI.30,24–32,4), тўртинчиси роҳибнинг хонга қайта йўллаган хатидир (ST.VI.32,9–35,23).

Асарда еттинчи юзйилликнинг биринчи ярмида яшаб ўтган тавғач роҳиби Сюань-цзаннинг Ҳиндистонга қилган қутлуғ сафари билан боғлиқ воқеалар акс этган. У чоғлар буддизм Хитойга энди-энди ёйила бошлаган, ҳали она тилида дин йўриғларидан сабоқ бергучи нўм битиглар оз эди. Сюань-цзаннинг истаги Будда ўтган тупроқларни зиёрат қилиш ва қутлуғ нўмларни келтириб, она тилига ўрганиш бўлган. Роҳиб йўл бўйи будда сутра ва шастарларини тўплаб, уларни ўз юртига келтирди. Юртига қайтган Сюань-цзан улуғ хон билан учрашганда Ҳиндистондан келтирган олти юз анаткакча (яъни санскритча) нўм-сутралардан бир сўз ҳам тавғач тилига ағдарилмагани (*änätkäkin kelürmiš alti yüz änätkäkčä nomta bir sawi yemä tawğaçča ewrilmäyük*), агар тинч ердан жой ажратилиб изн берилса, роҳиб уларни эл-юрт учун таржима қилишга киришажагини ўтинмиш эди (ST.VI.16,17–17,6). Хон унга ҳиммат кўрсатиб, ёнига олимлардан берди ва келтирган китобларини тавғач тилига ўгиришни буюрди. Ўта машаққатли бўлган бу юмушни хотиржам бажармоқ учун мамлакат кунботаридаги бошкент саналмиш Чунан(*kedinki uluğ baliq tegli*

Сми-нан балиқ)дан овлоқ ва тинч (*ağlaq amil*) бир ер – Қунгвугси бодатхонаси (*Qunvuğsi atliğ saqram*) ажратилди (ST.VI.17,10–15). Таржима тугагач, Сюань-цзан уларни хонга тортиқ қилди. **Мактублар** уларни хонга топшириш муносабати билан ёзилган.

Сюань-цзан йўллаган биринчи хатда ёзилишича, буддизм **инончидаги** саккизта тўғри йўлнинг (*sekiz kōni yol = санскр. asta-mārga*) асоси эмгак-азобларни енгиб ўтиш кўпригидир. Бу йўлда маҳаяна тариқати (*mхayan kōlinjū*) юксакликка – нирванга олиб чиқувчи шотидир. Улуғ кенгликлар(*uluğ yazi*)да – тавғач ўлкаларида кимса ҳали буни англаб етмаганди. Мактубда Сюань-цзаннинг сафарга боришдан мақсади, у ерлардан кутлуғ китоблар келтиргани тўғрисида сўз боради. Бу савобли ишлари туфайли у ҳурмат-эҳтиромга эришди. Кўрсатган ҳиммати, китобларни таржима қилиш учун берган кўмаги учун хатда хонга миннатдорчилик билдирилади; у белгилаган муҳлатдан бурун ишларнинг тугагани маълум қилиниб, таржима қилинган сутра ва шастарларнинг оти ҳам келтирилади.

Шунингдек, Сюань-цзан Лоцзинда хон билан учрашганида хон унга Ғарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишни маслаҳат бериб эди. Ҳозир эса китоб якунланиб, у ҳам хонга йўлланаётгани тўғрисида сўз боради.

Иккинчи хатда хоннинг улуғ ишлари, маърифат йўлида кўрсатаётган саховати мадҳ этилади, унинг ишлари ўзига довур ўтган улуғ кишиларнинг ишлари-ла тенглаштирилади. Роҳиб Сюань-цзаннинг сутра ва шастарларни ўрганиш йўлида ғарб элларида, тоғу тошларда чеккан эмгак-укубатлари ҳикоя қилинади. Шунингдек, кўлидан янги чиққан “Тан сулоласи давридаги Ғарб эллари хотиралари” (“Tayto хан ödindäki Kirügi ellär ödigi”) китоби тўғрисида ҳам сўз боради (Айтганча, сўз юритаётганимиз – “Сюань-цзан кечмиши” асари олимнинг ана шу эсдаликлар китоби – мемуари асосида яратилган). Хатда яна таржима қилинган сутра ва шастарларнинг юртда кенг ёйилиши учун хондан кўмак сўралади.

Хоннинг кутлуғ қаламда ўз кўли билан ёзган жавоб битигида (*iduq bi üzä öz iligin yantud bitig*) Сюань-цзаннинг улуғ ишларни юзага чиқармоқлик истагида сўровсиз йўлга чиққани узрли экани, бунинг билан элга ёруғлик келтирганлиги таъкидланади. Хатда ёзилишича, хон роҳибнинг эсдаликлар китобини ҳам ўқиб чиққан ва уни юқори лавозимга кўтаришга буйруқ берилган.

Охирги – тўртинчи хат хоннинг мактубига жавоб сифатида ёзилган. Унда Сюань-цзан хоннинг улуғ марҳаматига ўз миннатдорчилигини билдиради. Нўм битигларнинг яратилган таржималарига сўз боши(*süü*)ни фақат хонгина ёзишга лойиқ экани, хоннинг бундайин улуғ марҳаматини роҳиб жуда-жуда истаётгани билдирилган.

Сюань-цзаннинг оти матнда *Huintso* деб берилган. У матн давомида *toyin Huintso* (роҳиб Сюань-цзан), *tawğaç toyin* (тавғач роҳиб) деган сифатлар, ўрни билан *Samtso ačari* (Самтсў устоз) унвони билан ҳам тилга олинади.

Мактублар матнда *bitig*, Сюань-цзаннинг хонга йўллаганлари эса *ötüg bitig* ёки *ötüg* деб берилган. *Ötüg* сўзи *ötün-* (*ўтинмак*) феъли билан ўзакдош бўлиб, *ötüg bitig* атамаси “ўтинч битиги; ўтиниб ёзилган хат” деган англамда келади. Умуман асарда, бошқа ўринларда ҳам, Сюань-цзан хонга мурожаат қилганда юрт эгасига хурмат, юкуниш маъносида *ötündi* (*ўминду*), хон унга бирор сўз айтганда ёки кўрсатма берганда *yarliqadi* ёки *yarliq yarlaqadi* дейилади. Бу ҳаракат “ёрлик берди; буюрди” деган маънони англатади.

Мактублар илк ўрта асрларда хат битиш санъатининг, эпистоляр жанрнинг юксак даражада эканидан белги бериб турибди. Уларнинг тузилиши ўзига хос. Йирик эпик асарнинг таркибида эканлиги, хат мазмуни, тузилиши, мақсади билан боғлиқ айрим маълумотлар хатдан ташқарида – ундан аввал ёки кейин келтирилган. Чунончи, битиглардан аввал *Bitigintäki sawi bu erür* (Битигидаги хабари шундай), битиглардан сўнг Сюань-цзан хатидан кейин *tip ötüg idti* (*дея хабар йўлладу*), *tep munilayu bitig idti* (*дея ана шундай хат юборду*), *tep munčulayu ötüg idti*

(*дея ана шундай илтимоснома йўллади*), хоннинг хатидан кейин эса *ter munçulayu bitig kelti* (*деб ана шундай хат келди*) деб таъкидланади. Битиглардан аввал келган жумлалардаги *bi* олмоши шу сатрлардан кейин ўрин олган хатга, битиглардан кейинги жумлалардаги *munilayu, munçulayu* (*ана шундай*) олмоши хатнинг тугаганлигига, унинг ана шу айтилгандардай эканлигига ишора этади. Шунинг сингари таъкидлар туфайли хатларнинг айрим керакли ва анъанавий ички компонентлари тушириб қолдирилган. Шунга карамай, уларда илк ўрта асрларнинг мактубот жанри учун муҳим бўлган деталлар акс этган.

Битигларни тузилишига кўра уч қисм – кириш, асосий қисм ва хулосага ажратиш мумкин.

Сюань-цзан йўллаган мактубларнинг учалови ҳам *Toyin Huintso sawim* (*Роҳиб Сюань-цзан сўзим*) деган жумла билан бошланган. Ушбу бошлама-унвон учов битигнинг ҳам кириш қисмини ташкил этади. У уч компонентдан тузилган: биринчиси – хат битгучининг даражаси (*toyin*), иккинчиси оти (*Huintso*); учинчиси – бошланажак сўзнинг унга тегишлилигини далилловчи қисм (*sawim*).

Ана шундай бичимли бошлама-унвонлар Иккинчи кўк турк хоқонлиги даврида ўтган Билга хоқоннинг эл-улусга битган ёрлигида (ёрлик Билга хоқон битигига киритилган), шунингдек, ўрта асрларда битилган турк хонларининг ёрлиқларида ҳам учрайди. Фақат уларда “ёрлик; сўз” англамидаги қадимги *saw* атамаси *söz* га ўзгарган. Жумладан, темурий хонлардан Шоҳрух Мирзо ўз ёрлиқлари ва расмий хатларини *Şāhruh bahadur sōzum*, султон Умаршайх эса *Sultān Umar šayx bahadur sōzum*, Абу Саид – *Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzum* унвонлари билан бошлаган (Содиқов, Омонов 2010,40–41,43–64). Кўринадики, бу борада ҳам Сюань-цзан битигларида ҳам матн тузиш анъаналарига, қоидаларига амал қилинган.

Биринчи битигда *Toyin Huintso sawim* унвонидан сўнг *yemä ešidilür* (*аёнки, эшитилурки*) кириш сўзи билан асосий қисмга

кўчилади (ST.VI.22,11). Битиг *Yana önrä Lağki(dä) körüşü teginmiştä öz ağız(in) yarlıqadi erdi, Kirügi ellär ödigi bir kavi qılzun, tep. Anı men bütürüp idu tegindimiz* (Биз илгару Лоцзинда (хон) билан учрашган чоғимизда ўз оғизлари билан менга Ғарб эллари хотираларини китоб қилиб ёзишимни буюриб эдилар. Уни мен тугаллаб, (у кишига) юборяпмиз) жумлалари билан тугайди (ST.VI.25,17–20).

Битигнинг ушбу хулоса қисми икки компонентдан тузилган: Бири – Лоцзиндаги учрашув чоғида хоннинг берган топшириғини эслаш. Унинг кесими узоқ ўтган замон шаклида (*yarlıqadi erdi*). Иккинчиси – китобнинг тугаллангани ҳамда хонга йўлланаётганлигининг таъкиди. Бу жумланинг кесими ҳозирги-келаси замон кўринишида берилган (*idu tegindimiz*).

Иккинчи битигда унвондан сўнг *istäyü saqınsar (ağar taxmin қилинса)* кириш жумласи билан (ST.VI.25,25) асосий қисмга кўчилади. Битиг *Yana ağduq baliq sayimizni umunur-biz tükäl körgüsi oqıgusı yoqıña yarıq yaşıq körü yarlıqağay erdi* (Яна умид қиламизки, буларни кўрмаган ва ўқимаган айри шаҳар ва қишлоқларимизга ёруғлиқ ҳамда маърифат кириб борагай) жумлалари билан тугайди (ST.VI.30,16–19).

Хоннинг ўз қўли билан ёзган жавоб хати роҳиб мактубининг давомида туради. Шунинг учун бўлса керак, унда хоннинг бошлама-унвони йўқ. Хат *İdmış bitigin körüp tükäl uqdimiz* (Юборган хатингизни кўриб, тугал уқдик) кириш жумласи билан бошланган (ST.VI.30,24–25). Бу унинг кириш қисмидир. Шу жумладан сўнг бирйўла асосий қисмга кўчилади. Мактуб *Biz Kirügi ellär ödigi ... açip oqidimiz. Samtso açari-iğ taqı örü kötürgükä yarlığ yarlıqadimiz* (Биз “Ғарб эллари хотиралару” китобини очиб ўқидик ва улуг устозни яна юқори даражага кўтаришига ёрлиқ бердик) деган жумла билан тугайди (ST.VI.31,26–32,4). Ушбу хотима икки компонентлидир: Бири – хоннинг Сюань-цзан қаламига мансуб хотиралар китоби билан танишганлиги ва кейингиси – роҳибнинг юқори лавозимга кўтариш тўғрисида кўрсатма берилиганлигининг қайди.

Тўртинчи хатда аввал унвон, ундан сўнг *bulu tegindimiz iduq varliqig* (қутлуғ ёрлиғни олдик) деган сўзлар билан мақсадга кўчилади (ST.VI.32,10–11). Мактуб ушбу қутлуғ асарлар “*adaşgan avomni ўша замоноқ ёруғлиққа элитгайлар чирмаб ётган ботқоқликлар қаъридан*” (*ügmäk ügmäk azqinlar timin-ök ertgäylär adqanğuluq toz-tupraqlar ilisintin*), деган тилак-истаклар билан тугайди (ST.VI. 35,21–23).

Яна бир белгиси, ушбу хатлар икки ҳукумдор ўртасида эмас, ўқимишли роҳиб ва унга илтифот кўрсатувчи юрт эгаси ўртасида, ўзаро ҳурмат чегарасида битилган. Мактублар ниҳоятда кўтаринки, юксак бир бадий услубда. Матнда турли бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилган. Бадийлик хат битгучининг мақсадини очишга, фикр таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Бир мисол: Сюань-цзан ўзининг иккинчи хатида тавғаччага ўгирилган нўм битигларга сўз боши ёзишни улуғ хондан ўтиниб эди. Хон эса ўз жавобида камтарлик билан бунга эътироз билдирганди. Бироқ роҳибнинг сўнгги хати шу қадар таъсирли, эмоционал, кўркем бир бадий услубда эдики, бу ўтинч битиги етгани замоноқ тангри тавғачхон уларга сўз боши ёзишга розилик берди (*Bu ötüg tegdüktä täñri tawğaç xan yemä temin-ök süü qilğali taplap*) (ST.VI.35.24–27).

Мактублар етук бадий асар даражасида. Уларни қадимги турк эпистоляр жанрининг сара намуналари қаторида санаш мумкин.

Шу ўринда бир-икки мисол берамиз:

Men, Huintso, ešidmišim, künli ayli kök täñrig yarutu bütürü körkläntürür. Antağ erip yana ol yaruqi bölünüp qapig tünlüküg yemä yarutar. Ögüzlär köllär yağiz yerig toqilanturur. Antağ erip, yana ol suwlar yirilib, säñirlärdä, özlärdä yemä aqar. – Men, Хунтсо, эшитмишим, кун ва ой кўк осмонни ёритиб, борлиқни безар. Шунинг билан бирга, унинг ёруғлиги бўлиниб эшик ва туйнуқлар тирқишини ҳам ёритар. Дарёлар, кўллар қўнғир ерни яшнатур, шунинг билан бирга, унинг сувлари тарқаб қоя ва унгуларга ҳам оқар (ST.VI.34,15–22).

Битигда тавғачхоннинг таърифи шундай: *Yemä bögülänmäkig küč ködügi buluqsuz yıñaqsis erür. Näñ bögü saqinč bolmağınča anıñ tözin tükäl uqıtğalı bolmaz.* – Яна донолик билан йўғрилган амали чексиз-чегарасиздур (сўзма-сўз. доно ишларининг томони ва бурчаги йўқ). Унинг таърифини беришга бирор-бир сўз топилмас (сўзма-сўз. Бирор бир донолик бўлмагунча, унинг маъносини тугал уқитиб бўлмас) (ST.VI.33,24–27).

Ёки бошқа бир ўринда хоннинг улуғ юришлари, сув йўлларидаги ҳукумронлиги *Teñiz kölüg kemi üzä intin qidiğına ertdi (У)* кемада денгиз ва кўлларни кечди (сўзма сўз. денгиз ва кўлнинг қарама-қарши қиргоғига ўтди) дея таърифланади (ST.VI.27,14–15).

Сўз юритилаётган нарсалар бадий сифатлари билан уйғун: *kök qalıq* (кўк осмон), *yağiz yer* (кўнғур ер), *yürüñ bulit* (оқ булут) сингари.

Битигларда бадийликни таъминлаш мақсадида турли лексик, морфологик, синтактик-стилистик воситалардан кенг фойдаланилган. Жумлаларнинг тузилишида, лексик ва грамматик воситаларнинг танланишида хат йўлловчиларнинг бир-бирига илтифоти, хурмати сезилиб туради. Хат битгучининг хоҳиш-истаклари ҳам силлиқлик билан баён этилади. Масалан, *-zun, -zün* кўшимчаси асарда хоннинг кўрсатмасини билдирганда буйруқ маъносини билдиради: *Anta nom aqtartzun, tep tedi* – “Нўмларни ўша ерда (тавғаччага) ағдарсин”, – деб айтди (ST.VI.17,14–15). Лекин Сюань-цзан хатида ушбу кўшимча истак маъносида келади. Мисолга эътибор қаратинг: *Küsäyü teginür-biz, täñri eligimiz iduq qut öz tutar iduq bi üzä bu nomlarqa bir süü yaratu yarlıqap, tütrüm nom tözin ögä küläyü yarlıqazun.* – *Истаймизки, тангри элигимиз Идуқ қут ўзи тутадиган қутлуғ қалами билан ушбу нўмларга бир сўзбоши ёзиб, унинг теран маъноларини алқаб, доврuginи ёйсин* (ST.VI.25,2–7). Ушбу жумлада *küsäyü teginür-biz* кириш сўзи ҳамда *-zun, -zün* кўшимчаси тилак, истак маъносини шаклантирмоқда. Бу кўшимча, айниқса, тилак-дуо билдирилганда кенг учрайди:

yarliqazun (ёрлиқасин), **teŋ ürlügüg qilzun** (тенг ва абадий қилсин), **tüz turquluq bolzun** (бардам турадиган бўлсин), **keŋirü yadilzun** (кенг ёйилсин), **uqulzun** (уқилсин) сингари.

Матнда ўзаро уйғун англамдаги сўзларни жуфтлаш усули ҳам кенг учрайди. Бу усул сўз маъносини кучайтиришга, янги маъно ҳосил қилишга, матн бадиийлигини оширишга хизмат қилади: **iŝi-ködügi** (ишлари, амаллари), **keċigi-köprügi** (кўприги), **yalin-oot** (ялин, чақмоқ), **öküŝ-telim** (кўндан-кўн, талай), **etä-yaratu** (безаб, яратиб), **yudaċi-arittaċi** (халос этгучи, форие этгучи), **yaŝuttaċi-yaruttaċi** (ёрпугувчи, бахи этувчи) сингари.

Матнда жумлалар, ўрни билан, **istäyü saqinsar** (уйлаб қўрилса), **yetä eŝitilür** (аёнки, маълумки), **apċulayu** (ишундай қилиб), **küsäyü teginür-biz** (истамизки), **umunur-biz** (умид қиламизки) сингари кириш сўз ва жумлалар кенг қўлланилган.

Бажарилган ёки бажарилгучи ишлар тўғрисида хабар берилганда жумлалар бирлик шаклида эмас, этикет доирасида, илтифот ила кўплик шаклида берилади; бунда гапларнинг эгаси **biz**, кесими эса **idu tegindimiz** (юборялмиз), **aċir oqidimiz** (китобни) очиб ўқидик), **yarliĝ yarliqadimiz** (ёрлиқ бердик) сингари келади.

Жумлаларнинг тузилишида бадиий матнларга хос бўлган инверсия ҳолати ҳам тез-тез кўзга ташланади: **Tidintim birikkäli edgülig sawlarqa. İsig özümin tüz tudum taŋdaqi salqim birlä. Kücümün küsünümün teŋ kördüm küzgi qurt qoŋuz birlä.** – (Роҳатдан) тийиндим бириккали эзгу хабарларга. Ўз тириклигимни тенг тутдим тонгдаги салқин бирла. Қучқудратимни тенг кўрдим қузги қурт-қўнғиз бирла) (ST.VI.28,2–7).

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Сингу Сели таржималари бизнинг ҳозирги тушунчамиздаги бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз ўгирмалар эмас. Уларда асар мазмуни сақлангани ҳолда, баён услуби, бадиий тасвир воситалари туркий тил қонун-қоидалари, турк ўқувчиси уқа оладиган кўринишга солиб берилган. Шунга кўра, улар таржималар эмас,

туркий асарлар сифатида ўрганилади. Буддизм даври турк адабиётида ушбу асарларнинг ўрни бекиёс.

“Сюань-цзан кечмиши” асарига киритилган мактублар туркий бадий эпистоляр жанрининг бизга маълум бўлган энг эски, шунинг билан бирга, классик намуналари қаторидадир. Туркий эпистоляр жанр тарихи, келиб чиқиши ва тарихий тараққиётини ўрганганда ушбу битигларни ҳам инobatга олмақлик керак.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига киритилган мактублар

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига персонажларнинг мулоқоти, уларнинг ўзаро суҳбати билан боғлиқ тўртта мактуб киритилган. Бири Ойтўлдиннинг элигга ёзган хати, иккиси элигнинг доно Ўзғурмишга йўллаган хати, бирови эса Ўзғурмишнинг элигга жавоб мактубидир. Хатлар маснавийда (*қофияси: а-а, b-b, с-с*), орада тўртликлари ҳам бор (*қофияси: а-а-b-a*). Хатларнинг бошланишидаги ҳамд ва наътлар қасида шаклида.

Ушбу мактублар йирик эпик дoston таркибидаги мустақил асарлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири басмала (бисмилло) билан бошланган.

Мактубларнинг тузилиши, матн компонентлари тўла-тўқис. Бошқа мактублардан фарқи шундаки, улар тарихий хатлар эмас, дoston таркибига киритилган бўлиб, асар персонажларига тегишлидир. Улар персонажлар нутқи билан уйғунлашиб кетади. Шунинг учун ҳам охирида мактубнинг ёзилиш санаси (йил-ой-куни) ҳам кўрсатилмаган. Яна бир белгиси, уларда дидактика етакчи.

Муҳим қирраси, мактублар ўта чиройли бир бадий услубда. Уларни қадимги турк эпистоляр жанрининг ажойиб намуналари деса бўлади.

Биринчиси, вазир Ойтўлдининг ўсал бўлиб ётганида элигка **Яратган мактуби** (QBN.55a,7–60a,4). Бу хат асарда *bitig* (мактуб), *qimaru bitig* (насиҳатнома), *öt-saw qimaru* (панд-насиҳат) деб аталган. Ойтўлдининг бу хати QBN да 147 байтдан иборат.

Бу хатда ўлимнинг киши учун муқаррарлиги, киши **тириклигида** бировларга яхшилик қилмоғи тўғрисида насиҳат қилади. Шунинг билан бирга, ўғли Ўгдулмиш етим қолаётгани, ўлгандан сўнг элигнинг ундан кўз-қулоқ бўлиб туражagini ўтинади.

“Қутадғу билиг” асари туркий басмала билан бошланган. Асар бошидаги басмала муаллиф тилидан берилади:

Bayat atı birlä sözüg başladım,

Törütkün, igidgän, keçürgän idim. –

Тангри оти бирла сўзни бошладим,

Яратган, парваришлаган, кечиргучи эгам (QBN.10,20).

Ойтўлдининг хати ҳам туркий басмала билан бошланган. Бирок ушбу басмала Ойтўлдининг тилидан эмас, муаллиф тилидан берилган:

Bayat atı birlä sözin başladı,

Törütkün, igidkän, keçürgän idi. –

Сўзни худо оти билан [яъни бисмиллони ёзиш билан] бошлади,

Яратган, парваришлаган, кечирган эгамдир (QBN.55a,7).

Таомилга кўра, бисмиллоҳ аввал тилда айтилади, кейин дилдагиси қозғозга битилади. Шунинг учун мактублардаги басмала хат битувчининг эмас, асар муаллифи тилидан берилган бўлуви мумкин.

Мактубда басмаладан кейинги сатрлар Ойтўлдининг тилидан берилади. Башлаб тангрига ҳамд (4 байт), суюкли пайғамбарга (*habib sawčiqā*) наът (1 байт) ва тўрт эшларига салом (1 байт) айтилиб, кейин элигга узоқ умр тиланади (1 байт). Шулардан сўнг мақсадга кўчилади. QBN да, негадир, хатнинг тугалловчи бўлими йўқ; хат элигка насиҳат билан тугаб қўя қолган.

Иккинчи хат Кунтуғди элигнинг Ўзгурмишга йўллаган мактубидир (QBN.118b,3–121a,15). Жами QBN да 86 байт.

Хат аввалидаги басмала Кунтуғдининг тилидан эмас, муаллиф тилидан ўзлашган гап шаклида берилган:

*Bayat atī birlā sözüg başladı,
Törütkān, igidkān, keçürgān, tedi. –*

Худо оти билан сўзни бошлади,

Яратган, парварии қилган, кечирган, деди (QBN.118b,2).

Хат ҳам муаллифнинг *ауир* сўзи билан бошланиб, қолганлари Кунтуғдининг тилидан келтирилган:

Ayur: Men bitidim bayatim atī,

Ву ат-ол қатуғ түрлүг игкә оти. –

Айтди: Мен худоийимнинг отини ёздим,

Бу от ҳамма турли дардга дармондир (QBN.118b,3).

Кунтуғди элигнинг ушбу мактуби ҳам тангрига ҳамд билан бошланади, у 8 байтдан иборат. Ҳамддан кейин Ўзгурмишга салом билан, ҳол-аҳвол сўраб мақсадга кўчилади. Ўзгурмишга салом қисми шундай:

İlikdin salām köñli aytu bitig

Bitidim, esānlik üzä, ey tetig.

Esān barmu erki, et-öz inçlikin,

Nekü-teg yüdar erki ödläk yükin. –

Бошдан салом, (мен) кўнгли сўровчи мактуб

ёздим, эсонликни сўраб, эй тетик.

Тану жон эсон ва тинч борми?

Замона юкини қандай кўтараётир экан (деб хат ёздим) (QBN.118b,11–12).

Шу байтлардан кейин асосий қисмга ўтилади.

Хат давомида “*Elig pandi Odğurtmişqa*” (“Элигнинг Ўзгурмишга панди”) сарлавҳаси билан элигнинг Ўзгурмишга аталган насиҳатлари ҳам берилган (QBN.119b,3 дан кейинги байтлар).

Кунтуғдининг хати:

Munu sözlädim men bitigin ulam,

Tügättim sözümni quruttım qalam. –

(Мана узоқ мактуб билан сўзларни сўзладим,

Сўзимни тугаттим, қаламни қуритдим) жумласи билан тугайди (QBN.121a,14). Лекин охирида колган гапларни қариндошинг етказади, дея қўшиб қўяди:

Taqi ma nekü erdi ersä sözüm

Qadaşın tegürgäy tilin, ay yüzüm. –

Яна қандай сўзларим бўлса,

Қариндошинг ўз тили билан етказади, ой юзлигим (QBN.121a,15).

Учинчи хат Ўзғурмишнинг элигга ёзган жавоб хатидир (QBN.136a,14–138b,14). Ўзғурмишнинг хати QBN да 76 байтли. Оллоҳга ҳамд 11 байт, наът 1 байт.

Басмала Ўзғурмишнинг эмас, асар муаллифи тилидан баён шаклида берилган:

Bayat atı birlä sözüg başladı,

Törütkān, igidkān, keçürgān tedi. –

Худонинг оти билан сўзни бошлади,

Яратган, парваришлаган, кечирган, деди (QBN.136a,13).

Мактубнинг матни Ўзғурмиш тилидан берилади.

Мактуб Оллоҳга ҳамд билан бошланиб, кейин наът келади.

Булардан кейин элигга салом айтилиб, унинг хатини ўқигани, бу хати билан элиг унга кўп марҳаматлар қилгани баён этилади. Мана ўша байтлар:

Eligkä du'ađi bitidim bitig,

Salamın esänlik üzä, ey tetig.

Elig yarlıqamış bitig birlä söz,

Oqıdım bitigin, yaruq boldi köz.

Öküş edgü yarlıg, tümän öt-irig,

Meñä yarlıqamış qamuğ sözlärig.

Yemä va'da qılmış öküş edgülüg,

Ağirliq, acıgılar, yegü-kedgülüg.

Элигга дуогуй бўлиб мактуб ёздим,

Саломимни эсонлик билан, эй тетиг.

*Элиг мактуб билан сўз орқали марҳамат қилибди,
Мактубини ўқидим, кўз равшан бўлди.*

*Кўп эзгу ёрлиг, туман ўғиту насиҳатлар –
Барча сўзлар билан менга марҳамат қилибди.*

Яна кўп эзгулик ваъда қилибди,

Иzzат-икром, инъом, егулик, ичгуликлар (QBN.136b,11–14).

Шулардан сўнг мақсадга кўчилади.

Мактуб қуйидаги жумлалар билан тугайди:

Nekü bolğa mendin eligkä asığ.

Asığsiz işi qılsa, bolmaz tatığ.

Özüm 'uzri quldum men emdi seňä,

Qodu ber meni sen, serilmä meňä. –

Мендан элигга қандай фойда бўлади,

Бирор фойдасиз иш қилса, ҳаловат бўлмайди.

Мен сендан энди ўз узримни сўрадим,

Сен мени қўявер, менга аччиқланма (QBN.138b,12–13).

Ўзғурмиш ҳам хатининг ниҳоясида қолган сўзларни қариндоши оғзаки айтажагини кўшиб кўяди:

Taqi ta nekü söz yurütmış alin,

Qadaşim eşitti, tegurgäy tilin. –

Яна қандай сўзлар бўлганлигини

Қариндошим эшитти, тили билан етказди (QBN.138b,14).

Тўртинчи хат Кунтуғди элигнинг Ўзғурмишга қайта йўллаган хатидир (QBN.142a,3–143a,13). Жами QBN да 40 байт.

Хат аввалидаги басмала Кунтуғдининг тилидан эмас, муаллиф тилидан берилган:

Bayat atı birlä sözüg başladı,

Törütkān, kečürgān, igidkān idi. –

Худо оти билан сўзни бошлади,

Яратган, кечирган, қилган эгам (QBN.142a,2).

Хат ҳам муаллифнинг *ауир* сўзи билан бошланиб, қолганлари Кунтуғдининг тилидан *Min şanā-ol uğan täñrikä (Қодир тангрига минг-минг санолар бўлсин)* дея Оллоҳга ҳамд билан бошланади

QBN.142a,3). Ҳамд 7 байт, пайғамбар ва саҳобаларга саловат
бор байтдан.

Кунтуғдининг Ўзгурмишга мурожаати салом ва соғлиқ
сўраш билан бошланади. Мана мактубдаги салом қисми:

İligdin öküš ögdi, yüz miñ salam

İburman seña, ey uquši tamat.

Bitidim köñül aytu idtim bitig.

Nekü-teg turursan, ey bilgä tetig? –

Аввал бор кўп мақтов, юз миңг салом

Юбораётирман сенга, эй заковатли баркамол.

Кўнгул сўраб ёздим, мактуб юбордим,

Қандай яшаябсан, эй доно тетиғ? (QBN.142a,12–13).

Шундан сўнг олдига Ўгдулмишнинг юборилганлигинг боиси
айтилиб, мақсадга кўчилади.

Кунтуғдининг хати сўзни қисқа қилмоқ кераклиги
тўғрисидаги ибратли сўзлар билан тугайди:

Uzun sözlämiş söz erinčig bolur,

Uquşluğ kişilar sözüg az qilur.

Ву söz tab qil emdi, adin sözläma,

Uquşqa, biligkä bolur ertimä. –

Узоқ сўзланган сўз зерикарли бўлади,

Заковатли кишилар сўзни қисқа қилади.

Шу сўз билан чеклан, энди бошқа сўзлама,

(Сўзни) заковатга, билимга боғлаб, орттирма
(QBN.143a,11–12).

Кунтуғди ўз хатининг охирида қолган гапларни
қариндошинг етказади, дея қўшиб қўяди:

Taqi ta nekü ersä qalmış sözüm

Qadaşin tegürgäy, tutuzdi özüm. –

Яна қандай сўзларим қолган бўлса,

Қариндошинг етказади, ўзим (унга)сўзладим (QBN.143a,13).

Мактубларнинг матн компонентларини қуйидаги жадвалда
кузатиш мумкин:

Матн компонентлари	I хат	II хат	III хат	IV хат
Кириш: <i>Тангрига ҳамд</i>	+	+	+	+
<i>Наът</i>	+		+	+
<i>Саҳобаларга салом</i>	+		+	+
<i>Хат йўлланувчига салом ва ҳолаҳвол сўраш</i>		+	+	+
<i>Хат йўлланаётганининг сабаби</i>		+	+	+
Асосий қисм: <i>Ўғит ва насиҳатлар</i>	+	+	+	+
Мактубнинг тугаши: <i>Мактубнинг якуни</i>		+	+	+
<i>Қолган гапларни хатни элтган киши айтиб қўяжagini эслатув</i>		+	+	+

Ўтмишда хонлар томонидан бирор кимсага хат йўлланганда бошда сиёҳи қуритилиб ўралган. Шундан сўнг пишиқ тизимча билан боғланиб, устидан тамға урилган. Китобатчиликдаги бу жараён “Қутадағу билиг”да яхши берилган. Жумладан, Кунтуғди Ўзгурмишга ёзган биринчи хатини тугатиб, уни ўраб боғлайди ва устига тамға уради: *Bitig türdi badī üzä tamğalap* (Мактубни ўради, устидан тамғалаб, боғлади) дея таърифлайди шоир буни (QBN.121b,1).

Ёки элиг Кунтуғдининг Ўзгурмишга иккинчи бор хат ёзиб тугатгандаги ҳолати қуйидагича таърифланади дostonда:

Tügätti bitig türdi, badī qatığ,

Qalam yudti, qodti, quritti xatığ.

Kötürdi bitig, kör, üzä tamğalap,

Sunup berdi, Ögdülmiş aldı ulap. –

Мактубни тугатди, ўради, қаттиқ боғлади,

Қаламни ювди, қўйди, хатни қуритди .

Мактубни кўтарди, кўргин, устидан муҳрлаб

Узатиб берди, Ўгдулмиш уни дарров олди (QBN.143a,14–15).

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ХУЖЖАТЧИЛИК АТАМАЛАРИ

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р: лексикография, атамашунослик, терминология, изоҳли лугат; атама, атамалар тизими, хужжатчилик атамалари генезиси, атамалар семантикаси; китобат иши; хужжатлар ёзуви, хужжатлар тили; хужжатларда тез-тез қўлланувчи атамалар.

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Туркий хужжатчилик атамалари тизимининг юзага келиши ва юксалуви масаласи.

Атамалар семантикаси ва уларнинг функционал хусусиятлари.

Атамаларнинг изоҳли сўзлиги.

Хужжатчилик ва китобат иши билан боғлиқ атамалар.

Туркий хужжатлар ёзувини англатувчи атамалар.

Туркий хужжатлар тилини англатувчи атамалар.

Хужжатларда ишлатилган савдо-сотик, иктисодий, ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ атамалар, ижтимоий табақаларни англатувчи сўзлар.

Хужжатчилик атамалари тизими бирйўла юзага келган эмас, у тил ва жамиятнинг узоқ асрли тараққиёти маҳсулидир. Жамиятда олди-берди муносабатлари, ижтимоий алоқалар расмий тус ола бошлаганиданоқ хужжатчилик атамалари ҳам шакллана бошлади. Хужжатчилик атамаларининг шаклланиш тарихи давлатчилик тарихи билан боғлиқ.

Туркий хужжатчилик атамаларининг энг эскиларидан бири *söz* дир. Расмий мулоқотда *söz* “ҳуқумдорнинг буйруғи, элга қарата айтган сўзи”ни англатган. Ёзув юзага келмасдан анча бурун, ўзаро расмий муомаладан бошлаб юрт эгасининг элга мурожаати ҳам, жамоа орасидаги ўзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланган. Ҳуқумдор ўзининг қўл остидаги кишиларга, элга ўз сўзини, буйруғини айтган. Ёзма хужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айни вазифада ишлатила бошлади. Жумладан, илк ва

ўрта асрларда яратилган ёрликларнинг унвонларида *sözüm* калимаси қўлланган. У “бу менинг фармоним, ёрлиғим” деган маънони англатади.

Кишилар ўртасидаги оғзаки келишув ҳам *söz* дейилган. Жумладан, Султон Абу Саиднинг турк султони Узун Ҳасанга йўллаган ёрлиғида *'ahd sözi* атамаси қўлланган: *Arada bir 'ahd sözi daği keçip erdi* (*Орада бир келишув ҳам бўлган эди*), дейилади битигда (AS.36). Бу икки ҳуқумдор орасида ўзаро келишув борлигини билдиради.

Қадимги туркий тилда “кишиларни ўзаро келиштирувчи, воситачи”ни *sözçi* дейилгани ҳам шундан.

Сўзлашувда, яъни оғзаки мулоқотда сўзловчи кўзда тутилганда *sözlädi* дейилади. Бу маънони *aydi, tedi* феъллари ҳам ифодалайди. Тингловчига кўра эса *tiñladi, ešitti* дейилади. *Sözlä-* феъли биргалик нисбатда келганида “ўзаро келишув” маъносини билдирган. Масалан, ҳужжатларда *iñča sözläštimiz* деган бирикма ишлатилади, бу “(бахосини) шундай келишдик” англамидадир.

Sözlä-, te-, ay- феъллари сўзлашувни, яъни оғзаки мулоқотни англатган бўлса, расмий ёзма услубни *biti-* ёки *yaz-* феъллари ифода этади: хат битувчи кўзда тутилганда *bitidi* ёки *yazdi*, адресат кўзда тутилганда *oqidi* дейилади. Расмий ҳужжатларнинг кўпи *bitidim, bitidimiz* феъллари билан тугайди.

Кишилар ўртасидаги ёзма расмий келишув *bitim* дейилган. У *biti-* (“битмак”) феълидан ясалган. *Bitim* кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ҳужжат турининг энг эскисидир.

Biti- феълидан *bitig* сўзи ҳам ясалган (<*biti*+*g*). *Bitig* нинг илкин маъноси “ёзув”; бундан “ҳужжат”, “мактуб”, “китоб” сингари маънолари урчиган. Ўтмишда ҳар қандай ёзма ҳужжат *bitig* дейилган. Бундан бошқа атамалар ҳам ясалган: *baş bitig* – бош, асосий ҳужжат; *boš bitig* – эрк ҳужжати; кулга эркинлик ҳуқуқини берувчи ҳужжат; *boš idmiš bitig* – эркинлик берувчи ҳужжат; *könli aytu bitig* – кўнгил сўровчи мактуб; *yantut bitig* –

жавоб хати; *biçğas bitig* – қасам битими; *qumaru bitig* – пасихатнома; *saqurt bitig* – аралаш сўзлар луғати; *toñqul bitig* – эълон қилинган асар; *bitigtaş* – битигтош; *bitig-belgü* – давлат тузуги; низоми; *bitig salām* – салом хат; мактуб; *bitig üşik* – ёзув, хат, сингари.

Ёки *bitig* сўзига кимса касб-корини англатувчи *-çi* қўшимчасини қўшиб, *bitigçi* (котиб; битувчи) оти ясалган. “Котиб”ни *bitkāçi* ҳам дейилган.

Biti- феълига *-gü* аффикси қўшилса, *bitigü* (сиёҳдон) бўлади.

Кишилар орасидаги ўзаро расмий муносабатларни англатган энг эски сўзлардан яна бири *keñäš* дир. *Keñäš* сўзи бошлаб жамоа орасидаги ўзаро оғзаки келишувни билдирган. *Keñäš* “фикрда бир тўхтамга келиш; сўзда ўзаро келишув” дир. Қадимги туркларнинг кенгашни таърифловчи шундай мақоли ҳам бўлган: *Keñäšlig bilig üdräšür, keñäšsiz bilig oprašur*. – “Маслаҳатли иш борган сари яхшиланиб боради, бемаслаҳат қилинган иш борган сари бузилишига юз тутади”.

Хужжатчилик атамалари сирасида *yarliq* нинг келиб чиқиши ҳам жуда эски; харқалай. у *čar~yar* (яъни “чорлов”) ўзагидан ясалган кўринади. Бу сўз бошлаб, “тангрининг буйруғи; ёрлиғи; марҳамати”ни билдирган: битигларда *täñri yarliqadi* дейди, бу “тангри ёрлақади, марҳамат қилди” дегани. Ёки ўзгаларга эзу тилак тиланганда, *täñri yarliqasu* дейилган; бундан “худо ёрлақасин”, “худо буюрган бўлсин” нияти англашилади.

Кейинчалик хонларнинг буйруғи ҳам *yarliq* деб атала бошлаган.

Битигларда хон буюрганда *yarliqadi* ёки *yarliq yarliqadi* дейди, бу “хон буюрди; буйруқ берди; ёрлик берди” дегани. Фуқаро ёки кичик даражадаги киши хонга мурожаат қилганда, *ötündi* дейди, бу “хондан ўтинди; ялинди; илтимос қилди” дегани бўлади. *Ötündi* сўзига *-g* қўшимчасини қўшиб, *ötüg* сўзи ясалган. *Ötüg* ёки *ötüg bitig* “илтимоснома; ариза” дегани. Баъзан *ötüg ötundi* ҳам дейди; бу “арз қилди” бўлади; *ötüg bitidi* бўлса “ариза ёзди” англашилади.

АТАМАЛАР СЎЗЛИГИ

ХУЖЖАТЧИЛИК ВА КИТОБАТ ИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

alqış – олқиш, алқов (AY.392,16).

alqış ber – олқиш бермак (AY.354,24).

tört alqış – тўрт олқиш (Huast.94). Монийлик фалсафасига кўра, кунда тўрт олқиш – Азруа тангрига, Кун-ой тангрига, кучли тангрига, бурхонларга ихлос билан, чин кўнгил билан олқиш айтиш фарзи (Huast.95–96).

arzadāšt (<араб.+форс. عرضه داشت) – “мактуб, хат” маъносида: *Meñä arzadāšti kelip edi, inšāsī ham yaman emäs* (BN.14).

□ қ. *bitig; maktüb; nāma; ruq'a; inšā; 'ināyat; 'ināyat-nāma.*

ay – хон дафтари: *anīñ atī aydīn yuduldi* – унинг номи хон дафтаридан ўчирилди (МК.232а).

◇ *ay bitigi* – аскарларнинг оти ва озиғи ёзилган дафтар (МК.16б).

bāb (<араб. باب) – боб, асар боби. Қутадғу билиг мундарижасида асар боблари ана шундай аталган: *avval bāb* (аввал боб), *ikinč bāb* (иккинчи боб) сингари (QBH.8,6).

abvāb (<араб. ابواب) – боблар, *bāb* нинг кўплиги; *fihris-t-i avvāb* (<араб. فهرست ابواب) – боблар мундарижаси (QBH.8,5).

bačīğ – келишув, шартнома (Taf.93).

baqšī – устоз, муаллим: *söki baqšīlarniñ sawī erür* – бурунги устозларнинг сўзлари эрур (ST.VIII.9,2–3).

◇ *nomčī baqšī* – нўмчи устоз (ST.V.9,18).

□ қ. *baxšī.*

baxšī – устоз, муаллим (ST.V.11,25; Abitaki.IV.50а,4).

Baqšī~baxšī сўзи қадимги турк будда, моний диний жамоалари даврасида “устоз, мураббий” маъносида ишлатилар эди. Замонасининг хат-саводли, ўқимишли кишиларига нисбатан қўлланган бу сўз кейинчалик туркий тилда ва уйғур хатида битувчи котибларнинг номида сақланиб қолди. Масалан, ўрта асрларда уйғур хатида битувчи котиблар отига *baxšī* сўзи

кўшиб айтилган: *Zaynu-l-Ābidin baxši*, *'Abdu-l-razzāq baxši* сингари. Ҳозирги ўзбек тилида у “халқ достончиси, бахши”ни билдиради. Айрим оғизларда “фолбин”ни ҳам *baxši* дейдилар. Хитой тилида ҳозир ҳам *boši* сўзи бор. У фан доктори илмий даражасига эга бўлганларни англатади.

Шу ўринда муҳим бир фактга эътибор қаратайлик. Илк Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили Маҳмуд ўғли Ҳаким Яҳёга берган тархонлик ёрлиғи (васиқаси) бор (Kurat 1940,62–75). Бу ёрлиқнинг бошқа ёрлиқлардан фарқи шундаки, унинг охирида битигни битган бахши(котиб)нинг ва унга кўрсатма берган қозининг оти ёзиб қўйилган: *Qāzi-l-quzzat mavlānā Sadr-i Jihān ötündi. 'Ali baxši bitidi* (Қозикалон мавлоно Садри Жуҳон илтимос қилди. Али бахши ёзди).

Яна бир жиҳати, ёрлиқнинг 51- қаторида *altun nišānliġ, al tamġaliġ yarliġ berdimiz* деган жумла келади. Ҳолбуки, ёрлиқда бу жумлада тилга олинган нишон ҳам, тамға ҳам йўқ. Фақат унинг бошланишига чиройли бир ёзувли нишон ишланган, холос. Бироқ у хоннинг нишони эмас, ундаги ёзув басмаладир. Агар ёрлиқ ўта нафис хат билан битилмаганида, юқоридаги белгиларига асосланиб, уни асл ёрлиқнинг копияси (нусхаси) деган бўлардик. Шундай бўлиши ҳам чамадан йироқмас. Акс ҳолда, ёрлиққа котибнинг ва қозикалоннинг исми ҳам ёзилмаган бўларди. Афтидан, Али бахши ёрлиқдан қозикалоннинг илтимосига кўра нусха кўчириб берган кўринади.

Муҳимроқ ери, ёрлиқда *baxši* атамасининг қўлланилгани. Демак, Қирим хонлигининг илк палласида Олтин Ўрда китобат анъаналари давом этган ва бу доирада ҳам котибларни, ўрни билан, *baxši* дейишган.

◊ *uluġ baxši* – улуғ бахши (АҲ.33,13); *yolči yerči uluġ baxši* – етакловчи, йўл кўрсатувчи улуғ бахши (АҲ.416,20).

sözçi baxši – таълимотни етказувчи. *Adinsizsiz yarliġlig sözçi baxši ata qan.* – Диний таълимотни етказувчи улуғ ота (АҲ.682,14).

□ қ. *baqši*.

bädizēi – наққош (Ka.11).

bāñü – мангу; “мангутош; хотира битиги; мангу битиг” маъносида; мангуликка, киши отини мангулаштиришга атаб тикланган битигтошларнинг ялпи атамаси. Бу атама кўпроқ кўк турк ёзувли енисей битигларида келади. Мана мисоли: *Er erdäm üčün, inim-äčim uyarin üčün bāñümin tikä bertü. – Ўзгумлик шарафим учун, ака-укаларим қудрати учун мангу тошимни тикиб берди* (E.28,4). Ёки яна: *Čab Šatun tarqan bāñüsi tikä bertim. – Чаб Шатун мангутошини тикиб бердим* (E.30,3).

□ қ. *bāñütaš, bitigtaš.*

bāñgü – мангутош, хотира битигтоши (E.28,4).

◇ *bāngütaš* – мангутош (Ka.11).

bāñkü – мангутош, хотира битигтоши. Енисей битигларидан айримлари ана шундай аталган (E.27,8).

bāñkü qaya – мангуқоя, мангутош. Енисей битигларидан бири ана шундай аталган (E.39,1).

bāñütaš – мангутош; мангуликка, киши отини мангулаштиришга атаб тикланган битигтошларнинг ялпи атамаси (Ka.13). Билга хоқон битигида унинг муаллифи Ўллуғ тигин ўзи ўрнатган ёдгорликни ана шундай атаган, *bāñ[ü]taš toqitdim* (битигтош ёздирдим) дея битади у (Xb.15).

Ўликлар хотирасини мангулаштириш истагида мазор тошларига ёзилган битиглар, зиёратчилар томонидан қоя тошларга, шунингдек, бирор улуғ тарихий воқеалар сабаб бўлиб тошларга ёзиб қўйилган ёзувлар, мангутошлар ана шундай аталган. Кўк турк ёзувли енисей битигларида бунинг сингари монументал матнлар *bāñü~bāñkü~bāngü* дейилган. Ҳозирги матншуносликда “монументал матн” билан бирга “эпиграфик матн” атамаси ҳам қўлланилмоқда. Эски туркчада унинг ҳам ўз атамаси бор. Кўк турк ёзувли урхун битигларида эпиграфик матнни *bāñütaš, bitigtaš*, енисей битигларида эса *bāñkü qaya~täñkü qaya* дейилган.

Кунимизга қадар сақланган турк монументал битигларининг энг кўхнаси урхун обидаларидир. Битиглар улуғ йўлбошчилар,

миллий қахрамонлар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қахрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва фаровонлиги, тинчлиги йўлида кўрсатган жасоратлари ёд этилади. Битигларда тарихий воқеалар ажойиб тил билан, бадиий услубда баён этилган. Муҳими, битигтош ижодкорлари ўша кезлардаёқ фикрни эл-улусга, келгуси ўғил-қизларга етказишнинг энг таъсирчан йўлини топганлар. Улар битигларда тарихий баён, расмий, монументал матнларга хос кўтаринкилик, эпитафияларга хос қайғули оҳанг – бари-барини ўзида мужассамлаштирган синкретик услубни қўллаганлар.

Соҳибқирон Темурбегнинг Тўхтамишхонга қарши юриш бошлаш арафасида уйғур хати билан тошга ёздирган битиги ҳам мангутош матн саналади.

başıq – башик; шеър турларидан бири. Р.Р. Аратнинг ёзишича, ўлим тасвирига бағишланган моний мазмунли шеърлардан бирига *Adinçig türkçä başiq* (Бошқа бир туркча башик) деб сарлавҳа қўйилган (Arat 1991,22).

belgü – белги, аломат, нишон. Маҳмуд Кошғарий бу сўзга мисол қилиб шундай мақол келтирган: *Qut belgüsi bilig.* – “Бахтнинг белгиси билим ва ақлдир” (МК.108а).

Belgü атамаси “қўл, имзо”ни ҳам билдирган. “Қутадғу билиг” уйғур ёзувли қўлёзмасининг 190- бетига, матнлар тугаганидан кейин, уйғур ҳарфлари билан қўл қўйилган. Унинг тагига эса араб ҳарфлари билан *baxšî belgüsi* деб ёзиб қўйилибди (QВН.190). Ушбу белги қўлёзманинг сўнгги бетларига кичик матнлар ёзиб қўйган Абдулраззоқ бахшининг имзосидир.

◊ *belgü-nişan* – гувоҳнома. *Meñä belgü-nişan keräk.* – *Менга гувоҳнома керак* (Taf.97).

bi – қалам, ёзув қуроли (ST.VI.25.4).

bildürä – билдиргулик (AS.48).

bildürgülük – билдиргулик; хоқон фармони. Бу атама “Ўғузхоқон” достонида келган (OD.12.V). Достонда билдиргуликнинг тўла мазмуни *Oşbu bildürgülükte bitilmiş erdi-*

kim (Ушбу билдургуликда битилмиш эрдиким) жумласи билан кўчирма гап шаклида келтирилган (OD.12.VII–13.VII).

Bildürgülük атамаси эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да ҳам берилган. Хитойча таржимада – 勅書 *chi shū* (подшо фармони) дея изоҳланган (IMS,50).

bildürgülük bitī – билдургулук битмак: *Bildürgülük bitidi, elçilärigä berip yebärdi* – Билдургулук битди, элчиларидан бериб юборди (OD.12.V–VI).

bilig – билим; китоб, асар; билим соҳаси; назария; билим билан боғлиқ нарса-ҳодисани атовчи ялпи сўз.

Biligtin ayur-men sözümgä ul-a,

Biligligkä, ya dost, özüñni ula.

Bilig birlä bilinür sa'dat yolu,

Bilig bil, sa'adat yolini bul-a. –

Билимдан сўз очдим, сўзимга асосдир,

Билимлига, эй дўст, ўзингни боғла.

Билим билан саодат йўли очилади,

Билим ол, саодат йўлини топ (YugC.9,1–4).

“Qutadğu bilig” атамасида *bilig* сўзи “китоб, асар” маъносидадир; “Qutadğu bilig” – “Қутлантиргучи асар; бахтга элтувчи китоб” ёки “Саодат билими” дегани. Шунинг учун асарни “Qutadğu kitabī” ҳам дейилади.

Ўтмишда фан соҳалари ҳам *bilig* дейилган. Масалан, “Қутадағу билиг”да: *Ayütti elig tekmä turlüg bilig. – Элиг* (Ойтўлдига) турли-туман билимлар соҳасидан савол берди (QBN.28b,11).

◇ *az bilig* – суклик, очкўзлик (ДТС,72).

et-öz bilig – вужудни англаш (ДТС,189).

bilgä bilig – доно билим, донишмандлик (Huast.82).

könül bilig – будда фалсафасига кўра, ҳис этиш, англаш (ДТС,316).

köz bilig – будда фалсафасига кўра, кўз билан кўриб, ҳис этиш, англаш (ДТС,320).

til bilig – дин. саккиз турли билимнинг бири (= санскр. *jihva-nijnāna*) (ДТС,559).

tuymaq bilig – дин. етуклик, тугаллик, комиллик (= санскр. *bodhi*) (ДТС,583).

biti – ҳужжатни “битмак”;

ayitip biti – ҳужжатни унга айтиб [яъни унинг айтганлари бўйича] битмак; *ayitip bitidim* – унинг айтганлари бўйича ёздим;

inčkā ayitip biti – унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз битмак; *inčkā ayitip bitidim* – унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз битдим (QTN.2,32–33).

bitig – китоб; хат, мактуб; ҳужжат; ёзув; ёзув билан боғлиқ нарсаларни атовчи ялпи сўз (Ка.13; МК.97а; КТТ.31; Taf.104). Икки тилли, эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да бу сўз икки ўринда, икки хил маънода берилган: биринчиси 書 (китоб, мактуб); иккинчиси 文 (қўлёзма асар) (IMS,49).

Bitig туб англамида “ёзув”ни билдирган.

Qamuğ el işin barča etgän bitig,

Bitigin tutar el kirişin tetig. –

Эл ишининг барини ёзув изга солади,

Тетик (киши) эл даромадини ёзув туфайли қўлга олади

(QBN.101b,5).

Tetiglig nişani turur bu bitig. – Тетигликнинг белгиси ёзувдир (QBN.85a,11).

Бу сўз “ёзмок, битмак” маъносидаги *biti*- феълига от ясовчи -g қўшимчасини қўшиб ясалган. Кейинчалик унинг маъноси кенгайиб, “хат, мактуб; ҳужжат; китоб; матн” сингари ёзув билан боғлиқ нарсаларни ҳам *bitig* деб кетилган. Расмий ҳужжатлар ҳам *bitig* аталган (масалан, QTN.1 нинг 23, 24-қаторларига қаралсин). Ҳужжатларнинг тури тўғрисида сўз борганда уларнинг сифати ҳам қўшиб айтилади: *boş bitig, yantut bitig* сингари.

Тошларга битилган кўк турк ёзма ёдгорликлари ҳам матннинг ўзида *bitig* аталган. Жумладан, Кул тигин битигида

битигни Йўллуғ тигин битганлиги шундай қайд этилади: *Bu bitig bitigmä atisi Yol(l)uğ t[igin].* – Бу битиг битилгучининг жигари Йўллуғ тигин (Ка.13). Ёки битигнинг охирига шундай ёзиб қўйилибди: *Bunča bitig bitigmä Kül tigin atisi Yolluğ tigin bitidim. Yigirmi kün olurup bu taşqa, bu tamqa qor Yolluğ tigin bitidim.* – Бунча битигни битилгучи Кул тигиннинг жигари Йўллуғ тигин битдим. Йигирма кун ўтириб, бу тошга, бу бинога тўлиқ Йўллуғ тигин битдим (К.II).

bitig ber – бирор кимсанинг жойдан, ердан-сувдан фойдаланиши учун “хужжат бермоқ”; *bitig berdim* – хужжат бердим (QTH.3,4).

aniñ bitigi belgülig – унинг ёзуви маълум, белгили (МК.97а).

bitig biti – хат ёз: *er bitig bitidi* – киши хат ёзди (МК.214а).

bitig bitiş – хат битишмак: *ol menä bitig bitişdi* – у менга хат ёзишда қўмаклашди (МК.163а).

bitildi – ёзилди: *bitig bitildi* – китоб ёзилди (МК.164б).

bitig bitit – хат ёздир (МК.212б).

bititti – биттирди: *ol bitig bititti* – у китобни ёздирди (МК.208а); *ol añar bitig bititti* – у унга хат ёздирди (МК.214а).

bitig köçürdi – китобни, хатни кўчирди: *ol bitig köçürdi* – у китоб ёзди. Бир нусхадан бошқасига кўчирди (МК.154а).

Мактуб, яъни *bitig* хонга нисбатан қўлланганда *yarliqasun* дейилади:

bitig yarliqasun – (хон) мактуб йўлласин (QBN.178б,12).

bürüldi – букланди: *bitig bürüldi* – мактуб, хат бураб букланди (МК.167а).

yudti – ўчирди: *ol bitig yudti* – у хатни кириб ўчирди (МК.316б).

yuldi – кўчириб ёзди: *ol bitig yuldi* – у китобни кўчириб ёзди (МК.236б).

türüldi – тугилди, тахланди: *bitig türüldi* – китоб йиғилди, хат ўралди. Китобдан бошқа нарсага ҳам шу сўз қўлланади (МК.166б).

bitig bititgüci – хат битувчи (МК.212б).

bititmiş bitig – ёздирилган хат (МК.213а).

bitig bitigü oğur – хат ёзадиган вақт (МК.213а).

◊ *bitig-belgü* – давлат тузуғи; низоми. Кўк турк, уйғур хоқонлиқлари замонида тошларга давлат тузуклари ҳам битилган. 745 йили Иккинчи кўк турк хоқонлиғи ўрнига келган уйғур хоқонлиғининг хукмдори Мўюн-чўр шарафига ўрнатилган битигда (Малов 1959,30–44) буни тасдиқловчи қизик бир мисол бор. Битигда 750 йил воқеалари тўғрисида сўз борар экан, Мўюн-чўр тилидан: “Ўша йили ... оқ ўрда чодирини тиктирдим, мудрофаа деворларини курдирдим, ёзни ўша ерда ўтказдим, ўша ерда тангрига ибодат ўтказдим, туғроимни, битигимни, (тузугимни) ўша ерда яраттирдим (*belgümin-bitigimin anta yaratitdim*)” дея таъкидланади. Кейинги йил воқеалари баёнида ҳам шунга яқин мазмунли жумлаларни ўқиймиз: “Ўшанда ғарбда Идуқ башда, Ябаш ва тўқуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни курдирдим, мудрофаа деворларини ўша ерда курдирдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни тузугимни ўша ерда ясси тошга яраттирдим (*biñ yülliқ түмән күнлик bitigimin belgümin anta yası taşqa yaratitdim*)” дейилади битигда (матннинг 19–22- қаторларига қаралсин).

Ушби мисолда кечган *bitig-belgü* – “давлат тузуғи; низоми” маъносини билдиради; *bitigimin-belgümin anta yası taşqa yaratitdim* дейилганда “тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим” деган маъно англашилади.

bitig salām – “салом хат; мактуб” маъносини билдиради (UM.18).

bitig üşik – “ёзув, хат” маъносида. Бу сўз эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиғи”да берилган. Хитойча таржимада – 寫字 *xiě zì* (хат ёзиш) (IMS,50).

baş bitig – “бош, асосий хужжат” маъносида. Масалан, жорияни сотиб, ўрнига бўз олинганлиғи тўғрисидаги хужжатнинг тескарисига (қаралсин: Малов 1951,211–214)

Qutluğniñ baš bitigi-ol (Қутлуғнинг бош битигидур) деб ёзиб қўйилган (QTH.22,33).

boš bitig – эрк хужжати; қулга эркинлик ҳуқуқини берувчи хужжат; *boš* – “эркин; озод” сўздан; *boš bitig ber-* эрк хужжатини бермак (QTH.29,7). *Boš bitig* атамаси QTH.1,13,18,20, 33; 29,7 да келган.

boš idmiš bitig – эркинлик берувчи хужжат (QTH.1,21).

čīn bitig – чин битиг, хужжат: *Saqiš saqliqī čīn bitig birlä-ol.* – Ҳисобнинг тўғрилиги чин битиг биландур (QBN.104a,1).

könli aytu bitig – кўнгил сўровчи мактуб (QBN.118b,11).

yantut bitig – тарихий, тарихий-бадий асарларда “жавоб хати” маъносида келади; *yantut* – “жавоб” (қаралсин: ДТС,233) сўздан. Лекин хужжатчиликда қарздор томонидан тўловни кафилловчи хужжат, тилхатни билдиради. Жумладан, Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган Т.М.98 (U 5248) кўрсаткичли хужжат *yantut bitig* аталган (QTH.25,2 га қаралсин).

bičğas bitig – қасам битими. Бу атама “Девону луғатит турк”да келтирилган (МК.116а). *bičğas* – Махмуд Кошғарийнинг ёзишича, кишилар орасидаги ваъда, ваид. У ўрнак қилиб қуйидаги шеърни келтирган:

Bičğas bitig qilurlar,

And key yemä berürlär.

Xandīn basut tilärlär,

Basmil, čumul tirkäšür.

Ябақу жангида хоқонни кўмакка чақириб айтади: Бизнинг кишилар подшога қаршилик қилмасликка, унга бўйсунишга қасам ичиб, битим тузилди. Ҳозир басмил ва чумул қабилалари биз билан урушмоққа йиғилдилар. Хоқон уларга етишди, ҳатто уларнинг қонини тўқди ва асирга олди [Келишув – битим тузишди, яна қасам ичишди. Хондан ёрдам сўрашди. Басмил, чумуллар (бизга қарши) жангга тўпланишди] (МК.116а).

qumaru bitig – насиҳатнома (QBN.55a,5).

saqurt bitig – бу сўз эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да берилган. Хитойча таржимада – 雜字 *zá zì* (маъноси: “аралаш сўзлар луғати”) (IMS,50).

tonqul bitig – бу сўз эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да берилган. Хитойча таржимада – 榜文 *bǎng wén* (маъноси: “эълон қилинган асар”) (IMS,50).

bitigčī – котиб; битувчи (QBN.100b,7; КТТ.31; Taf.105).

Nečä ma bilig bilsä beglär özi

Bitigčī keräk-ök bitisä sözi. –

Бегларнинг ўзи қанчалик билимли бўлмасин,

Хабар ёзгудек бўлса, албатта котиб керак бўлади

(QBN.100b,2).

dīwān bitigčīlāri – девон котиблари (TQ.7).

□ қ. *bitkāči*.

bitkāči – котиб, хат битувчи (AY.686,1).

□ қ. *bitigčī*.

bitigtaš – битигтош. Кул тигин битиги битигнинг ўзида ана шундай аталган. Мана ўша жумлалар: *Kül tigin qoñ yilqa yiti yigirmikā učdi. Toquzunč ay yiti otuzqa [yoğ ärtürtimiz. Barqin bādizin] bitigtaš[in] bičim yilqa yitinč ay yiti otuzqa qo[pr al]qd[im]iz.* – Кул тигин қўй йилида, [биринчи ойнинг?] ўн еттинчисида ўлди. Тўққизинчи ой(нинг) йигирма еттинчисида азасини ўтказдик. Биносини, нақшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ой(нинг) йигирма еттинчисида бутунлай тугатдик (К.III). Ўнгин битиги ҳам битигнинг ўзида *bitigtaš* аталган (Ob.1).

bitigü – сиёҳдон (QBN.55a,6).

bitim – битим, келишув. Кўк турк ҳоқонлиги замонидан терига ёзилган ҳужжатлар ҳам етиб келган. Шулардан бири Зарафшоннинг юқори оқимидаги Муғ қалъа деб аталувчи тарихий харобадан, суғдча ёдгорликлар билан бирга топилган (*қаралсин*: Бернштам 1951). Ушбу туркий ҳужжат кўк турк ёзувида бўлиб, қорамтир кулранг, юқа терига битилган. Матни

қора сиёҳда, ёзуви тиниқ, олти қаторли. Тери анча чириб тушганидан матнни тўлиғича тиклаб бўлмайти.

Ушбу битиг юрт эгасининг ёрлиғи ёки йирик дипломатик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эмас; бор-йўғи хўжалик ишларига тегишли. А. Бернштамнинг тахминича, ушбу топилма Деваштич қўл остида хўжалик ишида йилқичилик билан шуғулланувчи бирор кимсага тегишли расмий ҳужжат бўлуви керак (Бернштам 1951,72). Буни матнда этли, қизғиш тусли отлар (*ät ar yont*) топширилаётгани тўғрисида сўз бораётганлигидан ҳам билса бўлади. Лекин тарих учун ушбу битигнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Эътиборли жиҳати, ушбу ёдгорликда *bitim* деган сўз учрайди. *Bitim* сўзи *biti-* “ёз-” феълидан ясалган бўлиб, келиб чиқишига кўра, ёзма ҳужжатлар асосидаги келишувни билдиради. Демак, *bitim* сўзининг қадимийлиги кишилар ёки жамоалар ўртасидаги ёзма келишувнинг, унинг ҳуқуқийлигини таъминлайдиган ана шу ҳужжат турининг эскилигига далолат қилади.

boşuğ – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, султон томонидан ўзига юборилган элчининг қайтиб кетишга берилган ижозат қоғози. Элчиларга берилган туҳфага ҳам шу сўз қўлланади. Бу *sufra* (суфра) сўзига ўхшайди. “Суфра”нинг асл маъноси “мусофир учун тортилган таом” бўлса-да, кейинчалик у таом ёзиладиган, теридан қилинган дастурхонга ҳам қўлланган. Шунингдек, бир қариндош ўз қариндоши қошига узокдан келиб, қайтиш чоғида қариндош, яқинларини чақириб, берилган тортиқларга ҳам шу сўз қўлланади. Уларга тайёрланган овқатга ҳам *boşuğ aşı* деб айтилади. Бу “рухсат оши” демакдир (МК.94а).

bölüg – бўлим; асар бўлими: *altinč bölüg* – олтинчи бўлим (АҲ.201,9).

buçuy (< *xumoy. po-čhun*) – тилхат; асл ҳужжат ўрнига берилган тилхат.

◊ *buṣuṇ bitig* – ҳужжатнинг асл нусхаси *oṇ bitig*, унинг ўрнига берилган тилхат эса *buṣuṇ bitig* дейилган: *Oṇ bitigi yoq bolmišqa, buṣuṇ bitig berdim*. – Асл ҳужжат йўқлиги учун, ўрнига тилхат бердим (ДТС,119).

□ қ. *viṣuṇ*.

čizg'il – чиз, ёз (тингловчига буйруқ); *yazg'il* ҳам дейилади (КТТ.58).

ček – чек, нуқта қўй:

čekdi – чекди, нуқта қўйди: *ol bitig čekdi* – у хатга нуқта қўйди (МК.137b).

čekildi – чекилди, нуқта қўйилди: *bitig čekildi* – хатга нуқта қўйилди (МК.168a).

čekig çekindi – нуқта қўйишга уринди: *er bitigkā čekig çekindi* – киши хатга нуқта чекишга уринди, киришди (МК.171a,b).

čektürdi – нуқта қўйдирди: *aṇar çekik čektürdi* – унга хат-ёзув нуқталарини қўйдирди (МК.179a).

daftar (<араб. دفتر) – дафтар; ҳужжатчиликда кўпинча “давлат девонларида ҳисоб-китоб, кириш-чиқим, даромад ва харажат ёзувлари” (Ҳакимов 2013,89). Умаршайх ёрлиғида “расмий ҳужжатларни қайд этиш дафтари” маъносига келган; *daftarlarğa surusun* – дафтарларга қайд этсин (U.11).

davāt (<араб. دوات) – давоат (QBN.118b,1).

ḥamd (<араб. حمد) – ҳамд, сано, мактов, тангрига бағишлов. Бандаларнинг Тангри таолога билдирган мамнунияти ва шукронаси.

Ислом даври асарлари, одатда, Тангрига ҳамд билан бошланган. Ҳамд асарнинг турига қараб шеърӣ ё насрий бўлади.

“Қутадағу билиг” асарида *ḥamd* сўзи ўрнида туркий *ögdi* ишлатилган. Жумладан, асарнинг уйғур ёзувли кўлёмасида ҳамд бўлими *Täñri az(z)a va jal(l) ögdisin ayur* (Энг азиз ва энг улуг Тангрининг мадҳини айтади) деб аталади (QBN.10,19).

Адиб Аҳмад Югнакий ҳам ўзининг “Ҳибату-л-ҳақоик” асарини ҳамд билан: *Ilāhī ōkūš ḥamd ayur-men seḡā* деб бошлаган (YugC.1,2).

ilimḡa – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, шох мактубларини турк хати (خط التركيه) билан ёзувчи котиб (МК.42а).

◊ *bitigčī ilimḡa* – хат ёзувчи котиб. Бу атама “Қутадғу билиг” да келган: *Ōgdūlmiš eligkā bitigčī ilimḡa nekū-teg kerakin ayur.* – Ўғдулмиш элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлуви) кераклигини айтади (QBN.100а,14); *Beglārgā bitigčī ilimḡa nekū-teg kerakin ayur.* – Бегларга битигчи-илимга [яъни беглар хизматидаги котиблар] қандай бўлмоғи кераклигини айтади (QBN.9,10).

inšā (<араб. انشاء) – “мактуб, хат” маъносида. Алишер Навоий “Муншаот” га кирган айрим мактубларни шундай атаган.

□ қ. *bitig; maktūb; nāma; ruq’a; arzadāšt; ’ināyat; ’ināyat-nāma.*

’ināyat (<араб. عناية) – “мактуб, хат” маъносида. Алишер Навоий “Муншаот” га кирган айрим мактубларни шундай атаган.

□ қ. *bitig; maktūb; nāma; ruq’a; inšā; arzadāšt; ’ināyat-nāma.*

’ināyat-nāma (<араб.+форс. عناية نامه) – “мактуб, хат” маъносида. Алишер Навоий “Муншаот” га кирган айрим мактубларни шундай атаган.

□ қ. *bitig; maktūb; nāma; ruq’a; inšā; ’ināyat; arzadāšt.*

kavi (<санскр. कविya) – эпос, эпик асар (ST.V.87,17).

kavi nom bitig – эпик нўм битиг (ST.V.87,17). Хитой роҳибининг саёҳатларига бағишланган “Сюань-цзан кечмиши” асари *Bodisatv Tayto Samtso ačarininḡ yoruḡin uqitmaq atliḡ Tsi-in-čün tigmā kavi nom bitig* (“Бўдисатв Тайтў Самтсў устознинг кечмишлари ҳикояси отли эпик асар”) деб аталган (ST.V.87,14–17).

kaḡaz (<форс. کاغذ) – қоғоз (QBN.118b,1).

◊ *kaḡaz bitig* – ёзув қоғози (QBN.55а,6).

kāḡit – қоғоз. Форсча асли *kāḡit* дир (КТТ.31).

□ қ. *kaḡaz.*

kitap (<араб. كتاب) – китоб, (бадий) асар. *Bu kitap turur edi 'aziz, yawlaq tañsuq.* – Бу китоб жуда азиз, муътабар ва тансиқ туруп (QBH.2,9); *Bu kitapni oqıǵlı, bu bayitlarni ma'lum qılǵıçılar kitaptin 'azizraq erür.* – Бу китобни ўқиғучи, бу байтларни маълум қилғучилар китобдан (ҳам) азизроқ бўлади (QBH.2,12–13).

Munuñ hikmati, kör, bu tört näñ üzä,

Kitapni tügätmiş bularni tüzä. –

Бунинг ҳикмати, кўргин, бу тўрт нарса узради,

Буларни тузиб, китобни тугатмиш (QBH.7,22).

Tat ispahsalar beg ücün bu kitāp

Şiqardim ačunda atı qalsu dep. –

Дод испоҳсолар бек учун бу китобни

Яратдим, денёда оти қолсин деб (YugC.7,11–8,1).

◊ **kitap idisi** – муаллиф, ёзувчи. *Kitap idisi sözlämişkä öz 'uzrin qulur.* – Китоб эгаси сўзлаганига ўз узрини сўрайди (QBH.18,2).

kitapkä at ur – китобга от қўймоқ;

Kitap atı urdum Qutadǵı bilig,

Qutadǵı oqıǵlıǵa tutsu elig. –

Китобга “Қутадғу билуғ” деб от бердим,

Ўқиғучини қутлантурсин, қўлидан тутсин (QBH.22,4).

kitābat (<араб. كتابة) – Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий билан бўлган ёзишмасини, хатини ана шундай атаган. Мана ўша ёзганлари: *Bu ikkinçi navbat Samarqandni alǵanda, 'Alīšer-beg tirig edi. Bir navbat meñä kitābatı ham kelip edi. Men ham bir kitābat yıbarıp edim, arqasida türkī bayt aytıp, bitip yıbarıp edim. Javār kelgünčä, tafriqa-vu ğavǵā boldı* (BN.78).

küg – куг; шеър турларидан бири. Р.Р. Аратнинг ёзишича, Апринчўр тигин қаламига мансуб моний мазмунли шеърнинг бошланишига *Aprinčor [tigin kügi t]aqşurlari* (Апринчўр тигин шеърлари), унинг охирига эса *[T]ügädi [A]prinčor tigin kügi* (Туғади Апринчўр тигин шеъри) деб ёзиб қўйилган (Arat 1991,14).

law – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, муҳр босиш учун фойдаланиладиган мум (МК.256б).

madh (<араб. مدح) – мадҳ, ўгду. *Ordukān xanī beg madhīn ayur.* – Ўрдукан хони бег мадҳини айтади (QBN.8,8).

maktūb (<араб. مكتوب; кўплиги: *makātib* <араб. مكاتب) – мактуб, хат.

Алишер Навоий “Муншаот”га кирган мактубларини *bitig*, *maktūb*, *nāma*, *ruq’a*, *nišān*, *inšā*, *arzadāšt*, *’ināyat*, *’ināyat-nāma* деб атайти. “Муншаот”ни эса, *makātib* деб ҳам атайти: *Yana daği rasāyilğa qalam surup-men va makātibğa raqam urup-men* (ML.42).

□ қ. *bitig*; *arzadāšt*; *nāma*; *ruq’a*; *inšā*; *’ināyat*; *’ināyat-nāma*.

maṣal (<араб. مثل) – мақол, ўғит, ибратли сўз. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида: *Maṣal keldi türkčä miñar meñzätür.* – Бунга монанд бир туркча мақол бор (QBN.17a,5).

◇ *mavā’iz maṣal* – панд-насиҳат. *Bitidim kitāb-i mavā’iz maṣal.* – Панд-насиҳатлар китобини битдим (YugC.45,1).

mkä – сиёҳ: *altun mkä* – олтин суви, зарҳал (ST.VIII.9,3).

□ қ. *qara*.

munšaāt (<араб. منشات) – хатлар тўплами. Навоийнинг хатлар тўплами “Муншаот” деб аталади.

Туркий мактубларнинг энг эскилари қадимги уйғур хоқонлиги давридан қолган. Шунингдек, Олтин Ўрда хонлари, теурийларнинг туркий тилда битган кўплаб ёзишмалари маълум. Лекин улар жамланиб, китоб ҳолига келтирилмаган эди. Туркий адабиёт, эпистоляр жанр тарихида биринчи бўлиб ўз мактубларини бир китобга жамлаб, муншаот тузган Алишер Навоийдир. Навоийнинг ушбу асари унинг куллиётларига кирган, шунингдек, муншаот ёлғиз китоб ҳолида ҳам кўчирилган.

muhur (<араб. مهر) – муҳр, хужжатга урилган муҳр-тамға. Улар давлат муҳри ёки кишиларга тегишли бўлиши мумкин.

Муҳрнинг яралиш тарихи давлатчилик, халқаро дипломатия ва ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши ва такомили билан

боғлик. Муҳрлар бошлаб ёзув пайдо бўлмаган чоғларда ҳам ишлатилган. Уларнинг тамғаси рамзий-символик белгиларга асосланган бўлиб, давлатнинг рамзий белгилари, ҳайвонлар, қушларнинг расмлари муҳрларга ҳам туширилган. Ёзувли муҳрлар эса хат санъати ривожлангандан сўнг пайдо бўла бошлади. Энди хон ва амалдорлар ўз исми-шарифини, диний калималар, шиорларини муҳрларга ҳам ёза бошладилар.

Қўлёзма китоблардаги муҳрлар. Қўлёзма китобларнинг бош ва охириги бетларида ҳошияга қўйилган турли муҳрларни учратиш мумкин. Шакли икки хил: бодомсимон ёки думалоқ. Ушбу муҳрлар китоб эгаси ёки сақловчисига тегишли бўлиб, ичига уларнинг исми-шарифи ёзилган. Улар беклар, вазирлар ва бошқа амалдорлардир. Бу кишилар давлат ишларида қўллайдиган муҳрларини ўз кутубхоналарида сақланаётган китобларига ҳам қўйганлар. Баъзи нодир китоблар хонларнинг кутубхонаси учун махсус кўчиртирилар эди. Бундай китобларга, табиийки, хон муҳри босилган. Хусусан, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоийнинг ўз муҳри бўлган. Бу бизга уларнинг кутубхонасида сақланган нодир китобларга қўйилган муҳрлардан маълум.

Шунингдек, қўлёзма китоблар вақф ё мадрасаларнинг мулки ҳам бўлган. Уларга, одатда, вақф эгасининг муҳри босилган. Баъзи қўлёзмаларда бир бетнинг ўзида бир нечта муҳр бўлади. Буниси ушбу китобнинг кутубхонадан-кутубхонага, қўлдан-қўлга ўтиб келганидан далолат. Айрим ҳолларда мулк эгаси ўз муҳрини китобнинг бир неча жойига босган.

Ҳозирги фондларда сақланаётган қўлёзмаларга ушбу фонднинг муҳри ҳам қўйилган бўлади. Уларда фонд номи, китобнинг кўрсаткич рақами ва фондга келиб тушган вақти қайд этилади.

Қўлёзма китобнинг чарм ё картондан ишланган асл муқовасида тамғаси ҳам бўлади. Ушбу тамғага турли нақшлар ишланган ёки китоб муқовасини ишлаган саҳҳофнинг исми-шарифи ёзилган.

Ўтмишда муҳр тайёрлаш санъат даражасига кўтарилган. Муҳр ясовчи махсус усталар бўлган. Бундай касб эгалари *муҳркан* аталади.

Турк-мусулмон давлатларида амал қилган муҳрларнинг матни, анъанага кўра, арабча, форсча ва туркийда.

Расмий ҳужжатлар ва мактублардаги муҳрлар. Ўрта асрларда битилган хон мактублари, ёрликлар, гувоҳномалар ва бошқа расмий ҳужжатларга давлат муҳри босилар эди. Муҳрлар тенг ёнли тўртбурчак, думалоқ шаклларда. Хон муҳрларига, одатда, бисмиллоҳ, калима-и шаҳодат, пайғамбар ва саҳобаларнинг оти, шунингдек, хонларнинг шиори, исми-шарифи ёзилган. Баъзи муҳрларга уларнинг тамғаси ҳам туширилган. Ҳужжатнинг катта-кичиклигига қараб бир ёки бир нечта жойга муҳр босилган.

Бир ўрнак. Тўпқопи Сарой музейида Қирим хони Ҳожи Гирейнинг 1453 йили анқаралик Маҳмуд ўғли Ҳаким Яҳёга берган тархонлик ёрлиғи сақланмоқда. Ҳужжат ҳар сатрининг орасида жой қолдириб 54 қаторга битилган. Муҳими шундаки, битигнинг ягона муҳри матн орасида эмас, ёрликнинг уст қисмида – тамға сингари ўртада турибди. Шундан сўнг бисмиллоҳ билан матн бошланган. Муҳрнинг кўриниши ҳам бошқаларидан ажралиб туради: учига япроқсимон нақш кўндирилган ромба шаклида. Унга ўта чиройли хатда ҳам ўнг ёғдан, ҳам сўл ёғдан икки қайта бисмиллоҳ битилган (*қаралсин*: Kurat 1940,78,173–184).

Айрим ҳужжатларда ёрлик берувчи ҳуқумдор муҳридан ташқари, давлат идораларининг муҳри, турли қайдлар ҳам учрайди. Султон Умаршайхнинг 1469 йили марғилонлик Мир Сайид Аҳмадга берган уйғур ёзувли гувоҳномасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳужжат матни 13 қаторли. Ҳуқумдор муҳри ҳужжатнинг юз томонида: 2–3- сатрлар ичкарироқ ёзилган бўлиб, қатор ўртасига думалоқ муҳр босилган. Ҳужжатнинг терс томонида эса катта-кичик еттита думалоқ муҳрлар бор. Варақ юзидаги ва орқа томонидаги муҳрлар ёзуви

араб хатида. Эътиборни тортадиган ери шундаки, ана шу мухрлар ёнига уйғур хати билан бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки жумла ёзиб қўйилибди. Уларнинг биринчиси *Halil dād Kōkaldāš Barin baxšī bilā* (Халил дод Кўкалдош Барин бахши билан), иккинчиси эса *rūznāma bitildi* деб ўқилади (қаралсин: Мелиоранский 1906,08). Ушбу қайдлар ҳужжат қабул қилувчи ёки бирон расмий кимса томонидан ёзиб қўйилган бўлуви мумкин.

□ қ. *nišan; belgü; tamqa~tamğa.*

nāma (<форс. نامه) – нома, мактуб, хат. Алишер Навоий “Муншаот”га кирган айрим мактубларни шундай атаган.

□ қ. *bitig; maktüb; ruq'a; inšā; arzadāšt; 'ināyat; 'ināyat-nāma.*

nišan (<эрон. نشان) – белги; нишон; ҳужжатнинг у ёки бу кимсага тегишлилигини далилловчи белги (қаралсин: ДТС,359). У чоғда туркий тилга форс тилининг таъсири тўғрисида фикр юритиб бўлмайдди. Чамаси, бу сўз эроний тиллардан монийлик таъсирида кириб ўзлашган бўлуви керак. *Nišan* – икки хил: мухр-тамға шаклида ҳамда қўлда чизиб қўйиладиган белги кўринишида. Ҳар иккалови тенг ҳуқуқлидир. *Nišan* атамасининг мисоли учун қаралсин: ҚТН.1; 27; 29; 30; 31.

Nišan ҳужжат атамаси сифатида “далилловчи ҳужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради (U.10).

◇ *beg nišan* – “беглик нишони, беглик ёрлиғи” маъносини беради (Ѕ.7).

muhurluğ nišan – “хоннинг мухр-тамғаси билан тасдиқланган ҳужжат” (U.12), баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluğ nišan* ҳам дейилган.

nišan-tamğa – белги, нишон (QТН.2,25; 4,22).

nišan yosun – жуфт сўз (?) (U.9); *yosun* – “қонун, қоида”, *nišan yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат” маъносини беради.

□ қ. *belgü; muhur; tamqa~tamğa.*

nom (<сугд. nwm) – дин, шариат; диний таълимот; буддавий қонун-қоидалар; йўруғлар.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, дин ва шариат. Бундан олиниб *tāhri nomī* дейилади, “худонинг дини ва шариати” демакдир. Ҳамма динларга ҳам *nom* дейилади. Бу *Šīn* ликлар сўзидир (МК.252а).

Nom атамаси эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да ҳам берилган. Хитойча ўгирмада – 經 *jīng* (нўм) (IMS,49).

◇ *nom bitig* – китоб, асар (ST.V.81,20; Arat 1991,84). “*Altun öñlög yaruq yaltriqlig qopta kötrülmiš nom eligi*” *atliğ nom bitigdä onunč ülüš tegzinč nom bitiyü oqiyu tükädi*. – “Олтин тусли ёруе ялтироқли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битигда ўнинчи қисмининг бўлим нўми битилиб тугади (АҮ.673,5–11).

kavi nom bitig. қ. *kavi*.

nom-boqšut – қонун китоблари (қаралсин: ДТС,360; QTH.1,7).

nom eligi – нўм тождори: “*Altun öñlög yaruq yaltriqlig qopta kötrülmiš nom eligi*” *atliğ nom bitig*. – “Олтин тусли ёруе ялтироқли тугал юксак нўм тождори” отли нўм битиг (АҮ.201,4–6).

nom quti – нўм шаъни (Huast.157–158).

nom-törü – қонун-қоида (Huast.56).

ariğ nom – чин қоида (Huast.76).

igid nom – сохта қоида (Huast.66).

tāhri nomī – тангри нўми (Huast.28–29).

üč ödki nomī – учала замон нўми (Huast.71).

nomča: *nomča-törüčä* – қонун-қоидалар бўйича (Huast.120).

nomči: *tāhriči-nomči* – художўй-уламо (Huast.120).

nomluğ – нўмли: *Altun öñlög yaruq yaltriqlig qopta kötrülmiš nomluğ čin erdini*. – “Олтин тусли ёруе ялтироқли тугал юксак нўмли чин жавоҳир” (АҮ.34,5–7).

ödik – ҳисобот, маълумотнома; хотира, эсдалик. Машхур хитой сайёҳи Сюань-цзан ёзган асарларнинг бири “*Kirügi ellär ödigi*” (“Ғарб мамлакатлари хотиралари”) деб аталган. Олимнинг ушбу асари тўғрисида “Сюань-цзан кечмиши” китобида маълумот берилган (ST.VI,25). “*Kirügi ellär*

ödigi”нинг туркий таржимаси йўқ. Лекин ушбу асар “Сюань-цзан кечмиши” китоби учун манба бўлиб хизмат қилди. Бу асар эса Шингқу Шели тудунг томонидан қадимги туркий тилга таржима қилинган.

ögdü – мақтов, мадҳ (AY.33,15; QBN.136a,14).

□ қ. *ögdü*.

ögdü – ўгду, мадҳ. *Täñri az(z)a va jal(l)niñ ögdüsin ayur.* – Аввалги боб. Энг азиз ва энг улуг тангрининг ўгдусини айтади (QBN.8,6); *Yalawač uluğ Muham(m)ad Mustafa ögdüsin ayur.* – Ялавоч улуг Мухаммад Мустафо ўгдусини айтади (QBN.8,6–7); *Yalawač 'alayhi salam ögdüsin ayur.* – Ялавоч алайҳи-с-салом ўгдусини айтади (QBN.12,2).

□ қ. *ögdü*.

öt – насиҳат, ўгит (ДТС,391).

◇ *öt-saw* – панд-насиҳат (QBN.55b,8).

öt-saw-irig – панд-насиҳат (QBN.178b,6).

öt-saw qıtarı – панд-насиҳат (QBN.55b,6).

ötüg – ариза; илтимоснома (QTH.1,3 *ga қаралсин*); *ötün-*, *ötünç* сўзлари ҳам айна ўзакдан.

ötüg ber – арз қилмоқ; ариза бермак: *Ötrü bu yarlığ ešidip beš yüz satığçı eränlär terilip, içgärü ötüğ berdilär.* – Сўнг бу ёрлиқни эшитиб, беш юз тадбиркор кишилар йиғилиб, саройга келиб, (хонга) арз қилдилар (Gabain 1950,283).

◇ *ötüg bitig* – ўтинч битиги; илтимоснома, ариза (ST.VI.22,9; AY.15,6). *Men Huıntso ä[nätkäk]kä barquda üç qata ötüğ bitig qılıp ötündüm.* – Мен, Сюань-цзан, Анаткакка бориш олдидан уч қайта ўтинч битиги билан мурожсаат қилдим (ST.VI.8,15–17). Шунингдек, қарз олиш васиқаси ҳам *ötüg bitig* аталган (*қаралсин*: ДТС,393).

ötüg saw – сўров, илтижо (ДТС,393).

pāyğir (<форс. پایگیر) – пойгир; рус текстологиясида погинация дейилади. Қўлёзма китобларда, одатда, китоб варақларининг изчиллигини таъминлаш мақсадида пойгирдан фойдаланилган. Пойгир ҳар бир варақ тугагач, кейинги вараққа

ўтишдан бурун кўйилган. Бунда аввалги варақнинг пастига кейинги бетда давом этувчи матннинг бошидан бир-икки сўз қиялатиб ёзиб кетилган. Қўлёзма матнни ўрганишда пойгирнинг аҳамияти катта. Мабодо, пойгир сўзи, яъни саҳифа остидаги ишорат кейинги саҳифадаги матнни бошлаб берадиган бўлса, демак, китоб саҳифалари йўқолмай сақланган бўлади. Янги саҳифанинг биринчи сатри аввалги варақдаги пойгирга тўғри келмаса, қўлёзмани кейинчалик таъмирлаш жараёнида варақлари аралаштириб юборилган ёки унинг баъзи варақлари йўқолган бўлиб чиқади. Шунингдек, қўлёзмада пойгир узилиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳам варақлар кетма-кетлиги бузилади.

qalam (<араб. قلم) – қалам, ёзув қуроли. Юсуф Хос Ҳожиб қаламнинг кучига катта баҳо бериб, қалам элни тузиш, мамлакатни мустаҳкамлаш қудратига эга эканлигини таъкидлайди. Бунда у расмий битимлар, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро келишувларни кўзда тутаяди:

Qilič el tüzär ham bodun qazğanur,

Qalam el tüzär ham hazina urur. –

Қилич эл тузади ҳамда халқларни қўлга киритади,

Қалам эл тузади ҳамда хазина йиғади (QBN.101b,12).

Юсуф Хос Ҳожиб қиличнинг кучи билан элни босиб олиш мумкин, лекин мамлакат қалам билан бошқарилади, дейди. Бунинг билан у мамлакат бошқаруви ҳужжатларга, расмий ёзмаларга таянажagini таъкидлайди. Мана ўшанинг ўрнаги:

Qilič birlä aldī , kör, el alğučī,

Qalam birlä basti ul el basğučī.

Qilič birlä alsa bolur terk elig,

Qalam bolmağinča basumas elig. –

Қўрғин, эл олувчи қилич билан босиб олади,

Элни бошқарувчи қалам билан бошқаради.

Қилич билан элни тез босиб олса бўлади,

(Лекин) қалам бўлмаса, қўл (кучи) билан элни бошқариб бўлмайди (QBN.92a,3-4).

qara – қора, сиёҳ. Бу атама “Қутадғу билиг” да келган:
Qalamda qara tamsa altun kelir. – Қаламдан қора (сиёҳ) томса олтин келади (QBN.101b,13).

□ қ. *mkä*.

qoʻshiq – қўшиқ; шеърий асар; маснавий. “Қутадғу билиг” нинг насрий муқаддимасида шундай деб ёзилган: *Bu kitapni, qoʻshiqni (tasnif qiliqli) Balasağun mavludliğ parhiz idisi er turur. – Бу китобни, қўшиқни (битувчи) Баласағун мавлудлиғ, парҳиз эгаси эр турур* (QBN.3,11–12).

Bu türkçä qoʻshuqlar tüzättim señä,

Oqirda unutmä, du'a qil menğä. –

Сен учун бу туркча қўшиқларни туздим,

Ўқиган чоғда унутма, мени дуо қил (QBN.8,2).

Фанда туркий **qoʻshiq** сўзининг илкин маъноси, келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар айтилган. Айрим олимлар унинг келиб чиқишини “қўш хайдаш” англамидаги **qoʻsh** сўзига боғлайди: “таригчи-деҳқон қўш хайдаш чоғида ҳиргойи қилиб айтганлари қўшиққа айланган”, дейилмоқчи бунинг билан. Бошқа бир қарашга кўра, **qoʻsh** сўзи “қўшмоқ” феълидан олинган: бунинг билан эса, “шеъридаги сўзлар қўшилиб, қўшиққа айланган”, дейилмоқчи. Сўзлар ўз-ўзидан, содда бир усулда ясаиб қолмайди. Ясама сўз тушунча-моҳияти билан ўзакнинг англамига бориб туташади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида яхши бир ўрнак берилган: *Er yir qoʻshdi*, дейди. Бу жумладаги *yir* – “ашула”; *qoʻshdi* эса “тўқиди; ижод қилди” бўлиб, жумланинг маъносини “Киши ашула тўқиди” деб ўгиради олим. Мисолни бежиз келтирмадим. Сўз юритаётганимиз **qoʻshiq** нинг ўзаги ҳам девонда келтирилган ўша *qoʻshdi*, яъни “тўқиди; ижод қилди” маъносидадир. Ҳозирги ўзбекчада *қўшмай гапир*, деймиз. Бунинг англами ҳам ўша эски сўздан қолган: “тўқимай гапир” дегани.

qumaru – “мерос, ёдгорлик” маъносида келади:

Kišidin kişikä qumaru söz-ol,

Qumaru sözi tutsa, asği yüz-ol. –

*Кишидан кишига қоладиган мерос – бу сўздир,
Мерос сўзни тутса, ишлатса, фойдаси юздир* (QBN.14a,8).
ruq'a (<араб. رُقعة) – асли ёзув тури, араб хатининг бир кўриниши. Алишер Навоий ана шунга таянган ҳолда, “Муншаот”га кирган айрим мактубларни *ruq'a* деб атаган.

□ қ. *bitig; maktüb; nāma; arzadāšt; inšā; 'ināyat; 'ināyat-nāma. sab – сўз* (Ka.7).

□ қ. *saw*.

saw – “сўз; ҳикматли сўз; хабар; ҳикоя” сингари маъноларда келади. Шунингдек, ёрликларнинг унвонларида келиб, “хоннинг ёрлиғи; фармони”ни билдиради: бунда қўлланувчи шакли (*Bi meniñ sawim turur*) дир.

Маҳмуд Кошғарий *saw* сўзининг қуйидаги маъноларини келтирган:

saw – оталар сўзи; мақол. Чунончи, *sawda mundağ kelir* – оталар сўзида шундай келади.

saw – қисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш, айтиш.

saw – ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш.

saw – рисола, хат, кичик китобча.

saw – сўз, нутқ.

saw – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи. Шундан олиб, набий, пайғамбарга *sawčī* дейилади. Чунки у бир қанча хабарлар эшиттиради, ёзилган нарсаларни етказди (МК.256b).

saw elit- / saw kelir- гап тарқатмоқ (Huast.45).

□ қ. *sab*.

söz – “сўз; гап; нутқ” маъноларида ишлатилган.

Масалан, “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида: *Xali sözläsän söz bilip sözlägil*. – Сўз сўзлайдиган бўлсанг, билиб сўзлагин (YugC.22,9).

Расмий битигларда “хужжат; келишув” маъносида ҳам ишлатилади: *bu sözkä tanuq* – “бу сўзга, яъни хужжатга гувоҳ” (QTN.19,8).

Шунингдек, *söz* калимаси ҳукмдорларнинг бирор кимсага йўлланаётган хатларида, ёрликларида унвонда келиб, юрт эгасининг “муружаати; фармони; ёрлиғи” маъноларида ҳам

Ўйланган. Айни маънода Турфон хужжатларида ҳам шллатилади. Масалан, Берлинда сақланаётган Т.М.97 (U5290) кўрсаткичли хужжат *Lala tigin sözüм Са(...)*қағанға унвони билан бошланади. Чоғиштиринг: Олтин . Ўрда хони Тўхтамишнинг поляк қиролига йўллаган ёрлиғи *Toxtamiš sözüм Yağaylağa*, ёки Темур Қутлуғ хоннинг ёрлиғи *Temür Qutluğ sözüм* деб бошланган. Бу мисолларда *söz* “ёрлик; фармон” англамидадир.

“Ўғит, панд-насиҳат, ибратли сўз” англамида келади:

Señä sözlädim men sözüм, ey oğul,

Señä berdi bu pand özüм, ey oğul. –

Сенга сўзимни сўзладим, эй ўғил,

Сенга панд-насиҳат қилдим, эй ўғил (QBN.14a,5).

Bu sözkä tanuqı munu keldi söz. – Бу сўзнинг исботи учун мана бундай сўз бор (QBN.25b,11).

Алишер Навоий ўзининг ҳамдларидан бирида *söz* ни Оллоҳнинг ҳукми (“бўл”) маъносида қўллаган:

Ey, söz bilä qılğan äfariniš äğāz,

İnsānni arada äylägān mahram-i rāz.

[Оллоҳга ҳамд ўқийди: Эй, яралишни сўз билан [яъни “бўл” деган ҳукм билан] бошлаган, инсонни орада (Ўзига) яқин айлаган] (ML.54).

söz sözlä – сўз сўзла: Añar sözlädi sözni barča elig. – Элиг унга барча сўзни айтиб берди (QBN.33b,2).

söz yori – “сўзи ўтмак; даъвоси тан олинмоқ” маъносида. Хужжатларда даъво қилувчиларга нисбатан *sözläri yorımasun* дейилади (QTH.2,24); ушбу бирикма “даъво қилувчиларнинг сўзлари ўтмасин; уларнинг даъвоси тан олинмасин” деган маънони англатади.

sözün kesti – сўзини кесди, бўлди (QBN.48b,4).

◊ *ozagı söz – бурунгилар сўзи, мақол. Bu bir söz ozagı urulmiş maşal. – Бу бир қадимий сўз айтилган мақол (YugC.16,10).*

sözbaşı – сўз боши, асарнинг бошланиши. *Söz başi. Küntüğdi elig 'adil sifatin ayur.* – Сўз боши. Кунтуғди элиг адл сифатини айтаду (QBH.8,15).

sudur (<санскр. *sūtra*) – сутра; будда қиссалари (ST.VI.4,2; Abitaki.IV.32a,10).

sana (<араб. *ثنا*) – ҳамду сано, Оллоҳга бағишланган мадҳ (QBN.136a,14).

šastar (<санскр. *śāstra*) – шастар, рисола, трактат (ST.V.10,13); *Samtso ačariniñ bu šastari aňsiz körklä uz turur.* – Самтсў ачарининг бу рисоласи беҳад ажойиб бўлиб, маҳорат-ла ёзилган (ST.V,11).

šlok (<санскр. *śloka*) – шлок, шеър тури (ST.VIII.17,7; Abitaki.III.24b,4); *bir šlok änatkäkčä azu türkčä* – бир шлок анаткакча [санскритча] ёки туркча (AY.33,24). *Atin atar aya qawšurur oqıǵı šlöki bu erür.* – Отини атаб, бармоқларини қовуштириб ўқиган шеъри бу эрур (AY.34,3).

◇ *tagšut šlok* – шеър тури (ST.V.6,13).

šloklug – шлокли (ST.V.63,17).

tagšut – тағшут, шеър тури (ST.V.7,23).

тамға – тамға, муҳр; расмий ҳужжатларга қўйилувчи белги (QTH.1,18; 6,24);

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри (МК.107а). Бу атама эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”га ҳам киритилган. Хитойча таржимада: *ᠮᠤᠮᠤᠭ᠎ᠠ* (белги, муҳр) (IMS,46).

Тамғанинг яралиш тарихи жуда узоқ. Илк тамғалар белги кўринишида эди. Қадимги битигтошларда ҳам *белги-тамғалар* кўп учрайди. Жумладан, машҳур Кул тигин ёдгорлигининг тепа қисмига чақалокни эмизаётган бўри тасвири ишланган. Унинг тагига эса қалқонсимон шакл берилиб, унга хоқонлиқнинг тағ эчкиси (архар) кўринишли белги-тамғаси туширилган (*қаралсин*: МТА.24). Худди шундай қалқонсимон шакл ёдгорликнинг хитойча ёзувли юзида ҳам бор. Бироқ унга тоғ эчкиси эмас, хитойчада хоқонлиқнинг оти ёзиб қўйилибди

(МТА.29). Шундан ҳам туркий битигли ёғидаги архарнинг хоқонлик белги-тамғаси эканини билса бўлади.

Архар кўринишли белги-тамға қадимги туркий битигтошларда, қоятошларда тез-тез учраб туради. Жумладан, Тошкент яқинидаги Хўжакент ғорининг кираверишидаги қояларга ишланган суратлар ичида ҳам тоғ эчкиси бор.

Бошқа бир мисол. У. Серткая ва С. Харжавбай биргаликда Мўғилистоннинг Хайтў Тамир аймағидан топилган тошларга битилган кўк турк ёзувли кичик-кичик битигларни чоп эттирдилар (*қаралсин*: Sertkaya, Harcaybay 2001). Ана шу битигларнинг кўпида, ёзувнинг бош қисмига ёки охирига, ҳатто ёзувнинг ораларига турли кўринишдаги белги-тамғалар урилган. Жумладан, сирадаги 4- битиг олти қаторли. Битигнинг охирида пастга қараган варраксимон тамға чизилган. Мақола эгалари ана шу тамғага таяниб, битиг Уйғур хоқонлиғи даврига тегишли, деган хулосага келганлар (325- б.).

Тўрт қаторли 7- битигда ҳам шундай. Матн охирига, шунингдек, бошланиши ва ўртасига чизилган турли тамғалар Уйғур хоқонлиғига тегишли (327- б.).

Етти қаторли 15- битигнинг ҳам тамғаси иккита: илки ромбасимон, кейингиси эса қипчоқларнинг илгаги икки ёққа қараган тамғаси (339- б.).

Ёки тўрт қаторли 17- битигнинг охирига чатал тамға урилган (342- б.).

Бир қаторли *Qara tigin* (Қора тигин) деб ёзилган 18- битигда ёзувнинг бошланишига чизилган тамға тоғ эчкиси (архар) кўринишидадир (343- б.).

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида туркий белги-тамғалар тўғрисида яхши маълумот берилган. Олим ўғузлар тўғрисида хабар бера туриб, уларнинг уруғлари ва ҳар бир уруғнинг белги-тамғасини бирма-бир келтиради.

У ёзади: “*Oğuz* – туркларнинг бир қабиласи. Ўғузлар туркманлардир. Улар йигирма икки уруғдир. Уларнинг ҳар бирининг махсус белгилари, молларига мос тамғалари

бордирким, уруғларни шу тамғаларига қараб айирадилар ...” (МК.20b). Кошғарий бу ўринда “ҳайвонларга уриладиган белги-тамға”ни кўзда тутиб, уни арабчада علامة *'alāmatun* (“аломат, белги”) деб атайди. Бу атама سمة *simatun* (“тамға қўймоқ”) феъли билан бирикаётгани учун, *'alāmatun* ни “тамға” деб тушунмак керак: арабча матнда ишлатилган *علامة و سمة علي الدواب 'alāmatun va simatun 'alā-d-davābbi* бирикмасини “ҳайвонлар устидаги аломат ва тамға” ёки “ҳайвонларга урилган тамға” деб таржима қилинади.

Кошғарий ўз сўзининг охирида яна қўшиб қўяди: “Бу қабилаларни билишга кишиларнинг эҳтиёжи борлиги учун бирма-бир изоҳ бердим. Бу тамғалар уларнинг моллари ва подаларининг белгисидир. Моллари аралашиб кетганда ҳар қабилла ўз молини шу тамғалардан айириб олади” (МК.21a).

Тамға, бошлаб, уруғ белгилари кўринишида юзага келди. Кейинчалик такомиллашиб, хоқонларнинг белгиси, ундан давлат белгисига айланган. Шу билан бир қаторда, уруғлар, бек ва амалдорлар, йирик ер эгаларининг, ҳатто деҳқону хунар эгаларининг ҳам ўз белги-тамғаси бўлган. Расмий ишларда, ҳужжатчиликда, олди-берди ишларида ана шу белги-тамғалардан фойдаланганлар. Давлатчиликнинг такомили билан боғлиқ ҳолда, кейинчалик *муҳр-тамғаларга* ўтилди. *Муҳр-тамғалар* хоқонлар, давлат амалдорларига тегишли бўлиб, расмий ҳужжатлар, ёрликлар, халқаро дипломатик хатлар, бек ва султонлар томонидан бериладиган ҳужжатларга босилган. Улар доирасимон, бодомсимон, уч бурчакли, тўрт бурчакли, саккиз бурчакли қилиб ишланиб, ичига ҳукумдорнинг исми-шарифи, унвони, шиори, инонч-эътиқодига тегишли сўзлар битилар эди (қ. *muhur*).

Қадимги турк-будда асарларида *tamğa* сўзи “магик белги, нишон”ни ҳам англатган: “*Alqinmaqsiz isilmaksiz kök qaliq-teg kkirsiz arığ köñül yoriğiniñ tamğasi*” *atliğ darani nom.* – “*Ўйүк бўлмас-мангу кўк-осмондек зўборсиз-тоза кўнғил йўригининг тамғаси*” *отли дуо китоби* (АҲ.338,19–21).

“Мухр-тамға”, масалан, “вазирлик тамғаси, мухри” таъносида келади. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди элиг Ойтўлдини вазирлик ловозимиға кўтарганини таърифлаб дейди:

*Vazirliḡ aḡar berdi, tamḡa, ayaḡ,
Tuḡi, küwrügi birlä berdi qïyaḡ.* –

Унга вазирлик (даражасини) берди, тамға, унвон (берди),

Туғи, ногораси билан жигасини берди (QBN.44a,12).

tamḡa qaḡ – тамға урдирмоқ, тамға бостирмоқ (QTH.1,18).

◊ *al tamḡa* – мухр-тамға. Тарихчи Ибн Баттута ўз “Саёҳатнома”сида ёзишича, турклар мухрни *al tamḡa* деб аташади: *al* – “қизил”, *tamḡa* – “мухр” таъносини билдиради (Ибн Баттута 2012,371); *al tamḡaliḡ yarliḡ* – ол тамғали ёрлик (TQ.52).

altun tamḡa – олтин тамға; хоннинг тамғаси, мухри. Бу атама эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”га киритилган. Хитойча таржимада: 金印 *jīn yìn* (сўзма-сўз “олтин мухр”) (IMS,65).

kümiš tamḡa – кумуш тамға; тамғанинг бир тури, вазирнинг тамғаси (?). Бу сўз эски туркий-хитойча “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да берилган. Хитойча таржимада – 銀印 *yín yìn* (кумуш тамға) (IMS,65).

üč tamḡa – уч тамға (Huast.150).

tört y(a)ruḡ tamḡa – монийлик тушунчасида “тўрт ёруғ тамға” (Huast.79). Булар: биринчиси – севги – Азруа тангри тамғаси; иккинчиси – эътиқод – Кун-ой тангри тамғаси; учинчиси – кўрқув – беш тангри тамғаси; тўртинчиси – доно фикр – бурхонлар тамғаси (Huast.80–79).

Китобат санъатида китобларнинг муқовасига ишланган ромбасимон нақшлар ҳам *tamḡa* дейилади. Баъзи муқоваларга бўйламасига ромбага мойил шакл берилиб, уст ва остига майда нақшчалар уланган (ана шу санъат тури тамғадир). Улар муқовага босиб туширилган. Нодир китоблар бўртма тамғали, оддийлари текис тамғали бўлади. Сонига кўра, муқовалар уч тамғали, беш ва кўп тамғалидир. XV–XVII асрларда ишланган

китоблардаги муқова тамғаси анча йирик: муқованинг катта сатҳини эгаллаган. Кейинги юзйилликларда эса ушбу тамғалар майдалашган. Баъзи муқовалар юзига гуллар ва турли безаклар берилиб, тамғасиз бўлади. Муқова юзидаги тамға ё нақшлар ичига уни тайёрлаган саҳҳофнинг исми-шарифи ва шунга ўхшаш муҳим ёзувлар битилган.

□ қ. *nišan; belgü; muhur.*

tamğacı – муҳрдор, муҳр босувчи (TQ.7).

tamqaliğ – тамға урилган, муҳрланган: *tamqaliğ yarliğı tegdi* – тамға урилган ёрлиги теғди (ST.X.8,3–4).

tamğala – тамғаламоқ, тамға урмоқ. Маҳмуд Кошғарийда шундай ўрناق бор: *ol bitig tamğaladi* – у хатга, китобга хон тамғасини урди (МК.300а).

□ қ. *tamqala.*

tamqala – тамғаламоқ, тамға урмоқ (ST.V.41.13).

□ қ. *tamğala.*

ta'rix (<араб. تاريخ) – тарих; рус текстологиясида *колофон* дейилади. Матннинг битилган ери, санаси, битувчиси (котиб) ҳақидаги маълумотлар, одатда, тарихда келтирилади. Тарих расмий ҳужжатлар, мактублар, йирик асарларнинг якунига битилади. Олди-берди васиқалари эса тарих билан бошланади. Қабр тошларидаги тарих марҳумнинг ўлими, ёдгорликнинг тикланган вақтини билдиради. Ёзма манбаларда тарихнинг берилиш усули турлича: айримлари анча муфассал, асарнинг битилган санасидан тортиб, котиби ё таржимонигача қайд этилган. Айрим матнларда унинг санасигина кўрсатилади.

Баъзи йирик қўлёзма китобларда тарих бир неча жойда келтирилуви ҳам мумкин. Жумладан, будда нўм-битигларида асар бўлимлари орасида – бир бўлим тугаб кейингисига ўтишдан аввал асарнинг оти, бўлими, унинг қайси тилган ўгирилганлиги, таржимони тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Баъзи йирик тўплам, мажмуа, куллийётларда ҳам тарих бир неча ўринда – китобга жамланган йирик асарлардан сўнг

битилган. Қизиғи шундаки, бундай китобларда бир ўринда қайд этилган сана бошқа бир ўринда бир-икки йилга фарқ қилиши мумкин. Бу фарқ, ўз навбатида, қўлёманинг бир неча йил кўчирилганини билдиради.

Шарқда тарих китобларини ҳам *ta'rix* деганлар. Бу атама асарнинг отига ҳам қўшиб айтилган.

Учинчи маъноси, *ta'rix* шеърий санъат турини ҳам билдиради. Тўртлик шаклидаги бундай шеърий санъатда муҳим тарихий воқеаларнинг санаси яширинган бўлади. Баъзи котиблар асарнинг китобат тарихини шеърий йўлда битганлар.

taš – тош, ёдгорлик тоши (К.И).

taš toqit – тош ўрнат (Ка.12).

tezginč – боб; асар боби: *törtünč teziginč* (АҲ.201,9).

tuğra – туғро, белги. Баъзи қўлёмна китоблар илк саҳифасининг орқа тарафига қорада чизилган турли белгиларни учратиш мумкин. Бу тасвир давлатнинг ёки китобни кўчиртирган амалдор(бек)нинг шахсий белгиси (символ, рамз) бўлиб, китобатчиликда уни *tuğra* дейилади. Туғро чизилган саҳифага бошқа ҳеч қандай бўёқ ёки суратлар чизилмайди. Туғро белгиси расмий ҳужжатларнинг бошланишида ҳам кела олади.

□ қ. *tuğraq*.

tuğraq – хоннинг муҳри (ўғузчадир). Турклар билмайдилар, мен ҳам бу сўзнинг аслини билмайман, деб ёзади Маҳмуд Кошғарий (МК.116b).

□ қ. *tuğra*.

'unvān (<араб. عنوان) – унвон. Шарқ китобатида унвон икки маънода ишлатилади.

Биринчиси, санъат тури, унвон; рус текстологиясида *заставка* дейилади. Қўлёмна китобларнинг ноёб нусхаларига киритилган асарлар, кўп ўринда, унвон билан очилади. Унвон асар илк бетининг учдан бир бўлагига зарҳал аралаштириб ишланган безак бўлиб, ўртасига асарнинг оти ёки басмала ёзилади. Баъзи унвонларнинг ёзувсизи ҳам бор. Унвоннинг тепа

қисмигагина нур чизилади. Матн унвон остидан бошланади. Мажмуа, куллиётларда унвон унинг таркибидаги асарларнинг бошланишига, алоҳида-алоҳида ишланади.

Иккинчиси, ёрликларда ҳуқумдорнинг муайян қолипли бошлама-сўзи. Шунингдек, ўрни билан, матн бошланишидаги басмалани ҳам унвон дейилади.

užik – ёзув, хат, ҳарф (ST.V.13,9).

□ қ. *užik*.

užikliğ – ёзувли: *altun mkä üzä bitimiš inčkä užikliğ yörüg* – олтин суви билан битилган инжа ёзувли шарҳ (ST.VIII.9,3-5).

užik – ҳарф; ёзув; битиг (QTH.1,7,33 *za қаралсин*).

□ қ. *užik*.

üšük – қалам (КТТ.31).

□ қ. *bi*.

üžük – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, бўғин, ҳижо: *bitig üžüklädi* – ҳарфларни ва китобни ҳижжалади. Ҳижо ҳарфларининг ҳар бирига ҳам *üžük* дейдилар: *bu ne üžük-ol?* – бу қандай ҳарф? *z* *zā* ҳарфи икки махраж ўртасида талаффуз қилинади (МК.24b).

vučuy – тилхат; асл ҳужжат ўрнига берилган тилхат.

□ қ. *bučuy*.

yapurğaq – дарахт япроғи, барги. Китоб варағига ҳам шу сўз қўлланади (МК.233b).

yarliğ – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, хоқоннинг хати, фармони (чигилча). Буни ўғузлар билмайдилар (МК.238b); *han yarliği* – хон ёрлиғи (Abitaki.IV.30b,5).

Ўрта асрларда юрт эгасининг ёзма буйруғи, фармони, шунингдек, амирлар, нуфузли кишиларга амал, унвон, ер, мол-мулк ва турли имтиёз берилганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжат *yarliğ~yarliq* аталган (*қаралсин*: Ҳакимов 2013,102). Айрим манбаларда, хусусан, “Ўғузхоқон” дostonида бу атама *jarliq~jarluq* кўринишида қўлланган (*қаралсин*: OD.11,VI, 21,IX). *Yarliğ* (<*yar~jar+liğ/liq~luq*) нинг асл келиб чиқиши “тангри буйруғи”га бориб тақалади. Бу атама бошлаб “тангрининг

буйруғи; хукми; инояти”ни билдирган. Жумладан, Кул тигин ва Билга хоқон битигларида Билга хоқоннинг ўз ўтмишини ҳикоя қила туриб: *Tānri yarliqaduqin üčün, özüm-qutum bar üčün qağan olurtum* деган сўзлари бор (Содиқов 2009,32). Бунинг маъниси: “Тангри ёрлиқагани учун, куч-қудратим бор учун хоқон бўлдим”. Бу сўз айна англамда “Туркий тафсир”да ҳам келган: *biziñ qilmış yazuqlarimizni yarliqağay* – бизнинг қилган гуноҳларимизни ёрлиқағай [яъни кечирғай] (Taf.146). Кейинчалик бу атаманинг ишлатилиш доираси кенгайиб, “хукумдор буйруғи, фармони”ни ҳам англата бошлаган. *Yarliq* сўзи хукумдор буйруғига нисбатан ишлатилганда, *yarliqa-* (<*yar+liq+a*) феъли кўшиб айтилган: қадимги туркий битигларда *xan yarliq yarliqadi* дейди (Gabain 1950,283), бу “хон ёрлик берди; буюрди” дегани.

Yarliqa феъли хукумдорга тегишли бўлса, “марҳамат кўрсатди” маъносида ҳам келади: *Elig yarliqadi, yaqin boldi öz.* – Элиг унга марҳамат кўрсатди, ўзи яқин бўлди (QBN.69a,6).

□ қ. *yarliq; jarliq ~ jarluq.*

yarliq – ёрлик; хон ёрлиғи, фармони. Бу сўз “Идикут маҳкамаси сўзлиги”да ҳам берилган. Хитойча ўғирмада – 聖旨 *shèng zhǐ* (муқаддас фармон, подшо амри) (IMS,50).

altun nišanliq yarliq – олтин нишонли ёрлик (T.22).

altun nišanliq, al tamğaliq yarliq – олтин нишонли, ол тамғали ёрлик (TQ.51–52).

yarliq ber – ёрлик бермак (TQ.52)

yarliq tut – ёрлик, тутмоқ; ёрлик йўлламоқ (T.22–23).

□ қ. *yarliq; jarliq ~ jarluq.*

jarliq (OD.12,IV) ~ *jarluq* – ёрлик (OD.21,IX).

jarliq jumšadi – ёрлик йўллади: *Oğuz qağan tört sariğa jarliq jumšadi* – Ўғуз хоқон тўрт тарафга ёрлик йўллади (OD.12,IV–V).

jarliq ber – ёрлик бермак: *Toydan soñ Oğuz qağan beğlārgā, el-kūnlārgā jarliq berdi* – Тўйдан сўнг Ўғуз хоқон бекларга, эл-улусга ёрлик берди (OD.11,IV–VI).

jarliq jarla – ёрлик чорламоқ (OD.10,IX–11,I).

□ қ. *yarliḡ; yarliq*.

yaz – ёз.

yazdi – ёзди; битди: *ol bitig yazdi* – у хат ёзди (Ўғузча) (МК.235a).

yazḡil – ёз; тингловчига буйруқ (КТТ.58).

□ қ. *biti*.

yörüg – “шарҳ, маъно талқини” англамида келади: *söz yörügi* – сўзнинг маъноси; *tüş yörügi* – туш таъбири.

◇ *yörug bitig* – “шарҳ, шарҳ китоб”. Масалан, “Сюань-цзан кечмиши” асарида: *Samtso açari yörüg (bitig)indä muntaḡ sözläyür*. – *Самтсү ачару ўз шарҳида бундай деган* (ST.VIII,7).

xaḡ (<араб. خط) – хат, ёзув.

Bitigdä xaḡ uz bolsa açlur köñül,

Oqıḡu kelir baqsa, awnur köñül. –

Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгул очилади,

Боқса, ўқигиси келади, кўнгул қувонади (QBN.101a,7).

□ қ. *bitig*.

ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЁЗУВИНИ АНГЛАТУВЧИ АТАМАЛАР

kök türk – қадимги туркий ёзувлардан бирининг оти. Қадимги туркий битигларда Биринчи ва Иккинчи турк хоқонлиқлари даврида (VI–VIII юзйилликлар) яшаган туркий халқлар “кўк турк” (*kök türk*) деб аталган. Бу атамадаги “кўк” сифати “ранг” (кўк, зангори ранг) маъносида эмас, у “илдиз, асл, туб” англамидадир. Битиглардаги отидан келиб чиқиб, ҳозирги замон туркшунослигида қадимги турк давлатларини “кўк турк хоқонлиқлари”, улар қўллаган ёзувни “кўк турк алифбоси” деб аталмоқда. Кўк турк ёзуви туркларнинг энг эски, тахминларга кўра мелоддан бурунги даврларда ота-боболари томонидан яратилган ўз ёзувлари эди.

Кўк турк ёзувининг илдизлари ва юзага келган даври тўғрисида тугал бир тўхтамга келинган эмас. Туркшуносликда бу масалада қатор, ҳатто бир-бирига қарама-қарши фикрлар-да

билдирилган. Айрим олимлар унинг асосларини қадимги туркий тамғалар (уруғ-қабила белгилари)га боғлаганлар. Уларнинг фикрича, кўк турк хати айна тамғалар негизида юзага келган. Бошқа бир қарашга кўра, ушбу ёзув оромий алифболари, аниқроғи, суғд хатининг негизида ҳосил бўлган. Суғдийнинг такомиллашган шакли мазкур алифбонинг шаклланувида асос бўлиб хизмат қилган; унга айрим ўзгартишлар киритиш, янги белгилар орттириш йўли билан ёзув туркий тилга мослаштирилган. Бу маданий жараён кўк турк хоқонлиқлари даврида, тахминан, VI юз йилликларда юз берган.

Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга кўра, ушбу алифбо туркий муҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инobatга олинган. Шунинг билан бирга, у оромий, суғд, пахлавий ёзувларининг кучли таъсирида бўлган (*қаралсин*: Васильев 1983,5–9).

Палеографик кузатувлар, қадимий ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А. Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи мелоддан бурунги I минг йилликларга туташади. Унинг олд Осиё ёзувларига ўзакдош бўлган қадимги юнон ва сомий-финикий ёзувлари билан айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор (Аманжолов 1978,76–87; 2003,289–300).

Таъкидлаш керакки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эроний тилларнинг товуш қурилишига мослашган орамий ёзувларидан фарқ қилади. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бир-бирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айри-айри ёзилган. Туркий ёзув суғд хатининг сўнги такомиллашган курсивли туридан шаклланган экан, янги ёзувда ҳарфларни ажратиб ёзишнинг маънисини нима? Бу ҳодиса ёзув тарихида прогресс эмас, орқага қайтиш бўлмайдими? Шундай бўлган дея фараз ҳам қилайлик. У ҳолда турклар суғд хати негизида бошқа бир алифбо – уйғур хатини яратганликларини

қандай тушунмак керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараёнида суғдийдан у қадар чекиниш содир бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жихатдан суғдчанинг сўнгги тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашуви, ҳатто кийинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган.

Суғд алифбосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифбосида унга бир белги – <I> ҳарфи орттирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларидаги ҳарфлар сони 38–40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортик). Юқоридаги фараз назарда тутилган тақдирда алифбода ҳарфлар сонининг салкам икки бор орттириб юборилишининг боиси нима? Ахир ҳарфлар миқдорини деярли сақлаган ҳолда уйғур хатини яратган эмасмидилар?

Суғдча ҳарфлар билан кўк турк ҳарфларининг баъзиларини ўзаро чоғиштириш ҳам мумкин. Лекин туркий алифбода мазкур белгининг иккинчи эши-да бор. Масалан, <r> ҳарфи суғдча <r>га ўхшаш дейдиган бўлсак, унинг йўғон шакли – <r> суғдчадагидан тамоман фарқ қилади.

Яна бир хусусияти: кўк турк хатида айрим идеографик белгиларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчиларнинг эътирофича, <y> ҳарфининг генезиси ау (ой) сўзи билан боғлиқ. Яъни ойнинг кўринишини назарда тутиб, ушбу ҳарфни яратганлар деб фараз қилиш мумкин (ёзувда ау сўзи ой шаклидаги <y> билан ёзилади). Шунинг сингари <r> ҳарфи ег (киши) кўриниши, <oq> ҳарфи “ўк”нинг кўриниши, <I> эса “том”нинг кўриниши асосида шаклланган кўринади, чамаси. Айни фараз тўғри бўлган тақдирда, кўк турк ёзувининг туркий муҳитда кашф этилгани мутлақо шубҳа туғдирмайди.

Муҳими, ёзувда қадимги туркий тилнинг фонетик-фонологик хусусиятлари тўлалигича инобатга олинган эди. Кўк турк алифбоси туркий халқлар тарих давомида қўллаган ёзувлари ичида ўз тилларига энг мувофиқлашгани эди. Ёзувнинг

бу каби хусусиятларини ҳисобга олмай, унинг асосини бошқа ёзувларга тўғридан-тўғри боғлаб қўйиш, назаримизда, ўзини оқламас.

Кўк турк ёзувининг оромий ёзувлари, хусусан, суғд хатига айрим жиҳатдан боғлиқлигини умуман инкор этмаслик керак (бу ёзув ҳам финикий алифбо тизимига бориб туташади). Лекин ёзувнинг шаклланишини кейинги даврларга ёки айнан суғд алифбосигагина боғлаб қўйиш, бизнингча, асоссиз. Туркий ёзувнинг палеографик хусусиятлари ва фонетик-фонологик вазифаси унинг бир йўла эмас, аста-секинлик билан, асрлар давомида, қадимги туркийнинг товуш қуруми билан узвий ҳолда ривож топганидан далолат бермоқда.

Бизгача сақланиб қолган урхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир.

Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам чамаламоқдалар. Лекин сўнгги ўнйилликларда топилаётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Алмати яқинидаги Иссиқ кўрғонидан, Ўзбекистоннинг жанубидаги қадимги кент харобаларидан чиққан битиглар бунинг далилидир. Қадимги туркий ёзув маданиятини тадрижий жараён сифатида яхлит талқин этмоқ учун ушбу топилмалар устида яна чуқур тадқиқотлар бажарилмоғи лозим.

Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонлиқлари даврида Енисей ва Урхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий тевараги бўйлаб Шарқий Оврўпагача бўлган улкан худуддан топилган ва топилаётган

туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу тупроқларда ёзув маданиятининг ғоят равақ топганидан далолат бермоқда. Муҳими шундаки, мазкур ёдгорликларнинг хат шакли хилма-хил. Уларни палеографик жиҳатдан бир гуруҳга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси ҳудудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради.

Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тупроғидан топилаётган илк ўрта асрларга тегишли обидалар бу ерлар ҳам ўтмишда кўхна турк ёзувининг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда.

kitābatu-t-turkiyya – “туркча ёзув”, ҳозир фанда “уйғур ёзуви”; “уйғур хати” деб аталаётган ёзувнинг арабий манбалардаги энг эски оти; арабий изофада айтилиши. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғати-т-турк” асарида туркий халқларнинг миллий ёзувини “туркча ёзув” (کتابۃ التۈركیة) деб атаган. Асарда ушбу ёзув ҳақида кенг маълумот бериб, унинг алифбосини ҳам келтирган (МК.3б–4б,102б). Олимнинг туркий ёзув ҳақидаги маълумотлари ва унинг алифбоси ўта муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишдан бундан бошқа ҳам уйғур алифболари етиб келган. Лекин уларнинг ҳеч бири Кошғарий алифбосига ва у келтирган изоҳларга тенглаша олмайди.

Кошғарийнинг таъкидлашича, уйғур алифбосида ҳарфлар сони ўн саккизта. Муаллиф алифбода ҳарфларнинг бош шаклини кўрсатиб, тагида араб ҳарфлари билан уларнинг ўқилишини (транслитерациясини) беради (МК.3б). Уйғур ҳарфларининг вазифаси тагидаги ана шу изоҳларга қараб тушунилади.

Кошғарий алифбосида ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича: *a, w, x, v, z, q, y, k, δ, m, n, s, b, ċ, r, š, t, l*.

Олимнинг таъкидлашича, тилнинг товуш тизими шунинг билан чекланмайди; туркий тилда ишлатиладиган еттита товуш уйғур ёзувида махсус белгисига эга эмас. Булар: *p, ž* (сирғалувчи), *ğ, g, η* ҳамда *č, w* лардир. Ушбу товушлар юқорида кўрсатилган ҳарфлар воситасида ифода этилган ёки улар сингари ифодаланиб, қўшимча белгилар билан фарқланган. Ушбу маълумотдан уйғур хатида қуйидаги товушлар бир хил ифода этилганлиги аён бўлади: *k-g, x-ğ, č-j-ž, w-f*. Сонор *η* эса ёзувда икки ҳарф (*n+k*) билан берилган.

Кошғарий туркий алифбо ҳарфларининг отини ҳам эслатади: ҳарфларнинг оти, улар ифодалаган товушга *fatha* қўшиб ҳосил қилинган: *a, wa, xa, va, za, qa, ya, kā, ḍa, ma, na, sa, ba, ča, ra, ša, ta, la*. Бу кетма-кетликни эса сақлаш учун улар учта-учтадан бирлаштирилиб, *awaxa, vazaqa, yakāda, manasa, bačara, šatala* тарзида ўқилган. Бу шакллар китобда алифбо ва унинг изоҳларидан кейин алоҳида-алоҳида қилиб берилган.

Муаллифнинг ёзишига кўра, “Барча хоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача, *كاشغَر Kāšğar* дан Юқори Чингача (*الصين العليا*) – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган” (МК.4b).

Маҳмуд Кошғарий унлиларнинг тўлиқ ёзилиши тўғрисида тўхталиб, талаффузда ўрни йўқлигига қарамай (бунда қисқа унлилар назарда тутилмоқда – Қ.С.) *fatha* ўрнида ¹ *alif, zamma* ўрнида *و vāv, kasra* ўрнида *ى yā* ёзиш қоида эканлигини таъкидлайди. У мисол тариқасида айрим сўзларнинг уйғур ва араб ёзувларида ёзилиш тартибини ҳам берган. Араб хатида – KeLiN, уйғур хатида – KELiN; араб хатида – ТаPaN, уйғур хатида – TAPAN (туя товони) (МК.102b).

□ қ. *xaṭṭu-t-turkiyya; türkčä xaṭ; xaṭṭu-l-uyğūriyya; xaṭṭ-i uyğūrî*.

xaṭṭu-t-turkiyya – туркча ёзув; арабий изофада айтилиши. Маҳмуд Кошғарий уйғур хатини бир ўринда ана шундай атаган. У уйғурларнинг тили ва ёзуви ҳақида шундай ёзади: *Uyğur* ларнинг тиллари туркча (لسان تركيّه)дир, лекин ўзлари бир-бирлари билан сўзлашадиган бошқа бир тиллари ҳам бор. Ёзувда

китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарфли туркча ёзувни (خط التركية) қўлловчилар, хатларини шу ёзув билан ёзадилар. *uyğur* ларнинг ҳам, *şīn* ликларнинг ҳам яна бошқа бир ёзувлари бор. Китобларини, идора ишларини у хат билан юритадилар. *şīn* ликлар ва мусулмон бўлмаганлардан бошқалар у хатни ўқий олмайдилар.

□ қ. *kitābatu-t-turkiyya; türkcä xaṭ; xaṭtu-l-uyğūriyya; xaṭt-i uyğūri.*

türkcä xaṭ – туркча хат; ҳозирда “уйғур ёзуви” деб юритилаётган қадимги туркий ёзувнинг оти. Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, уйғур хатини ҳам эслайди; уни *türkcä xaṭ* дея тилга олади. Навоий ёзади: *Yana ul-kim, har türlüğ 'arządāšt-kim, yuqarı bitilsä, nasxta'liq xaṭi bilä andağ xānā bitilsä-kim, oqurda oqur kişigä taşviş tegmäsä, türkcä xaṭ bilä xud aslā bitilmäsäki, bu bābda daği qavle bar* (Mun.794a.3–4).

□ қ. *kitābatu-t-turkiyya; xaṭtu-t-turkiyya; xaṭtu-l-uyğūriyya; xaṭt-i uyğūri.*

xaṭt-i uyğūri – уйғур хати; форсий изофада айтилиши. XIII асрда яшаб ижод этган форсигўй шоирлардан бири Пури Баҳои Жоми ўз қасидаларидан бирида уни “уйғур хати” (*xaṭt-i uyğūri*) деб атаган (Sertkaya 1977,19). Шеърнинг уйғур хати тилга олинган байти шундай:

*Kāmān turraxāi tu cūn kilki baxşiyān,
Kardan maşq barrūhi tu xaṭt-i uyğūri.*

Мазмуни:

*Сенинг кокилларинг бахшиларнинг қалами кабидир,
Юзингда гўё уйғур хатини машқ қилдилар.*

□ қ. *kitābatu-t-turkiyya; xaṭtu-t-turkiyya; türkcä xaṭ; xaṭtu-l-uyğūriyya.*

xaṭtu-l-uyğūriyya – уйғур хати; арабий изофада айтилиши. Араб тилидаги манбаларда эски уйғур хати ана шундай аталган. Машхур тарихчи Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажоibu-л-мақдур фи

навоиби Таймур” деб аталган китобида уни “уйғур хати” дея тилга олган ва бу ёзувнинг тарихи тўғрисида яхши маълумот келтирган (Қоҳира миллий кутубхонасида сақланаётган 3543-кўрсаткичли кўлёзма, 186а–187а- бетлар). Тарихчи ёзади: “Улар [чигатойликлар – Қ.С.] ўзларининг тилхат, мактуб, фармон, хат, китоб, битим, солнома, шеър, қисса, ҳикоят, ҳисоб, хотира ва девонга тегишли ҳамма ишларини, чингизона тузукларини шу ёзувда ёзадилар. Бу ёзувни яхши билган уларнинг орасида хор бўлмайди, чунки бу уларда ризқ очқичидир” (Рустамов 1976,39).

Р.Р. Аратнинг маълумотиغا кўра, Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган “Ҳибату-л-хақойик”нинг Е нусхаси киритилган кўлёмдада уйғур алифбоси келтирилган (Арат 1992,34–35; CLXIX).

Алифбодан олдин шундай жумла битилган: *fi xaṭṭu-l-uyğūr alāna nuqāl moğūlī va ḥurūfuhā 16 ḥarfān tubniya 'ala-l-faṭḥ*.

Мазмуни: *Ҳозирда мўғулча деб аталадиган уйғур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган.*

Шундан сўнг 18 та уйғур ҳарфи келтирилиб, улар 16 хил араб ҳарфи билан изоҳлаб чиқилган.

□ қ. *kitābatu-t-turkiyya; türkçä xaṭ; xaṭṭu-t-turkiyya; xaṭṭ-i uyğūrī.*

xaṭṭu-l-moğūliyya – мўғул хати; арабий изофада айтилиши. Ҳозирда “уйғур хати” деб аталаётган эски туркий ёзув ўтмишда шундай ном билан ҳам аталган. Жумладан, Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланаётган 4757- кўрсаткичли Абдулраззоқ бахши кўчирган мажмуанинг биринчи бетига араб тилида бир қайд битилган бўлиб, унда мазкур мажмуа “мўғул хати” (*خط المغولى* *xaṭṭu-l-moğūlī*)да битилгани қайд этилган. Қайднинг мазмуни шундай: “Мўғул тилида мўғул хати билан тузилган ўгитлардан иборат рисоалар мажмуаси ҳамда мўғул тили ва мўғул хатидаги “Маҳзуну-л-асрор” китоби – уларнинг ҳар иккиси туркийдадир” (*қаралсин*: Арат 1992,LXIII).

“Ҳибату-л-хақойик”нинг араб ёзувида битилган С кўлёмасининг бошланишига Адиб Аҳмад асарининг туб

нусхаси ва мўғул хати (яъни уйғур ёзуви) билан боғлиқ керакли бир маълумот ёзиб қўйилибди. Араб тилидаги ушбу қайднинг маъноси шундай: “Мўғулча “Ҳибату-л-ҳақойиқ” (китоби) насихат ва тасаввуфга бағишланган. (Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган” (қаралсин: Агат 1992, СХVII). Ушбу қайдда “мўғулча “Ҳибату-л-ҳақойиқ” (китоби)” дейилганда, афтидан, асарнинг туб нусхаси мўғул (уйғур) хатида эканлиги, араб ёзувли ушбу нусха эса ўшандан кўчирилгани кўзда тутилмоқда. “(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир” деган жумлада уйғур ёзувининг сурёний ёзуви билан ўзакдош эканлигига ишора бор. Чунки сурёний ёзуви ҳам оромий ёзувидан ўсиб чиққан.

al-xaṭṭu-l-'arabiyyu — араб хати; араб алифбоси асосидаги туркий ёзув; арабий изофада берилиши.

Араб хатининг Ўрта ва Марказий Осиёга ёйилиш тарихи бу ўлкаларга исломнинг кириб келиши билан боғлиқ.

Ўрта Осиёда араб хатида битилган энг эски китоблар IX асрга тегишли. Улар араб ва форс тилларида. Араб ёзувида туркий ёдгорликлар X асрдан бошлаб кўчирилган. Ундан эскиси топилганича йўқ. Туркий халқлар қорахонийлар давридан уйғур хати билан ёнма-ён араб ёзувидан ҳам фойдалана бошлади. Қорахоний ҳукумдорлар зарб эттирган тангалардаги ёзувлар, хонларнинг айрим ёзмалари араб хатида. XI асрдан эътиборан араб хатида йирик асарлар ҳам кўчирила бошлади. Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб “Қутадғу билиг” асарининг наманган ва қоҳира кўлёзма нусхалари, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асаридаги туркий матнлар, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” достонининг араб ёзувли нусхалари араб хатидаги энг эски туркий ёдгорликлардир.

Ўрта асрларда турк-мусулмон давлатларида расмий ҳужжатлар эски уйғур хати билан бир қаторда араб хати асосидаги туркий ёзувда ҳам битилган.

□ қ. *al-kitābatu-l-'arabiyya*.

al-kitābatu-l-'arabiyya – араб ёзуви; араб алифбоси асосидаги туркий ёзув; арабий изофада берилиши.

□ қ. *al-xaṭṭu-l-'arabiyyu*.

nasxta'liq xaṭī – насхтаълиқ хати. Араб хатининг Ўрта асрларда Марказий Осиёда кенг тарқалган, оммалашган тури. Алишер Навоий Хусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган мактубида хатларнинг ўқиш учун қулай ё қийинлиги тўғрисида фикр юрита туриб, насхтаълиқ хатини тилга олади ва ҳужжату мактубларни туркча хат (уйғур хати)га қараганда ана шу хатда ёзиш маъқул эканини уқтиради. Ўша ерда *nasxta'liq xaṭī* атамаси ишлатилган (Mun.794a.3–4).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур хуросонлик Али Девеш тўғрисида маълумот бера туриб, “*nasxta'liq xaṭīni tavre bitir edi*” деб ёзган эди (BN.17).

hurūfu-s-suryāni – сурёний ёзуви; арабий изофада айтилиши. “Ҳиба-у-л-хақойиқ” С қўлёзмасининг бошланишига араб тилида сурёний ёзуви билан боғлиқ кичик бир қайд ёзиб қўйилибди. Унда “(Мўғул хати) сурёний хатининг бир туридир. Инжил ана шу (сурёний) хатда битилган” деган жумла бор. Ўша жумлада *حُرُوفُ السُّرْيَانِ hurūfu-s-suryāni* атамаси ишлатилган (қаралсин: Arat 1992, CXVII).

Мелоднинг бошларида Месопотамиянинг Ғарбий шимолида христианлик гуркираган эди. Бу ўлкада оромий алифбоси асосида шаклланган сурёний хати амал қилган. V юзйилликнинг ўрталарида Сурия диндорлари икки мазҳабга бўлиниб қолдилар. Уларнинг настурий мазҳабидагилари ўз юртида таъқиб остида қолгач, Эрондан паноҳ топдилар. Насронийлар бу ерда ўзининг таълимот мактабларини очди. Мана шу мактаб намояндалари ўз таълимотларини маҳаллий халқ орасига ҳам ёйдилар. Уларнинг миссионерлик ишлари оқибатида настронийлик VII–VIII асрларда Ҳирот, Самарқанд, Қашқар, ҳатто Ҳиндистон билан Ғарбий Хитойга етиб борди. Насронийлик билан бир пайтда бу ўлкаларда сурёний алифбоси ҳам тарқалган. Сурёний хати турк насронийлар орасида ҳам қўлланилган. Бизгача етиб келган

насроний мазмунли туркий ёдгорликлар икки – уйғур ва сурёний ёзувларидадир. Турклар орасида сурёний ёзуви чигатой хонлиги даврида ҳам амал қилган.

siġnaq – сиғнақ хати; бир турли хат. “Абушқа” луғатида ушбу ёзув тўғрисида маълумот берилган. Луғат тузувчиси *siġnaq* сўзини изоҳлар экан, у муайян ёзувнинг оти эканлиги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ғазалларидан бирида уни тилга олганлигини таъкидлайди ва ғазалнинг ўша байтини мисол келтиради. Мана унинг ёзганлари:

Siġnaq – bir nav' xatdur, Ćiġatayda xatṭ-i bāburi va ġayri kibi-ke, Bābur Mirzā aš'ārinda kelür. Bayt:

Xūblar xaṭi nasibiġ bolmasa, Bābur, ne taġ.

Bāburī xaṭi emāsdür, xatṭ-i siġnaqimudur (DDT.278).

Siġnaq атамаси, чамаси, ўрта асрлар Сирдарё бўйидаги турк маданий марказларидан бири бўлган шаҳар отига боғланади. Ана шу ўлкада қўлланилган ёзув шундай аталган бўлуви мумкин.

Сиғнақ хатининг намуналари ҳозирча маълум эмас. Эҳтимол, у қадимги туркий ёзувлардан биридир. Далиллар аниқлангунга қадар бу масала очиқ қолади.

□ қ. *xatṭ-i siġnaqī*.

xatṭ-i siġnaqī – сиғнақий хати; форсий изофада айтилиши. Бу атама Заҳириддин Бобур байтларидан бирида ишлатилган (*қаралсин*: DDT.278). қ. *siġnaq*.

□ қ. *siġnaq*.

bāburi xaṭi – бобурий хати. Бу атама Заҳириддин Бобур байтларидан бирида ишлатилган (*қаралсин*: DDT.278).

Ушбу ёзув Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тилшунос сифатидаги улуғ кашфиётидир. Бу хатнинг муайян доирада амал қилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Лекин бу ёзувда битилган матнлардан бизгача етиб келмаган ёки, бор бўлса ҳам, фанга маълум эмас.

Муҳаммад Тоҳир ибн Қосимнинг 1645 йили Балхда Саид Нодир Муҳаммадхон топшириғи билан ёзилган “Ажойиб атабақот” асарида хатт-и бобурий билан боғлиқ муҳим бир факт

Бор (Азимджанова 1963). Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёмалари маркази фондида 409- ҳамда 411- кўрсаткичлари остида асарнинг қўлёмалари сақланмоқда.

Китоб етти бўлимдан иборат. Уларда оламнинг яратилиши, пайгамбарлар, ер ва коинотнинг ҳолати, баъзи ажойиб ишлар, ғаройиб илмлар ҳақида сўз боради.

409- кўрсаткичли қўлёманинг 241a–242b- саҳифаларида “Dar ta’auyuni huṭ az anvāi o” (“Хатлар ва унинг турларини билиш ҳақида”) сарлавҳаси остида муайян тартибда ўн тўртта алифбо келтирилган. Алифболарнинг бошида уларнинг оти ҳам ёзиб қўйилган. Шулардан ўнинчи алифбо хатт-и бобурийдир. Унинг бошланишига *Haṭṭ-i bāburī inast* деб ёзилган. Шундан сўнг хатт-и бобурийнинг 28 ҳарфи келтирилиб, ҳар бири арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Алифбодаги ҳарфлар сираси қуйидагича (ўнгдан чапга – фақат арабча ҳарфларни келтирамиз):

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ز س ش ص ض ه ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

411- кўрсаткичли қўлёмда ҳам хатт-и бобурий алифбоси бор (у қўлёманинг 67b- бетида). Бироқ, ушбу қўлёмда жами ўнта алифбо намунаси берилади. Хатт-и бобурий уларнинг ўнинчисидир. Муҳими шундаки, ушбу алифбода 29 ҳарф келтирилади. Улар ҳам арабча ҳарфлар билан изоҳлаб чиқилган. Мазкур алифбода юқоридаги алифбо ҳарфлари қаторига ر ва ز ҳарфлари ҳам қўшилган. Бу алифбодаги ҳарфлар кетма-кетлиги қуйидагича:

ا ب ت ث ج ح خ د ذ ر ز س ش ص ض ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ه ل ا ي

Баъзи олимлар Заҳириддин Бобур ўз ёзувини уйғур хати негизида тузган, деб қарамоқдалар. Лекин, юқорида келтирилган алифболар бу фикрни тасдиқламайди. Бизнингча, муаллиф хатт-и бобурийни бошқа бирор алифбо асосида тузган бўлуви керак.

□ қ. *haṭṭ-i bāburī*.

haṭṭ-i bāburī – бобурий хати; форсий изофада айтилиши.

□ қ. *bāburī haṭṭi*.

ТУРКИЙ ХУЖЖАТЛАР ТИЛИНИ АНГЛАТУВЧИ АТАМАЛАР

bitig söz – ёзма тил, ёзма адабий тил. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида *ёзма тил*ни ана шундай атаган. Қадимги туркий тилда *bitig* – “битиг, ёзув; хат, китоб; ёзма хужжат” сингари маъноларни билдиради. У “ёзмок, битмак” маъносидаги *biti-* феълидан ясалган. *Bitig söz* атамаси “битилган сўз; китобий сўз; матн”, тилшунослик тушунчаси билан айтганда “ёзма тил, адабий тил” маъносини беради. Мана ўша атаманинг Юсуф Хос Ҳожиб байтларидаги мисоли:

Balağat bilä xaṭ teñäšsä qalī

Eđi eđgü til bu bitig söz tili. –

Агар фасоҳат билан хат тенглашса,

Бу ёзма нутқ жуда эзгу тил бўлади (QBN.101a,8).

◇ *bitig söz tili* – ёзма нутқ тили (QBN.101a,8).

bitig söz yañi – фикрни ёзма ҳолда, яъни матнда ифодалаш усули. Юсуф Хос Ҳожиб ёзма тил фикрни ифодалашнинг энг яхши йўлидир, дея таъкидлайди:

Nekü ter ešitkil İlä sir teñi,

Eđi eđgü yañ bu bitig söz yañi. –

Ила-сир тенги [яъни ёши Ила дарёсидай узун, кўпни кўрган доңишманд] бу тўғрида нима деган, эшитгил:

Ёзма тил усули жуда яхши усулдир (QB.2656).

tilin söz – Юсуф Хос Ҳожиб оғзаки тилни ана шундай атаган. Ўша атаманинг мисоли:

Yoq ersä bitig bu kišilär ara

Tilin sözkä kim bütgäy erdi, kör-ä. –

Кишилар орасида ёзув бўлмаса,

Оғзаки сўзга ким ҳам ишонарди, кўргин-а (QBN.101a,13).

ağiz til – Адиб Аҳмад Югнакий ўзининг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асарида ана шу атамани қўллаган. Бу атамадаги *ağiz* – “оғзаки” дегани, *ağiz til* эса “оғзаки тил”, яъни “нутқ” деган маънони англатади. Демак, бу атама остида “кишининг нутқи” кўзда тутилади. Мана ўша мисол:

Ağiz til bezägi koni söz durur,

Köni sözlä sözni, tiliñni bezä. –

Нутқнинг безағи тўғри сўз турур,

Тўғри сўзла сўзни, тилингни (нутқингни) бега (YugC.16,5–6).

türk (türkčä, türk tili) – туркий тилнинг ўтмишда кенг қўлланилган отларидан бири. Бу от буддизмнинг VII–IX асрларга мансуб “Майтри симит нўм битиг” асарида қўлланган. Чунончи, асарда Партанаракшит Карнаважикли отли киши уни тўхри (тоҳар) тилидан турк тилига таржима қилганлиги қайд этилади: *Partanarakšit Karnavažiki türk tilinčä ewirmiš “Maytri simit nom bitig”* (MS.145).

X асрда яшаб ўтган бешбалиқлик машҳур таржимон Шингку Шели тутунг ҳам ўз таржималарида ана шу атамани қўллаган. Унинг тавғачча (хитойча) версия асосида туркийга ўгирилган “Сюань-цзан кечмиши” асари турк тилида эканлиги таъкидланади: *Tawğaç tilintin yana bešbaliqlıǵ Šinǵu Šeli tutuñ yañirtı türk tilinčä ewirmiš* (*Тавғач тилидан яна бешбалиқлик Шингку Шели тутунг турк тилига ўғирди*) (ST.V.87). *Türk tili* атамаси Шингку Шелининг бошқа бир таржимаси – “Вужуд ва кўнгилини англаш китоби”да ҳам учрайди. Унда асар қандай тилдан ўгирилгани тўғрисида шундай маълумот берилган: *Šinǵu Šeli tutuñ tawğaç tilintin türk tilinčä ewirü tegintim* (*Шингку Шели тутунг тавғач тилидан турк тилига таржима қилдим*) (Hazai 1975,95). *Bir šlök änatkākčä azu türkčä – bir šlok anatkakča* [санскритча] ёки туркча (AY.33,24).

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида асарнинг тили *türkčä* деб аталган (*türkčä qoşuq, türkčä maşal* каби):

Bu türkčä qoşuqlar tüzättim señä,

Oqırda ünütma du ‘a qıl meñä. –

Бу туркча қўшиқларни сен учун битдим,

Ўқирда унутма, мени дуо қил (QB.58).

Алишер Навоий ўз асарларида туркий тилда сўзлашувчиларни *türk (türk, türk ulusı), türkiğoular, atrāk* номлари билан тилга олади. Туркий тилни эса *türk (türk tili, türk lafzi, türk alfāzi), türkčä (türkčä, türkčä til), türki (türki, türki alfāz)* деб

атайди. Улуғ мутафаккирнинг таъкидлашича, унинг асарлари ана шу тилдадир. Масалан, “Лисону-т-тайр”да бу тўғрида шундай сатрларни ўқиймиз:

Türk alfāzi bilä sürdüm maqāl (LT.253).

Türk alfāzi bilä tapti adā (LT. 271).

Шундан келиб чиқиб, Навоий туркий шеърятни *türk nazmī* деб атаган эди.

Навоий қўллаган атамани Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ҳам учратамиз. Масалан, у “Бобурнома”да Андижон тўғрисида маълумот бера туриб, элини *türk*, унинг тилини *türki* деб атайди (BN.6). Ёки Навоий ижоди ҳақида фикр юритиб, туркийда “ҳеч ким унингдек кўп ва хўп” битмаганлигини таъкидлайди: *türki til bilä tā še'r aytupturlar, heč kim anča көp va xob aytqan emäs* (BN.153).

У Султон Ҳусайн Бойқаро тўғрисида шундай ёзади: *Temür-beg naslidin heč kim ma'lum emäs-kim, Sulṭān Husayn mirzāča қilich çapmiş bolğay. Tab'i nazmī bar edi. Dīvān ham tartip қilip edi, türki aytur edi. Tahallusi Husaynī edi* (BN.147–148).

Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Шайбонийнома” асарида Шайбонийхон фазилатларини таърифлар экан, унинг туркий асарларини *türki ab'yāt*, тилини эса *türkčä til* деб атаган:

Türki ab'yāti erür šarbat-i nāb,

Fārsi še'rlari ham serāb (ŠN.29).

Türkčä til bilä imālari bar (ŠN.30).

Бу атама кейинги асрларда яратилган асарларда ҳам учрайди. Лекин *türk* атамасининг қўлланув доираси торайган: уни Анатўли туркларигина ўзининг ва тилининг оти сифатида сақлаб қолди. Бутун туркий тиллар оиласига нисбатан эса *tirki* (*türki*, *türki tillär* сингари) атамасини қўллаймиз.

uyğur tili – уйғур тили (МК.251a). “Олтун тусли ёруғ” суграсининг муқаддимасида: *Tüpüt tilintin uyğur tiliñä ewirtim.* – *Тупут тилидан уйғур тилига ўгирдим* (АҲ.30,8–9).

◇ *türk uyğur tili* – турк уйғур тили. “Олтун тусли ёруғ” суграсининг якунида асар тавғаччадан турк-уйғур тилига

Ўгирилган деб қайд этилган: *Beşbaliqliğ Şinğu Şeli tuduñ tawğaç tilintin türk uyğur tilinčä ikiläyü ewirmiş nom eligi sudur bitiyü tolu tükäl boldi.* – Бешбалиқлик Шинғу Шели тутунг тавғач тилидан турк-уйғур тилига таржима қилган нўм тождори сураси битилиб тўлиқ тугал бўлди (АҲ.674,4–12). Ёки асарнинг илк бобларидан бирида шундай қайдни ўқиймиз: *Sekiz uluğ orunlartaqı çaytilarnıñ ögdisin men Amogaşiri açarı änätkäk tilintin türk uyğur tilinčä täñri burqan tuğmıš ud yülün törtünč ay tört yigirmikä ağıtarip öz iligin qoturu tegintim.* – Саккиз улуғ ўрундагу қутлуг ерларнинг мадҳини мен, Амогашири анаткак тилидан турк-уйғур тилига тангри бурхон тугилган сизир йили, тўрттинчи ойининг ўн тўрттинчи куни ағдариб, ўз қўлим билан тугалладим (АҲ.33,14–20). Чамаси, мазкур атама асар қулёмасининг кўчирилган даври (XVII аср) билан боғлиқ қўлланган чиқар.

at-turkiyyatu-l-xāqāniyya – “хоқония туркчаси”, “хоқония тили”; қорахонийлар давридаги адабий тилнинг аталиши. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк”да ўз даври етакчи диалектларини (шарқий диалектларни) умумлаштириб “турк тили”, қолганларини эса ўз номлари (Ўғузча, қипчоқча) ва б. билан атайди. Ана шу “турк тили” ўрнида “хоқония тили”, “хоқония туркчаси” номини ҳам қўллаган. Бу билан у қорахонийлар давлатининг марказий ўлкаларида яшовчилар лаҳжаси (адабий тилга асос бўлувчи етакчи лаҳжалар)ни назарда тутади: “Тилларнинг енгили ўғузча (الغزنيّة), энг тўғриси, яхшиси – *yağma, tuxsī* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İlä* (Или), *Ertiš* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *uyğur* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очик ва равон тил – хоқония ўлкасида (الملوك الخاقانيه) яшовчиларнинг тилидир. *balasağun* ликлар суғдча (سغدیه) ва туркча (ترکيه) сўзлайдилар. *firāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayda* шаҳарларининг халқлари суғдча (سغدیه) ҳам туркча (ترکيه) сўзлайдилар. *İspijār* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasağun* гача бўлган *arğu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам

камчилик бор. *Kāšġar* да канжакча (بالكنجاكية) сўзлашадиган кишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида (بالتركية الخاقانية) сўзлайдилар” (МК.І.66). Маҳмуд Кошғарий ушбу “турк тили”, “хоқония тили”, “хоқония туркчаси” атамалари билан ўз даври туркий адабий тилини кўзда тутган эди.

buġrahan tili – буғраҳон тили; қорахонийлар давридаги туркий ёзма адабий тил ана шундай аталган (QВН.2,15–3,1). Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” асарида *türkçä* билан бир қаторда *buġrahan tili*, *han tili* атамалари ҳам кўлланган. Асарнинг насрий мундарижасида шундай асар тўғрисида шундай ёзилган: *Ĉin-u Maĉin 'alimları qamuġı it(t)ıfaq boldılar-kim, Maşriq vilayatıda, qamuġ Türkistän elindä Buġrahan tilinçä, türk luġatičca bu kitaptin yaxşırağ hargiz kimersä tasnif qılmay turur.* – Чину Мочин олимларининг бари иттифоқ бўлдиларким, Маширқ вилоятида, бутун Туркистон элида буғраҳон тилинча, турк луғатича ҳеч кимса ушбу китобдан яхшироқ тасниф қилган эмас (QВН.2,13–3,2). Бу билан, чамаси, Буғраҳон қарамоғидаги ўлкаларда яшовчилар лаҳжасига таянган адабий тил кўзда тутилади.

kaşġar tili-kaşġarî til – қорахонийлар давридаги адабий тилнинг аталиши. Адиб Аҳмад Югнакий ўзининг “Ҳибату-л-ҳақойиқ” асари тўғрисида сўз юритиб, унинг туркий тилда эканлигини таъкидлайди. Унинг келтирган байти: *Anın uş ĉiqardim bu türkçä kitāp* (Шунингдек, бу туркий китобни ижод қилдим) (YugC.45,7). Асарнинг 1444 йили кўчирилган самарқанд кўлёзмасида Амир Арслон тархон маснавийси дostonга илова қилинган. Амир Арслон маснавийсида қайд этилишича, муаллиф бу китобини *kaşġar tili-kaşġarî til* да ёзган:

Tamami erür kaşġarî til bilä,

Ayitmış adib rıqqat-i til bilä.

Äġär bilsä kaşġar tilin har kişi

Bilür ol adibnün nekim aymışi. –

(Китоб) қошғар тили билан ёзиб тугалланди,

Адиб уни бадиий тилда ижод қилди.

Агар ким кошғар тилини билса,

Адибнинг айтганларини англаб етади (YugC.48,4–7).

Ушбу байтлардаги *kaşğar tili-kaşğari til* атамаси қорахонийлар марказий ўлкасидаги кошғар (=қашқар) лаҳжаси (адабий тил) назарда тутилган дейиш мумкин. Ушбу атама Маҳмуд Кошғарий қайд этган “хоқония тили”нинг ўзидир. Чунки девонда қашқарликлар “хоқония туркчаси” да сўзлашлари таъкидланган (МК.І. 66).

Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Арслон тархон маълумотларидан қорахонийлар даври туркий адабий тилига етакчи диалектлар асос бўлиб хизмат қилганлиги аён бўлади. Ушбу ёзма адабий тил “турк тили”, “хоқония тили”, “буғраҳон тили”, “кошғар тили” сингари отлар билан аталган. XIII–XV асрларда юзага келиб такомил топган “чиғатой тили”, “чиғатой туркчаси” ана шу адабий тилнинг давомида туради.

Çiğatay türkîsi – XV асрнинг иккинчи ярими – XVI аср бошларидаги туркий адабий тилнинг аталиши. Ҳозирги замон ориенталистикасида XV асрнинг иккинчи ярими – XVI аср бошларидаги туркий адабиётнинг классик босқичини “чиғатой адабиёти”, тилини эса “туркий”, “эски ўзбек тили” номлари билан ёнма-ён “чиғатой тили”, “чиғатой туркийси” деб аталмоқда. Ушбу атаманинг келиб чиқиши Чингизхоннинг ўғли Чиғатойхон отига боғланади. Маълумки, Чингизхон ўзи босиб олган ерларни ўғилларига улашганда, Ўрта Осиё ерлари Чиғатойга теккан эди. Шунга кўра, бу ерлар “Чиғатой эли”, ерли халқлар эса “Чиғатой улуси”, халқнинг тили эса “Чиғатой тили” деб аталган. Бу от ўзининг семантик тараққиёти давомида киши отидан маъмурий, ижтимоий-сиёсий ва маданий атамага айланган. Таъкидлан керакки, “Чиғатой улуси”, “Чиғатой тили” атамаларининг мўғулларга ёки уларнинг тилига ҳеч бир боғлиқлиги йўқ. Чунки, бу ўлкада мўғуллар эмас, туркий улус яшаган. “Чиғатой тили” атамаси ҳам туркий тилнинг (эски ўзбек тилининг) нисбий атамасидир.

Ĉiĝatay сўзи атама сифатида XIII асрдан бошлаб қўлланилган. Манбаларга қараганда, бу атама бошлаб (XIII–XIV асрларда) Чиғатойхон сулоласи (турк-мўғуллар), давлат ҳокимиятининг олий табақа вакиллари, шунингдек, черикка нисбатан қўлланилган. Кейинчалик (XV асрда) бутун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги турк улусига нисбатан, XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрдаги ҳам туркий, ҳам форсий тилли улусга нисбатан қўлланилган (Благова 1982, 155–156).

XV–XVI асрларда бу атаманинг ижтимоий-сиёсий вазифаси ўта кенгайган бир шароитда бутун Маворауннаҳр элини, унинг халқини, халқининг тилини ҳам ифодалай бошлади: юртини, элини *Ĉiĝatay*, *Ĉiĝatay eli*, халқини *Ĉiĝatay ulusī*, унинг тилини эса *ĉiĝatay türkīsi* дейилди. Жумладан, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асарида:

*Ĉiĝatay el meni özbek demäsün,
Behuda fikr qilip ĝam yemäsün* (ŠN.111).

“Абушқа” луғатида “юрт” маъносида *Ĉiĝatay*, *Ĉiĝatay diyārī* атамалари қўлланилган (DDT.96,276).

ĉiĝatay tili атамаси *türkčä*, *türkī* атамалари билан ёнма-ён қўлланилиб, китобий адабий тилни фарқлаш учун ҳам хизмат қила бошлади. Абулғозийнинг “Шажараи тарокима”да келтирган қуйидаги маълумотлари бунга далилдир. Тарихчи ёзади: *Hamma uluĝlar ham äddī kišilär tüšünsün dep, men bu tarixni türkī til bilän aytdim. Türkini ham andaĝ aytup-men-kim, beš yašar oĝlan tüšünür. Tüšünüš asan bolsun dep men ĉiĝatay türkīsidin, färsiĉa va arabĉadin bir dāna ham söz qošmadim.* Бу ўринда *ĉiĝatay türkīsi* дейилганда XV–XVI асрлардаги китобий тил кўзда тутилган. Ушбу атама ҳам қорахонийлар даври манбаларида қўлланган “буғраҳон тили”, “хоқония тили”, “кошғар тили” атамалари сингари адабий тилни англатади. Темурийлар замонида Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий, маданий муҳитида шаклланган адабий тил (“чиғатой туркийси”) шу ўлкадагина эмас, балки бутун турк-мусулмон муҳитининг китобий адабий тили даражасига кўтарилган эди.

XVI асрда юз берган темурийлар салтанатининг инкирози ва Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятининг барпо этилуви, ўзбек-қипчоқларнинг бу ўлкага кириб келуви оқибатида ушбу атама ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

türkmānî til – туркман тили, туркийнинг ўғуз лаҳжаси. Алишер Навоий “Насойиму-л-муҳаббат”да Сайид Насимий ҳақида маълумот бера туриб, шундай ёзади: *Sayid Nasimî – ‘Irāq va Rūm tarafidağī mülkdin erkändür. Rūmî va türkmānî til bilä nazm aytipdur* (NM.437). Бу жумлада Навоий *Rūmî va türkmānî til* атамасида туркийнинг ўғуз лаҳжасини кўзда тутган.

rūmî til – румий тил, туркийнинг Анатўли лаҳжаси (NM.437).

sart (sart tili) (<скр. *sartha*) – сарт тили; ўтмишда ўзбек халқи ва унинг тилини англаган атамалардан бири. *Sart* сўзи Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий асарларида “савдогар” маъносини билдирган. Масалан, “Қутадғу билиг”да: *Nekü ter ešitkil bu sartlar başi. – Бу савдогарлар боши нима дейди, эшитгин* (QBN.102b,14). Ёки Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида шундай мақол бор: *İš yarağında, sart asığında. – “Иш (буюрган) вақтида бажарилади, аммо савдогар фақат фойда кутади”* (МК.225b).

Ушбу сўз этноним сифатида кейинги даврлардан бошлаб ишлатилган. У бошлаб форсигўйларни, кейинчалик туркий ўтроқ (шаҳар) улусга нисбатан ҳам қўлланилган.

“Муҳокамату-л-луғатайн”да Алишер Навоий форсий тилда сўзловчиларни *sart (sart, sart ulusi, sart eli)* ҳамда *fārsîgoy* отлари билан тилга олади. Уларнинг тилини эса *sart tili, sart lafzi, fārsî (fārsî, fārsî til, fārsî alfāz)* деб атайди. *Sart tilidä çaqin va üldirimdeg muta ‘ayyin mo ‘tabar ikki nimägä at qoymay dururlar* (ML.33).

“Абушқа” луғатида қайд этилувича, ўша чоғларда “ажамнинг шаҳрини *sart* деганлар” (*sart – ‘ajamiñ šahrīsina derlär*) (DDT.273). Сўзнинг ушбу маъноси Навоий ишлатган маънога яқин туради.

Бу сўзнинг “Бобурнома”даги маъноси эътиборга молик. Заҳириддин Бобур Марғилон (Marğīnān)ни таърифлар экан,

унинг эли сартлар эканини таъкидлайди. У ёзади: *Eli sarttur va muštzan-u puršaru šor eldür. Jaňaraliq rasmi Māvarāunnahrda šāye'dur. Samarqand-u Buxārāda nāmdār jaňaralar aksar marġinānidur* (BN.7).

Бобур Марғилон элини “сартлар” деб атаган. Бу устачилик, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи (ўтроқ ҳаёт кечирувчи) тоифа кўзда тутилмоқда. Англашиладики, *sart* атамаси ўша чоғлар ҳам форсий, ҳам туркий тили ўтроқ, шаҳар аҳолисига нисбатан қўлланилган.

Муҳаммад Солиҳ ҳам “Шайбонийнома”сида Самарқанд қамалини таърифлаб, унинг халқини *sart* деб тилга олади: *Sartlar asru zabun boldilar* (ŠN.125). Бу ўринда ҳам *sart* атамаси ўтроқ, шаҳар элига нисбатан қўлланилган.

XVII аср тарихчиси Абулғозий асарларида ҳам *sart* атамаси бор. Шунингдек, XIX аср Қўқон тарихчиларининг асарларида-да бу от тез-тез учраб туради. Бу кезлар XIII асрда Ўрта Осиёга келиб ўрнашган ўзбек қавмидан бошқа туб аҳоли (туркий ва тожиклар) *sart* дейилган, чамаси. Шу сабаб бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тилшунослари ўз грамматикаларида ўзбек тилини “сарт тили” (сартовский язык) деб атаганлар.

ōzbek (ōzbek tili) – ўзбек тили. Бу атаманинг келиб чиқишини турлича талқин қиладилар. Баъзи олимлар бу атамани Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг (1312–1342) отига боғлайдилар. Уларнинг фикрича, Ўзбекхон қарамоғидаги улус кейинчалик *ōzbek* отини олган. Бошқа бир олимлар бу қарашни қўлламайдилар. Уларнинг таъкидлашича, XIV–XV асрларда Оқ Ўрдадаги турк-мўғул қавмлари шу от билан юритилган. Ўзбекхон эса Кўк Ўрданинг хони бўлиб, ўзбек қавмлари унга бўйсунмаганлар (*қаралсин*: Аҳмедов 1992,10–11).

Özbek атамаси XIII–XIV асрларда яратилган форсча ва арабча манбаларда (жумладан, Жувайний, Рашидиддин, Хондамир ва бошқаларнинг асарларида) ҳам учрайди. Уларда бу атама Дашти Қипчоқда яшовчи турк-мўғул қавмига нисбатан қўлланилган. Ҳатто айрим манбаларда Тўхтамишнинг ўзбек

хони эканлигига ишора бор (*қаралсин*: ўша жой ва кейинги бетларда).

Кейинги давр манбаларининг гувоҳлик берувича, бу атаманинг маъноси кенгайиб, уруғлар уюшмасини ҳам англата бошлаган. Чунончи, Масъуд ибн Усмон Кўхистонийнинг ёзишича, ўзбекларнинг таркибига йигирмадан ортиқ турк-мўғул қавмлари кирган. Ёки Рўзбекахон (XVI аср) ўзбекларнинг уч тоифадан иборат эканини таъкидлайди: улар Шайбон улусига қарашли барча қабилалар, қозоқлар ва манғитлардир (Аҳмедов 1992,13–14).

Кейинчалик Дашти қипчоқдаги ўзбеклар уюшмасига кирган қавмларнинг муайян қисми ўша ердаги қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд ва б. таркибига қўшилиб кетганлар. Муайян қисми Шайбонийхон қўшини билан бирга Ўрта Осиёга кириб кела бошладилар ва шу ерда турғун яшаб қолдилар. Шайбонийхон черигининг катта қисми ҳам ўзбеклардан эди.

XIII асрга қадар Мовароуннаҳр ва Хуросон турклари ўзларини *özbek* демаганлар. Бора-бора бу ўлкага келиб ўрнашган ўзбекларнинг мавқеи орта боради; давлат бошқаруви ҳам кўпроқ шуларнинг қўлига ўта бошлайди. Ана шундай тарихий жараён таъсирида ерли турклар ҳам *özbek* деб атала бошлади. Шуниси диққатга сазоворки, келиб ўрнашган қавмлар бурун қайси уруғ-қабиллага тегишли бўлсалар, кейинчалик ҳам, ҳатто XX аср бошларигача аждодий-қабилавий бўлиниш-белгиларини сақлаб келдилар. Яқин-яқингача ўзбеклар орасида “қўнғирот уруғи”, “найман уруғи”, “манғит уруғи” сингари отларнинг сақланиб келганлиги бежиз эмас.

Юқоридаги маълумотлардан ҳозирги ўзбек халқи XIV юзйилликда Дашти Қипчоқда юзага келган, деган мутлақо ғайри илмий хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган туркий туб аҳоли ҳозирги ўзбек халқининг ота-боболаридир. Дашти қипчоқдан “ўзбек” номини олган қавмнинг келиб ўрнашиши ҳозирги ўзбекларнинг тўлиқ таркиб топишидаги кейинги босқичлардан бири, холос. Уларга қадар

ерли туркий халқ бошқа отлар билан аталар эди. Ҳозирги отини эса, кейинчалик, ўзларига келиб қўшилган ўзбеклардан олдилар. Демак, атама тарихи халқ тарихига мутлақо тенг эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозириги ўзбекларнинг шаклланивида Дашти қипчоқдан келган туркий улуснинг таъсирини мутлоқ инкор этиб ҳам бўлмайди. Ҳозирги ўзбек халқи узоқ тарихий тараққиёт таъсирида, турли элат-уруғларнинг бирикувидан ташкил топган. Буни ўзбек шеваларининг ўта хилма-хиллигида ҳам кўриш мумкин.

Özbek атамаси этноним сифатида XIV асрдан бошлаб қўлланилган бўлса-да, тилга нисбатан кеч амал қилган. Чунончи, ўша кезлар ўзбек қавмининг шеvasи *özbek tili* деб эмас, *türki*, *qipčaq tili* деб аталган. Қипчоқ шевалари кейинчалик ҳозирги тилшунослигимизда “эски ўзбек адабий тили” деб аталаётган ёзма тилга ҳам таъсир эта бошлаган. Лекин у эски ўзбек адабий тилининг таянч диалектига айланган эмас. Яъни адабий тил ситуациясида кейин қўшилган улуснинг диалекти у қадар ҳал этувчи ўринга кўтарилма олгани йўқ. Чунки бу давр Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий муҳитида қадимги ва эски туркий адабий тил анъаналари ва таъсири устувор эди. Бинобарин, XIII–XVI юзйилликлардаги классик адабий тил (“чигатой туркийси”) шу анъана таъсирида шаклланган. Ўзбек адабий тилининг кейинги даврлардаги тараққиёти ҳам бевосита айна адабий тил давомида туради. Бу тадрижий жараёни XVII асрдан XX аср бошларигача яшаб ўтган Абулғозий, Машраб, Оғаҳий, Муқимий, Фурқат ва б. ўнлаб мумтоз адабиётимиз намояндаларининг асарлари тилида яққол кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили жуда узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ҳозирги оти тил тарихини ўзида тугал акс эттирмайди. Худди шундай ҳолни бошқа туркий (масалан, уйғур, қozoқ ва б.) тилларда ҳам кузатамиз. Бу ҳодиса туркий тилларнинг, шулар қатори, ўзбек тилининг ўта мураккаб жараёни босиб ўтганидан далолат беради.

Ўзбеклар ҳозирги отини кейинчалик қабул қилди ва узоқ асрли тилини ҳам шундай атай бошлади. Бунга қадар ўзбек тили *türkçä, türk tili, türkî, çığatay tili* ва бошқа номлар билан атаб келинган.

СОЛИҚ, ОЛДИ-БЕРДИ ВА САВДО-СОТИҚ АТАМАЛАРИ

alim – кишилардаги оласи нарса, оладигани; қарзи (МК.25b).
alimî büüt – қарзи аниқланмоқ; *aniñ alimî bütti* – унинг бировдан оладиган қарзи исботланди ва аниқланди (МК.207a).

alimîn büütür – қарзини исботламоқ; *aniñ üzä alimîn büütürdi* – унинг устидаги олимини, қарзини ҳужжат билан исбот қилди (МК.153a).

alimîn al – қарзини олмоқ; *ol alimîn aldî* – у қарзини олди (МК.47b).

alimîn ötä – қарзини тўламоқ; *ol aniñ alimîn ötädi* – у унинг қарзини тўлади (МК.278a).

alimçî – қарз берувчи киши. Маҳмуд Кошғарийда шундай мақол бор: *Alimçî – arslan, berimçî – siçgan*. – Қарз берувчи – арслон, қарз олувчи – сичқон [Қарз берувчи (пулдор) ҳужум қилишда гўё арслон, қарздор эса қўркув, ваҳима босганидан сичқон кабидир] (МК.25b). Бу атама ҚТН.4,11 да ҳам келган.

ališ – олиш, ҳисоблашиш (МК.22a);

ališ-beriš – олиш бериш; оладиганни олиш, берадиганни бериш (МК.22a); *sizni birlä ališ-beriš yoq* – сиз билан олиш-бериш йўқ (СТ.VI.9,1).

anuuq – “ижара”; *anuuqqa tuttum* – “ижарага тутдим; ижарага олдим” маъносида (ҚТН. 17.5).

arqış – қарвон: *Tawğaçtîn yantut sewinç yarliğ eltü arqış keldi*. – Тавғачдан севинчли жавоб ёрлиғи билан қарвон келди (СТ.V.82,15–16).

Yağız yer yašil torqu yüzkä badî,

Xitay arqışi yadtî tawğaç edi. –

Бўз ер юзига яшил нарда тортди,

(Гўё) хитой карвони тавғач молини [бутун оламга] ёйди (QВН.14,2).

arqış-tirkış – карвон, совға-салом (Ka,8).

bāzīrgān arğışlari – савдогарларнинг карвонлари (M.9); ушбу бирикмада форсчадан ўзлашган *bāzīrgān* – “савдогар”; туркий *arğış* – “карвон” маъносидадир.

asīğ – “фойда” маъносида; *āsīğī bilä köni berür-men* – фойдаси билан тўлиқ қайтараман (QТН.28,5–6).

Хужжатларда *asīğ* билан *tūš* ўзаро синоним сифатида ишлатилади. Яна бир жиҳати, хужжат матнининг кириш компонентида қарз олинувининг сабаби *asīğqa böz kergäk bolur* (фойдаланишга бўз керак бўлиб) деб кўрсатилган бўлса (QТН.14,3), асосий қисмда унинг мажбурияти *asīğī bilä köni berür-men* (ортиқи, яъни фойдаси билан албатта қайтараман) дея қайд этилади (QТН.14,8–9).

baqir – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *şīn* ўлкасидаги чақа (пул). Олди-сотдилари шу орқали қилинади (МК.91а).

belük – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, сафар қилувчи киши ўз яқинларига олиб борадиган ёки бирор ердан бошқа бир ерга келтирувчи совға, туҳфа (МК.97b).

benäk – чақа, пул (МК.97b).

bergü – (бериладиган) қарз; *anıñ meñä bir at bergüsi bar* – у мендан битта от қарз (МК.108а).

berim – олинган қарз, бериладиган нарса (МК.103b).

uluğ berim – солиқнинг бир тури; йилда бир келадиган катта тўлов, ер солиғи (?) (QТН. 10,9 га қаралсин).

berim-alim – “олди-берди; қарз; тўлов, солиқ” маъносида. Кўпинча мулк, ер ҳосилидан олинадиган солиқ кўзда тутилган (QТН.10,7–8 га қаралсин).

berimči – қарз берувчи, қарздор. Маҳмуд Кошғарийда шундай мақол бор: *Alimči – arslan, berimči – sičğan*. – Олимчи [яъни қарз берган] – арслон, беримчи [яъни қарз тўловчи] – сичқон (МК.103b). *berimči* атамаси QТН.4,11 да келган.

bert – Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, берим; қулнинг ҳар йили ўз хўжайинига берадиган тўлови (МК.86б; яна қаралсин: ҚТН.30.9,11).

borč – солиқнинг бир тури (ТҚ.38).

čatīpa – ариқ қазишга, тўғон бўғишга чиқмаганлардан қишлоқ оқсоқоли оладиган солиқ (чигилча) (МК.105а).

čiqiř – 1) фойда, манфаат. Маҳмуд Кошғарийда шундай мисол бор: *ol iřta čiqiř yoq* – бу ишда фойда йўқ (МК.93а).

2) ҳирож; қарам юрт томонидан тўланадиган тўлов, ҳирож; *bizgā baqar ellärniň čiqiřlarī* – бизга қарам юртларнинг ҳирожлари (Т.18).

čiqar: *dīvānğa čiqar har türlüg māl* – девонга чиқар ҳар турли мол, яъни хазинага тўланувчи даромад (У.6).

ekin: *ekin tut* – “экин тутмоқ; ҳосил бермак”: *ekin tutsa* – “экин тутса; экин битса; ҳосил берса” (ҚТН.18,6).

el yaňi – ўз вақтида қайтарилмаган қарз учун солинадиган жарима тури, қарзни эл қойдаси, давлат қонуни бўйича тўлаш (масалан, ҚТН.12,6 га қаралсин).

kiriř – кириш; кишининг ўз мулкидан келган кириш (МК.93б).

kümüř – танга. Чунки унда кумуш бор (МК.93б).

◇ *altun-kümüř* – “олтин-кумуш; бойлик” маъносида: *Čiğayqa uladi, kör, altun-kümüř*. – Қашшоқларга улашди, кўр, олтин-кумуш (QBN.48а,12).

maraz – музд, иш ҳақи. Арғу ва яғмолар *xīyar maraz* дейдилар (МК.104а).

mal: *dīvānğa čiqar māl* – девонга, яъни давлат хазинасига тўланадиган мол; *dīvānğa čiqar har türlüg māl* – девонга чиқар ҳар турли мол [яъни хазинага тўланувчи даромад] (У.6).

ötünč – қарз; Маҳмуд Кошғарийда шундай мисол бор: *men aňar yarmaq ötünč berdim* – мен унга танга қарз бердим, қарзга танга бердим (ўғузча) (МК.319а).

qalan – деҳқонларга ер учун солинадиган асосий солиқ; ер солиғи (ДТС.410; ТҚ.37). Бу атама ҚТН.24,3 да ҳам келган.

qarawulluq – савдо-сотик жараёнида сотувчидан унинг моли кўриқлаб турилгани учун ундириладиган қоровуллик ҳақи (TQ.42).

qubur yasaği – солиқнинг бир тури (TQ.37).

saqiş – ҳисоб, ҳисоб китоб: *Saqiş saqliqi ċin bitig birlä-ol.* – Ҳисобнинг тўғрилиги чин битиг биландир (QBN,104a,1).

saltiq – солиқ (U.10).

saltiq sal – солиқ солмоқ (U.10–11).

sat – қул ёки бирон буюмни бировга “сотмоқ” маъносида (QTH.1,34);

ötkürü sat – “(бировга) сотиб юбормоқ”; *ötkürü satsun* – (Ерни бошқа бировга) сотиб юборсин (QTH.21,11); *satip al* – бирон нарсани бировдан “сотиб олмоқ” маъносида.

satiğ – олди-сотди, савдо-сотик (МК.94б; QTH.4,5); бу сўз, ўрни билан, “баҳо; нарх”ни ҳам билдиради: *yer satiği* – “ернинг баҳоси” дегани (QTH.5,9).

saşturdi – бошма-бош қилди. *ol alim-berim birlä saşturdi* – у оладиган моли билан берадиганини бошма-бош қилди. Оладиганини олмай, берадиганининг ўрнига топширди (МК.180a).

sürüşdi – сурушди; *ol anda alimin sürüşdi* – у унинг устидаги қарзини, оладиганини сурушди (МК.159a).

tabanliq – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган табанлиқ ҳақи (TQ.41).

tarxanliq – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган солиқ (TQ.41).

tüş – “фойда; даромад” маъносида; *tüşkä yür kergäk bolup* дейилганда “фойдаланиш, ишлатиш учун тарик керак бўлиб” тушунилади (QTH.12,2–3); *bulmış tüşin teğ üläsür-biz* дейилганда эса “тушган фойдасини тенг улашамиз” англашилади (QTH.19,6–7); *tüşi bilä köni bersünlär* деганда “фойдаси, ортиғи билан албатта берсинлар” деб тушунилади (QTH. 12,7–8).

uruğ – асли “уруғ”, лекин дехқончилик устида сўз борганда “ҳосил” маъносини ҳам билдиради; *uruğ bitsä* – “уруғ, яъни

ҳосил битса”: *Bu yerkä neçä uruğ bitsä, ikägü teñ alir-biz.* – Бу ерда қанча ҳосил битса, иккимиз тенг бўлишиб оламиз (QTH.17,5 –7).

uruğluğ: *uruğluğ altun* – тамға урилиб, пул қилиниб кесилиб, муҳр босилган олтин (олтин ақча) (МК.43а).

ülüşlüg – “улушли; ҳиссали”: *teñ ülüşlüg yer* – “тенг улушли ер” (QTH.10,5).

üzlüşdi: *alimlig-berimligdin üzlüşdi* – (олимпчи билан беримчи) олди-бердидан [ўртадаги қарздан] узилишди (МК.63b).

yaqa – аслида “тўлов”, лекин ҳужжатларда “ижара” маъносида ҳам қўлланади (*қаралсин:* QTH.33,2).

yarımaq – танга (пул), уйгурча. Бу сўзнинг *yarmaq* шакли ҳам бор (МК.316а).

yarmaq – танга (пул) (МК.316а). *Ötmäkçi ol yarmaqğa baqdi* – Нонвой ўша тангага боқди (Taf.146).

yol haqqi – савдо-сотик жараёнида сотувчидан ундириладиган йўл ҳақи (TQ.42).

yul: *yul al* – “юлмоқ; юлиб олмоқ; зўравонлик билан тортиб олмоқ” англамида: *Erklig beg işi, elçi-yalawaç küçin tutup, çamlasarlär, yulayin, alayin tesärlär, bu Qutluğ-teg iki kişi yaratu berip, sözläri yorımasun.* – (Кимда-ким) ҳукмдор бек иши, элчи кучига таяниб, даъво қилса, юлайин, олайин деса, Бу Қутлуғдек икки жорияни топиб берсинлар, уларнинг сўзи ўтмасин (QTH.22,18–22). Ҳужжатларда *yulur al* – “қутқариб олмоқ” маъносида ҳам ишлатилади: *yulur alayin, boş qilayin tesär* – қутқариб олай, озод қилай деса (QTH.1,11–12).

yuldaçi – юлиб олувчи; зўрлик билан тортиб олувчи; юлғуч: *Yuldaçi kişi qorluğ bolsun.* – Юлғуч зарар кўрсин (QTH.5,20).

yunlaqlıg – ишлатиш учун; яроқли; қайта ишлов бериш учун мўлжалланган нарса. Масалан, *yunlaqlıg boz* – “яроқли бўз” дегани (QTH.2,2). Бу сўз пулга нисбатан ҳам ишлатилади: *yunlaqlıq quanrı* дейди (QTH.6,2), бу “ишлатиш учун яроқли қуанпу” деган маънони англатади.

xaraç – хирож (TQ.38).

ХУҚУҚШУНОСЛИК АТАМАЛАРИ

arqaliq – “жавобгарлик”; *arqaliq bol* – “жавобгар бўлмоқ”: *Uluğ berim kelsä, ol arqaliq bolur.* – *Улуғ солиқ келса, у жавобгар бўлади* (QTH.10,9–10).

'ahd (<араб. اهد) – келишув, аҳд (AS.41).

◇ *'ahd sözi* – келишув, аҳд сўзи (AS.36). *'Ahd sözi* – оғзаки, сўзда ўзаро келишув. Бунинг акси – *bitim*, у энди “ёзма ҳолда келишиб олиш”ни билдиради: *biti+m* – “битилган, ёзилган акт” маъносидадир.

boş – бўш, эркин, озод (МК.83b).

boş – “талоқ; хотинни талоқ қилиш” маъносида ҳам келади.

boş qil – озод қилмоқ. Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: *ol qul boş qildi* – у қулни озод қилди. Умуман, “озод” сўзини *boş* сўзи билан ифода қиладилар (МК.83b).

boş bol – “эркин бўлмоқ; озод бўлмоқ”. Масалан: *yulup alayin, boş qilayin tesär* – *қутқариб олай, озод қилай деса* (QTH.11–12); *tört yoli boş bolup* – *тўрт йўла эркин бўлиб* (QTH.1,16).

◇ *boş-azad* – эркин: *boş azad kişilər* – эркин кишилар (QBN.91a,14); *Boş-azad kişi barča edgü qulü.* – *Эркин-озод кишиларнинг барчаси эзгулик қулидир* (QBN.88a,5).

boşunu ötün: yazuqda boşunu ötünür-biz – *гуноҳлардан ҳалос этгин дея ўтинурмиз* (Huast.93).

čam-čarim – “даъво; жанжал”; бундан ясалган: *čam-čarim qil* – “даъво қилмоқ; жанжал қилмоқ” (QTH.4,11–12). Хужжатларда *čam-čarim qilmasun* бирикмаси қўлланган. Бу “даъво қилмасин; зўравонлик қилмасин” деган маънони билдиради. Ушбу бирикма мулкни сотиб олаётган кишини ҳуқуқий ҳимоялаш учун “унга ҳеч кимса зўравонлик қилмасин; ундан ерни ё қулни даъво қилмасинлар”, деган англамда ишлатилади.

čamla – “даъво қилмоқ; зўравонлик қилмоқ” (QTH.5,7).

čamlağuci – зўравонлик қилувчи; даъвогар (QTH.4,18). *čam* – “даъво”; *čamla* – “даъво қилмоқ” сўзидан.

erk – “эрк; эркинлик; ҳуқуқ”; *erkinčä* – “ўз эркича; ўз истагига кўра” (QTH.1,14).

erklig – “эгалик; хўжайинлик” англамида; *erk* “эрк; ҳуқуқ” сўзидан; *erklig bolsun* – “эгалик қилсин; ҳуқуққа эга бўлсин” дегани. Ушбу бирикма ер ёки қул ўзга кишига ўтказиб сотилаётганда, у келгусида ана шу нарсага буткул эгалик қилиши учун бериладиган эркинликни билдиради: *Bu tört siči içindäki yerkä miñ yül, tümän künkä tegi Basmil erklig bolsun.* – Бу тўрт чегара орасидаги ерга минг йил, туман кунга қадар Басмил эгалик қилсин (QTH.6,12–14).

keñäš – кенгаш (QBN.129a,10).

El-küngä jarliq jarlap, keñäštilär, keldilär – Эл-улусга ёрлик чорлаб, (улар) кенгашдилар, келдилар (OD.10,IX–11,1). *Bu altı kiši terilip keñäšdilär.* – Бу олти киши терилиб кенгашдилар. (Taf.173).

öñdi – низом (QBN.94a,9).

qiyün – “жазо”; *ağir qiy(i)nqa tegsün* – оғир жазога тортилсин (QTH.29,16).

qorluğ – зарар кўрмаслик; зиён кўрмаслик; бунинг антоними: **qorsuz** – зарар кўриш; зиён кўриш; *qori* – “сақламоқ; асрамоқ; ҳимоя қилмоқ” феълидан. Булардан ясалган: *qorluğ bolsun* – “зарар кўрмасин”; *qorsuz bolsun* – “зарар кўрсин” маъносида: *Yuldači kiši qorluğ bolsun. Bu bitig tuta Quuš Temür baxši qorsuz bolsun.* – Юлгучи зарар кўрсин. Бу ҳужжатнинг эгаси [ушбу ҳужжатни тутувчи] Қуш Темур баҳиши зарар кўрмасин (QTH.5,20–21).

milk – йирик суюрғал билан бир қаторда кичик суюрғаллар ҳам бўлиб, уларнинг имтиёзлари нисбатан чекланган эди. Ана шундай кичик суюрғаллардан бири *milk* аталган. *Milk* нинг миқдори турлича бўлиб, одатда, улар уламо ва дин бошлиқларига берилган. Мамлакатда *milk* ерлари ҳам катта миқдорни ташкил қилган. Улардан келаётган даромаднинг муайян бўлаги давлат хазинасига ўтказилган. Кўпинча дин

бошлиқлари давлатга тўланадиган ана шу солиқдан ҳам озод қилинган (*қаралсин*: Гафуров 1989,232).

Султон Умаршайх ёрлигида Мир Сайид Аҳмадга ана шундай суюрғал берилгани тўғрисида сўз боради: *M(a)rġin(a)n bŭzrŭglārīdīn Mir Sayīd Aĥmadġa M(a)rġin(a)n qasabasīdīn burun bir milk baġi bilā iki qoşluq ekininiġ har ne dīvānġa ėiqar har tŭrlŭg mālīnī suyurġal berilip erdi.* – Маргинан бузурғларидан Мир Сайид Аҳмадга Маргинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки қўшлиқ экиннинг ҳар не девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди (U.4–6).

Ўрта асрларда давлат иқтисодида мулкчиликнинг тўрт тури мавжуд бўлган: давлат мулки; зодагонларга қарашли милklar; вақф ерлари; деҳқон милклари (*қаралсин*: Гафуров 1989,198).

söz: söz keç- “аҳд; келишув” маъносини билдиради: *Seniġ bilā ahd qilġanda bir-birimizniġ dostiġa dost, duşmaniġa duşman bolali tep söz keçip erdi.* – Сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманига душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди (AS.43–44).

suyurġal – суюрғал; давлатга яхши хизматлари учун хон ёки султон томонидан доимий фойдаланиш учун тортиқ қилинган ер, мол-мулк (TQ.20; Ş.3).

Йирик ер, мол-мулкдан бошлаб хон ёки султон томонидан берилган тортиқ ҳам *suyurġal* аталган. Темурийлар давлатида суюрғалнинг турлари кўп бўлган. Уларнинг кенг тарқалган шакли сулола вакилларига берилувчи суюрғалдир. Буларнинг кўлами катта-катта ерлардан иборат бўлган. Бундай суюрғаллар баъзан авлоддан-авлодга ҳам ўтган. Баъзида улар абадийга ҳам берилган. Суюрғал авлоддан-авлодга ўтганда ҳукумдор томонидан алоҳида нишонлар билан ҳам тасдиқлаб турилган (Жумладан, Шоҳруҳ мирзо ҳамда султон Умаршайх нишонлари ана шундай вазифани бажаради). Темурийлар давлатида суюрғал, кўпинча, жангда қаҳрамонлик кўрсатган қўшин бошлиқларига, баъзан дин уламосига ҳам берилар эди. Уларнинг

кўлами кичик қишлоқдан тортиб йирик вилоятга ҳам етган (*қаралсин*: Гафуров 1989,231–232).

siyurğal ber – суюрғал бермак (U.6).

tanuq – гувоҳ (МК.96а; Taf.284). Хужжатни тузишда, унинг қонунийлигига кафолат берувчи кимса; далил; гувоҳ. Қоидага кўра, хужжатни тузишда икки-уч киши гувоҳ сифатида қатнашади. Хужжатда гувоҳларнинг исми-шарифи, ҳатто уларнинг нишон-тамғалари ҳам кўрсатилган. Гувоҳ, тузилаётган хужжат ёки келишув жараёнида қатнашувчи юридик кимса саналгани учун расмий хужжатларда баъзан *bu bitigkâ tanuq* (*бу хужжатга гувоҳ*) (QTH.4,20), *bu sözkâ tanuq* (*бу сўзга, келишувга гувоҳ*) (QTH.19,8) деб ҳам ишлатилади.

tanuqla – гувоҳ бўлмоқ (Abitaki.III.40b,6).

tanuqluq – гувоҳлик, гувоҳ бўлиш (МК.126а). *Menim tänim menâ tanuqluq berür.* – *Менинг таним менга гувоҳлик берур* (Taf.284).

tapin – “хизмат қилмоқ” маъносида; *menâ tapinip yorisun.* – *менинг хизматимни қилиб юрсин* (QTH.1,15).

tarxan – солиқ ва бошқа тўловлардан озод этувчи давлат имтиёзининг яна бир тури *tarxan* аталган. Тархонлик олган йирик ер эгалари яна бир қанча қўшимча имтиёзларга ҳам эга бўларди. Имтиёзларнинг шунга яқин бўлган бошқа турлари ҳам *tarxan* аталган. Баъзан бутун вилоят ёки шаҳар аҳли ҳам *tarxan* имтиёзига эга бўлган (*қаралсин*: Гафуров 1989,233).

Сайёҳ ва олим Ибн Баттута Ҳожи Тархан шахрининг аталиши тўғрисида ёзади: “Тархан – турклар тилида солиқлардан озод қилинган шаҳар маъносини билдиради. Бундай шарафга муяссар бўлишига сабаб солиқлардан бўлмиш Турк ҳожининг шу шаҳарга келиб жойлашгани ва султон уни ҳурмати юзасидан солиқлардан озод қилганлиги эди” (Ибн Баттута 2012,342).

tarxan qil – тархон қилмоқ; тархон ҳуқуқини бермак (TQ.18).

tarxan bol – тархон бўлмоқ; тархон ҳуқуқини олмоқ (TQ.20).

āzād tarxan bol – ҳар қандай солиқлардан озод бўлган, эркин ҳуқуқли тархонлиқ олмоқ; эркин тархон ҳуқуқига эга бўлмоқ (TQ.28).

tawačī tartusi – бу бирикмадаги *tawačī* – ҳуқумдорнинг муҳим топшириқларини бажарувчи ёрдамчиси, сарой амалдорлари устидан назоратчи; *tartu* – “қўшимча мол-мулк; тортиқ”; *tawačī tartusi* – тавачи томонидан берилган қўшимча мулк; тортиқ (U.7).

toqu – одат, расм-русум: *Törü ham toqu bilsä, qilsa tapuğ.* – Қонун ҳамда расм-русумни билса, хизмат қилса (QBN.95b,5).

törü – қонун, қоида (QBN.16b,3).

□ қ. *törü*.

törü – ёзма ёдгорликларда “давлатнинг бош қонуни”, шунингдек, “қонун; сиёсат; ҳокимият; одат, удум” маъноларини англатувчи ялпи атама (ST.V.5,14).

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *törü* – “расм, одат”. Олим бу сўзнинг ишлатилишига ўрناк қилиб қуйидаги мақолни ҳам келтирган: *El qalir, törü qalmas.* – Мамлакат қолади [яъни *ўзгаради*], одат қолмайди. “Бу мақол олдингиларнинг одатларини сақлашга ундалган кишига қарата қўлланади”, деб таъкидлайди у (МК.271b). Ушбу мақолда давлатлар ўзгариши, лекин халқ удумлари сақланишига ишора қилинади.

Ёки яна чоғиштиринг: *Küč ildin kirsä, törü tüñlüktin čiqar.* – Зулм, зўравонлик эшикдан кирса, инсоф туйнукдан чиқади (МК.248a).

Кул тигин улуғ битиги Биринчи турк хоқонлигининг тарихи, Бумин ва Истамининг тахтга келиши ҳикояси билан бошланади. Шу ўринда, уларнинг тахтда эканлиги чоғидаги ишларини таърифлаб, *Olurupan, türük bodunuñ älin tör[ü]sin tuta birmiš, iti birmiš* (Тахтда) туриб, турк халқининг юртини, ҳукуматини [ҳокимиятини] тутиб турганлар, тартибга келтирганлар) жумласи ишлатилган (K1). Бу жумладаги *älin tör[ü]sin* – жуфт сўз, у “давлат ҳокимияти” маъносини беради.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг асарида” *törü* ни “қонун; сиёсат; адолат” маъноларида қўллаган:

Törü ham toqu, öñdi, yinčkä tariğ

Uluğ hajib etsä, ačar yol qariğ. –

Қонун ҳамда расм-русум, низом, нозик хизмат(ларни)

Улуғ ҳожиб бажарса, мушукул йўл ва эшиклар очилади
(QBN.94a,9).

Ulardın qalu keldi eđgü törü,

Qumaru turur, tegsä, qoprur örü. –

Улардан эзу қонун(лар) қолди,

(Улар) меросдир, етишса, кишини юқори кўтаради
(QBN.17a,1).

Асар муқаддимасида Тавғач Буғраҳон мадҳида хонни таърифлаб дейди:

Ažun enčkä tegdi, tüzülди törü,

Törü birlä atin qopardi örü. –

Олам осойишталикка эришди, адолат қарор топди,

Адолатли сиёсат билан отини юксалтирди (QBN.15,4).

Юсуф Хос Ҳожиб ўз қаҳрамонларига, персонажларга муайян сифатлар беради: вазир Ойтўлдини *qut* (бахт; давлат), унинг ўғли Ўгдулмишни *iquš* (заковат, ақл), қариндоши Ўзғурмишни *'āfiyat* (офият; қаноат), асарнинг бош қаҳрамони Кунтуғди элигни эса *köni törü* (адолатли сиёсат; тўғри қонун)га нисбат беради (*қаралсин*: QBN.19b,12-14).

Мана ўша байти:

Bu Küntuğdi tegli – törü-ol köni,

Bu Aytoldi tegli qut-ol, kör anı. –

Бу Кунтуғди дегани чин адолатдир,

Бу Ойтўлди дегани бахтдир, унга бир боққин (QBN.19b,12).

Кунтуғди Ойтўлди билан суҳбатда ўзини “эзгу сиёсат” дея танитади:

Munu men ma körgil könilig törü,

Turiqlıqlari bu baqa tur körü. –

Мана, менга қарагин, мен ҳам одил сиёсатнинг

Макониман, кўриб, қараб тур (QBN.34b,13).

Ойтўлди ҳам суҳбатдан кейин Кунтуғдига *edgü törü* (“эзгу сиёсат; эзгу қонун”) дея мурожаат қилади:

Yer öpti, kör, Aytoldi turdi öri,

Ayur: Ey, iduq beg, ey, edgü törü. –

Ойтўлди ер ўнди, кўр, ўрнидан турди,

Айтди: Эй, қутлуз бек, эй, эзгу сиёсат (QBN.40a,10).

Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди элигнинг эзгу сиёсат юритганини таърифлаб шундай дейди:

Törü tüz yuritti, bayudı bodın,

Atin edgü qıldı, ol edgü ödüп. –

Ҳоқон адолатли сиёсат юритди, халқи бойиди,

У эзгу даврон билан ўз номини эзгу қилди (QBN.17b,9).

Ёки бошқа бир ўринда: *Etildi eli ham tüzüldi törü. – Эли яшнади, адолатли сиёсат тузилди* (QBN.44b,2).

törü ur – сиёсат юрит: *Ne edgü törü urdi beglär begi. – Беклар беки қанчалик тўғри сиёсат юритди* (QBN.38b,3).

□ қ. *törä.*

törülüg – тадбирли: *törülüg kişi* – тадбирли киши (QBN.84a,13).

tut – “тутмоқ; ишлатмоқ”; сотилаётган қул ёки ерга нисбатан ишлатилади; *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun. – (Ерни) истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа бировга сотиб юборсин* (QTH.21,11).

ye – “емак; фойдаланмоқ; ишлатмак” маъносида; *teñ ye* – жойдан, ердан-сувдан “тенг фойдаланмоқ”; *Temür Ombu bu Siqıduqa Qoçıdaqı yerdä-suwda Mädz bilä teñ yesün tep bitig berdım. – Темур Ўмбу бу Сиқидуга Қўчудаги ердан-сувдан Мадиз билан тенг фойдалансин, дея хўжжат бердим* (QTH.3,2–4).

yasa – қонун, давлат қонуни. *Men Ozmiş Toğrıl kin öñdün Basa Toğrılqa kimniñ, qayuniñ küçin tutup çat-çarim qılsar-men, yasadaqı qıyınqa tegir-men. – Мен Ўзмиш Тўғрил бундан кейин Баса Тўғрил билан қайсидир кимсанинг кучига таяниб, даъво қилгудек бўлсам, қонундаги жазога розиман* (№ 6,7–11).

yosun – “қонун-қоида, йўсин” (Т.20).

tarxanliq yosuni – тархонлиқ йўсини, қоидаси (ТQ.15).

nişān yosuni – нишон қоидаси, йўсини (Ş.7).

suuyrǵal yosuni – суюрғал қоидаси, йўсини (Ş.8).

şar’i qabala yosuni – шаръий қабала йўсини (ТQ.25–26).

yulturdi – қутултирди, озод эттирди: *ol bolunuǵ yulturdi* – у асирга қутилиш фидясини берди (МК.243а); *ol qulın yulturdi* – у қулини пул баробарига озод эттирди (МК.243а).

ТАБАҚА ВА ЛАВОЗИМЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ АТАМАЛАР

aǵıçı – хазиначи (QBN.104b,1).

beg – бек; ҳуқумдор; юқори лавозим (QTH.4,16; Taf.94); хужжатларда бу сўз “хўжайин; эга” маъносида ҳам қўлланган.

◇ *miñ begi* – минг беги; юқори лавозимлардан бири (QTH.1,18); хужжатларга, одатда, минг бегининг тамғаси босилгандан кейин у расмий тус олган.

bıruq – шоҳ ёнида катталарни ўз жойига ўтказувчи киши. Бу сўзнинг асли *buuruq*, чунки у шунга буюради (МК.95b).

elči – элчи (Taf.76).

“элчи, йўл бошловчи” маъносида ҳам келади:

Nekü ter ešitkil, bögü elči beg,

Bu beglig işini bilir yolči beg. –

Доно, эл бошловчи бек нима дейди, эшитгин,

Бу беклик ишини билувчи, йўл бошловчи бек (QBN.190a,1).

◇ *elči-vu kelači* – элчию воситачи (А.15).

elči-yalawač – элчи, хон билан бўдунни боғлаб турувчи, хоннинг буйруқларини халққа етказувчи киши (QTH.4,16).

□ қ. *elčü*.

elčü – элчи (Taf.76).

□ қ. *elči*.

elig – элиг, подшоҳ (QBN.27a,1).

imğa – мол (солиқ) йиғувчи амалдор (МК.38b).

kün – кул-хотин, чўри, жория (рабыня) (QTH.4,4). Эркакларга нисбатан – *qul*, хотин-қизларга нисбатан *kün* дейилган.

oğulan – асли “ўғлон”, хужжатларда “кул бола” маъносида ҳам қўлланган: *Burhan Quli atliğ oğulan* – *Бурхон Қули отли ўғлон, яъни қул бола* (QTH.29,5–6).

Хужжатларда “кул бола” маъносида *er ulan* сўзи ҳам қўлланган (QTH.2,6).

ötäci – табиб (QBN.44a,13).

qam – кохин, дуохон (QBN.44a,13).

qarabaš – кул; хизматкор (QTH.30,3); хотинларга нисбатан *ewçi qarabaš* – “жория” дейилган (QTH.30.4,8).

qul – кул (QTH.1,30; 30,12).

sözçi – воситачи (QBN.180a,7).

tayšī (<*хумой. dai-ši*) – улуғ устоз; муаллим; ўқимишли, таниқли киши (*қаралсин: ДТС,528*). Бу атама QTH.1 нинг 9-, 10-қаторларида келган.

toyin~toyun (<*хумой. daojen, dau-žin*) – будда жамоасида роҳиб (*қаралсин: ДТС,572*).

Маҳмуд Кошғарий *toyin* ни шундай таърифлаган: ислом динида бўлмаганларнинг бошлиғи. У бизларнинг олимларимиз, муфтиларимиз даражасидаги кишидир. У доим бутхона ёнида бўлади, куфр китоблар қоидаларини ўқийди. Унинг шарридан худодан паноҳ тилаймиз. Мақолда шундай келган: *Bir toyin baši ağrisa, qatiğ toyin baši ağrimas.* – *Бир дин бошлигининг боши оғриса, ҳамма дин бошлиқларининг боши оғримайди.* Бу мақол ўртоқлари орасида улар еган бир нарсани ейишдан тортинган кишиларга нисбатан қўлланади (МК.260a).

Toyin атамаси QTH.1 нинг 8-, 16-, 32- қаторларида келган.

yalawač – элчи (QBN.98a,1).

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ВАСИҚАЛАР

Т а я н ч т у ш у н ч а л а р : *васиқа, васиқа турлари; матн компонентлари, компонентларнинг берилиш усули; васиқалар текстологияси; стереотип бирликлар.*

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Васиқа тушунчаси ва унинг қадимги аталиши.

Қадимги турклардан қолган васиқалар ва уларнинг турлари.

Васиқаларнинг компонентлари ва улардаги ўзаро узвийлик масаласи.

Васиқанинг ҳуқуқийлигини, легитимлигини таъминловчи деталлар.

Матн компонентларининг берилиш услуги.

Қадимги туркий васиқаларнинг текстологик тадқиқи.

Васиқалар матни ва уларнинг талқини.

Матнлар ва шарҳлар.

Васиқа – қулга берилган эркинликни, кишилар ўртасидаги олди-бердини, гаровга қўйилган буюмни, сотилган ёки ижарага олинган мулкни, меросни тасдиқловчи, далилловчи расмий ҳужжат, тилхат. *Васиқа* сўзи атама сифатида кейинчалик, ислом давридан бошлаб ишлатилган. Ўтмишда эса уни ялписига *bitig* деб, бошқаларидан айира олиш учун, қарз олиш васиқасини *õtüg bitig*, васиятномани *qumaru bitig*, қулга эркинлик берувчи васиқани *boş bitig* аталган ва б. Кейингисидаги *boş* – “эркинлик, озодлик” англамидадир.

Васиқа ҳужжат туздирётган кимсаларнинг, олимчи ва беримчининг кўз ўнгида, бунга қўшимча ҳолда, икки-уч киши гувоҳлигида тузилади; уларнинг қўли, белги-тамғаси билан тасдиқланади. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган, қўл қўйилиб, тамға босилган кундан бошлаб кучга қиради, расмийлашади.

ВАСИҚАЛАРДА КОМПОНЕНТЛАРНИНГ БЕРИЛИШ УСУЛИ

Васиқалар қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, қулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун, кунжит сингари нарсаларни қарзга олиш билан боғлиқ, бўзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Ўтмишдан қолган васиқаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- (1) Қулга эркинлик бериш васиқалари;
- (2) Қулни сотиш васиқалари;
- (3) Кимса ёки нарсани гаровга қўйиш васиқалари;
- (4) Васиятнома ёки мерос бўлиш васиқалари;
- (5) Бола асраб олиш васиқалари;
- (6) Экин майдони ёки узумзорни ижарага олиш васиқалари;
- (7) Қарз олиш васиқалари;
- (8) Тавар-буюмни айирбошлаш васиқалари;
- (9) Олди-берди васиқалари;
- (10) Бошқа турдаги васиқалар.

Васиқаларнинг компонентлари уларнинг турига боғлиқ.

Васиқаларда нутқ усули ҳам муҳим. Масалан, қулга эркинлик бериш васиқаларида матн, одатда, эркинлик берувчи кимса тилидан (нутқидан) тузилади. Ёки олим-берим ҳужжатларида матн беримчи тилидан (нутқидан); ерни сотиш васиқаларида эса сотувчи нутқидан тузилади. Лекин пулни ёки айирбошланаётган нарсани санаб олаётган олимчининг матн орасидаги сўзи, гувоҳларнинг ва хат битувчининг васиқа якунидаги сўзлари уларнинг ўз нутқидан келтирилади. Бу нарсаларнинг бари ҳужжатнинг ишончилиги, ҳаққанийлигини таъминлашга хизмат қилган.

Васиқаларнинг қолипи аниқ, уларда *стереотип бирликлар* – ўхшаш сўзлар, сўз бирикмалари ва жумлалар, бошқа ҳужжатларга қараганда, кўпроқ ишлатилади. Шунга кўра, васиқани “қолип-ҳужжат” деса бўлади.

Васиқаларда компонентларнинг берилиш усуллари тубандагича:

Васиқаларда сана(тарих, йил-ой-кун)нинг берилиши. Юсуф Хос Ҳожиб “сана”ни *yil-ay-kün* деб атаган: *Yil-ay-kün kečär-teg tiriglig kečär*. – Тургулик йил-ой-кундек кечади (QBN.50b,8). *Yil-ay-kün* “календарь, тақвим”ни ҳам билдиради. Шарқ манбашунослигида *yil-ay-kün* ни *sana* ёки *ta'rix* дейилади.

Васиқалар хужжат тузилган кунни, яъни тарихни айтиш билан бошланади. Сана йил-ой-кун кетма-кетлигида, яъни башлаб йил, кейин йилнинг оyi ва oйнинг куни айтилади. Йил эскича турк-мучал тартибида: *ud yil, it yil, qoyn yil* сингари. Ойлар эскича санок кетма-кетлигида: *birinč ay, ikinč ay, üçünč ay, törtünč ay* сингари. Икки хонали сонга келганда *bir yigirmінč ay, iki yigirmінč ay* дейилади. Айрим васиқаларда ойлар буддавий отлари билан аталган: *aram ay* (биринчи oйнинг оти), *čaxšapat ay* (йил охиридаги oйнинг оти) сингари. Куни айтилганда, кўпинча, *yañiqa* сўзи ҳам кўшиб кўйилади (*bir yañiqa* сингари), бу санок “(oйнинг) биринчи кунида” деган маънони англатади. Мана мисоли: *Toғuz yil, onunč ay, altı y(i)g(i)rmikä* – Тўнғуз йили, ўнинчи oйнинг ўн олтинчи кунида; *Qoyn yil, aram ay, bir yañiqa* – Кўй йили, арам oйнинг биринчи кунида.

Сана жўналиш кўшимчаси *-qa, -kä* билан қўлланса-да, бироқ “шу санада” деган маънони англатади. Сабаби, бу жумланинг давомида хужжат нима учун тузилаётгани таъкидланади ва *meñä* сўзи билан олинаётган нарса олимчига тегишлилиги билдирилади. *Meñä* олмошидаги жўналиш шакли йил-oй-куннинг айтилишини ҳам ўзига мослайди.

Васиқада қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифини кўрсатиш. Қарз олаётган ёки мулкни сотаётган бир киши бўлса, *meñä*, икки ва ундан ортиқ киши бўлса, *bizgä* сўзи билан исми-шарифи ва нима учун, кимдан қарз олаётгани ёки кимга мулк сотаётгани кўрсатилади. Жумла сабаб эргаш гапли кўшма гап шаклида тузилади. Бу ўринда “ишлатиш учун”

мазмунидаги *tüškä*, қайта ишлашга олаётган бўлса, *yunlaqlıq* сўзлари ишлатилади; эргаш гапнинг кесими *kergak bolup* шаклида, бош гапнинг кесими *aldim* (олдим), мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса *satdim* (сотдим) ёки *tuğuru-tumlitu satdim* (узил-кесил сотдим) шаклида тугайди. Сотувчилар бир неча киши бўлса, кесим ҳам шунга мослашади. *Yunlaqlıq* – илк англамида “хом ашё; материал” дегани. Агар *yunlaqlıq böz* бўлса, “кийим-кечаклик бۆз”; *yunlaqlıq tawar* бўлса “қайта ишлаш учун тавар” ва шунинг сингари маънолар англашилади. Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: ... *biziñä – Ozmiş Toğrılqa, Tügälkä, yunlaqlıq böz kergäk bolup, Čöküdäki yerim(i)zni Eničük eçikä tuğuru-tumlitu satdim(i)z.* – ... *бизга – Ўзмиш Тўғрилга, Тугалга, кийим-кечаклик бۆз керак бўлиб, Чўкудаги еримизни Эничук акага узил-кесил сотдик* (№1,2–3).

Васиқада беримнинг нархини ва қайтимни келишув. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда сотилаётган ернинг нархи келишиб олинади. Сотув нархи тилга олинганда, кўпинча *inča sözläštım(i)z* деган ибора ишлатилади, бу “(нархини) шундай келишдик” дегани. Ернинг эвазига олинаётган нарса ўлчамию қийматигача аниқ-таниқ кўрсатилади; буни “(шу нархга) кесишдик” (*kesištımiz*) деб таъкидлаб ҳам қўйилади. Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқада: *Satiğ (b)özin (inča sözläš)tim(i)z: Lükčün kedinı yorir šuuluğ-t(a)mğ(a)liğ yüz yetmiş ikilig yoğan bözkä kesištım(i)z.* – *Бўзнинг нархини (шундай битиш)дик: Лукчунинг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали юз етмиш тўп қалин бўзга кесишдик* (№1,3–6).

Фоизи билан қарзга олинаётган нарсалар бўйича тузилган васиқаларда эса дон-дун ёки бошқа бир таварнинг қайтими, яъни унинг неча фоиз қилиб қайтарилиши кўрсатиб қўйилади.

Васиқада беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтарилувининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган дон-дун ва шунга ўхшаш нарсалар учун

тузилган васиқаларда беримнинг қачон ва қанча қилиб қайтарилуви ҳам кўрсатилади. Бунда гапнинг кесими кўпинча *köni berür-men* (аниқ қайтараман) бирикмаси билан тугайди. Масалан, Қайимту деган бойдан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада беримнинг кузда бир ярим баробар қилиб қайтарилиши кўрсатилган: *Küz yañida bir yarim siq yür köni berür-men*. – Кузнинг бошида бир ярим сиқ тариқ қилиб қайтараман (QTH.12,4–6).

Ерни ишлашга олиш бўйича тузилган васиқаларда олинажак ҳосилнинг кимга қанчадан тегиши, улуши ҳам кўрсатилади.

Беримни қайтариш бурчининг кўрсатилиши. Ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқаларда қарз вақтида қайтарилмаса, эл қондасича (*el yañinča*) ошиғи билан берилуви таъкидланади. Мабодо, беримчи ўлиб-нетиб, берим қолиб кетгудек бўлса, унда иниси, болачақаси ёки яқинларига юкланади. Бунда шарт эргаш гап *Berginčä bar-yoq bolsar-men* (Бергунча бор-ўйқ бўлсам [борман-ўйқман]) шаклида бўлади. Масалан, Қайимтудан тариқ (*yür*) олинганлиги тўғрисидаги васиқада ўқиймиз: *Bermädin, kečürsär-men, el yañinča tüši bilä köni bersünlär. Berginčä bar-yoq bolsar-men, inim Barçaqi anı tegilär bilä köni bersünlär*. – Бермай, кечиктирсам, эл қондаси бўйича ошиғи билан берсинлар. Бергунча бор-ўйқ бўлсам [борман-ўйқман], иним Барчақи уни укалари билан қайтарсинлар (QTH.12,6–10).

Васиқаларда томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлигининг кўрсатилиши. Ерни сотиш, бирон нарсани айирбошлаш билан боғлиқ васиқаларда олувчи пулни ёки қиймати сотилаётган ерга, айирбошланаётган нарсага тенг молни ҳеч қолдирмай санаб берганини, сотувчи эса уни санаб олганини билдиради. Муҳими, бу жумлалар ҳар икки томоннинг ўз тилидан (нутқидан) берилади. Жумладан, Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган васиқада олди-берди шундай кўрсатилган: *Bu üč otuz bözüg bitig qilmış kün üzä men, Basa Toğril tüğäl berdim. Biz,*

(Ozmış) *Tügäl birlä bir eksügsüz tügä(l) (aldï)m(i)z.* – Бу йигирма уч (түн) бұзни хужжат тюзилган кунни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик (№2,6–9).

Мулкнинг бутунлай сотилганлигини далилловчи жумла. Мулкнинг олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда ер ёки кулнинг бутунлай сотилганлигини билдириш учун *miñ yil tümän künkä tegi erklig bolsun* (минг йил туман кунга қадар эгалик қилсин), *miñ tümän yilqa tegi erklig bolsun* (минг туман йилга қадар эгалик қилсин) сингари жумлалар ишлатилади. Бунда *miñ yil, tümän күн; miñ tümän yil* бирикмалари вақтнинг ўла-ўлгунча эканлиги, доимийлигини англатади. Яна, олувчи кимсанинг бундан буёғига эркинлиги ўзида эканини таъкидлаш учун юқоридаги жумлага *Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adin kişikä ötkürü satsun* (Истаса ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин) деб ҳам қўшиб қўйилган. Бунинг билан ер ёки кулнинг янги эгасига бутунлай эркинлик берилмакда.

Васиқаларда сотилаётган ернинг чегарасини кўрсатиш. Ер олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда узил-кесил сотилаётган ернинг чегараси (*yerniñ siçisi*) ҳам кўрсатиб қўйилган. Бунда ернинг тўрт ёғдаги чегараси, унинг кимларга тегишли жойлар билан туташуви аниқ берилади. Хужжатларда “тараф, томон” сўзи *yïñaq* дейилиб, чегара ёқлари шунга қўшиб айтилган: *öñdün yïñaq* – шарқ томон, *küntün yïñaq* – жануб томон, *kedin yïñaq* – ғарб томон. Мамлакат шимоли тоғлиқлар билан ўралгани учун, шимолни *tağdïn yïñaq* дейилган баъзи хужжатларда. Жумладан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги хужжатда сотилаётган ернинг чегараси шундай кўрсатилган: *Bu yerniñ siçisi: öñdün yïñaq Beki, Baçaq, olarniñ ögän, күntün yïñaq Turmiş tudunniñ yer, kedin yïñaq yol, tağdïn yïñaq Bekiniñ, Baçaqnïñ yer adirar. Bekiniñ, Baçaqnïñ qanli yoli bu yerniñ adaq-atiziniñ içintä-ol.* – Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Беки, Бачақ, уларнинг ўзани, жануб тарафдан Турмиш тудунгнинг

ери, ғарб тарафдан йўл, тоғ [шимол] тарафдан Бекининг, Бачақнинг ери айиради. Бекининг, Бачақнинг арава йўли бу ернинг этагидаги атизнинг ичидадир (№1,17–21).

Йиг Буртнинг ўз ерини Қутлуғ Таш отли кимсага хатлаб бергани тўғрисидаги васиқада ернинг чегараси қуйидагича белгиланган: *Bu yerniñ siçisi: örü yïñaq ögän adïrar. Öñdün yïñaq Toyïçaq (?) yeri adïrar. Qudï yïñaq ögän, Lusay yeriñä bargï ögän adïr(a)r. Kedin yïñaq Yanyaq (?) İnal yeri adïrar.* – Бу ернинг чегараси: шимол тарафдан ўзан айиради. Шарқ тарафдан Тўйичақ(нинг) ери айиради. Қуйи (жануб) тарафдан ўзан, (яъни) Лусай ерига борадиган ўзан айиради. Ғарб тарафдан Яняқ Инал ери айиради (№3,9–12).

Васиқаларда олди-бердини кузатиб турган гувоҳларни кўрсатиш. Тузилган васиқаларнинг якунида олди-бердини, ҳуқуқий жараёни кузатиб турган кишилар ҳам кўрсатилади. Матннинг ушбу бўлаги ҳужжатнинг легитимлигини таъминлайди.

Гувоҳлар, ҳарқалай, қарз берувчи, мулк олди-бердиси билан боғлиқ васиқаларда эса мулкни сотиб олувчи томонидан сайланган бўлуви керак. Бундай деяётганимнинг сабаби, Қайимту бахши деган кишининг ўзга кимсаларга қарзга берган дон-дуни, экин экиш учун ижарага берган ери тўғрисидаги васиқалардан анчагина етиб келган (*қаралсин*: ҚТН,10–12). Қизиги шундаки, уларнинг айтарли ҳаммасида ўша-ўша кишилар гувоҳ сифатида қатнашган.

Гувоҳлар, одатда, икки ёки уч, баъзан тўрт кишидан иборат бўлади. Бунда *тануқ*, яъни “гувоҳ” сўзи билан гувоҳларнинг исми-шарифи тўлиқ келтирилади. Масалан, оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилининг олди-бердиларидан узилишгани тўғрисидаги васиқада гувоҳлар шундай кўрсатилган: *Tanuq – Alp Turmiš, tanuq – Y(a)rр Toğ[r]il.* – Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил (№6,11–12). Айрим ҳужжатларга гувоҳларнинг тамғалари ҳам қўйилган.

Васиқаларда хат битувчини кўрсатиш. Васиқалар сўнгида олди-бердини хатга туширган, ҳужжатни битган кишининг оти ҳам кўрсатилади. Хат битувчилар ўз замонасининг саводли, расмийчиликни биладиган кишилари эди. Кўпинча, бу юмушни маҳкама ходими (натариус) бажарган. Айрим ҳужжатларни қарз бераётган киши ҳам тузган. Ҳужжат битувчи охирида ўзининг отини ҳам ёзиб қўйган. Одатда, бу жумла унинг ўз тилидан берилиб, битувчининг отидан кейин *ayitip bitidim*, баъзан *yinčka ayitip bitidim* деб таъкидланади. Бунда *ayitip bitidim* дегани “қарз олувчи ёки ҳужжат туздирётган кишининг айтганлари, айтиб тургани бўйича ёздим”, *yinčka ayitip bitidim* эса “унинг айтганлари бўйича сўзма-сўз ёздим; айтганларини сўзма-сўз ёздим” деган маъноларни англатади; *yinčka ay* – “сўзма-сўз, бирма-бир, шошмай, дона-дона қилиб айтмоқ” дегани.

Yinčka~yinčka – “секин, оҳиста; босиқ, вазмин” дегани (*yinč~yinč* сўзидан). “Қутадғу билиг”дан чоғиштиринг: *Bulardin biri qazi, yinčka, arig.* – Булардан бири босиқ ва пок қозидир (QBN.192b,5). Ёки: *Bodun inčka tegdi, yarudi kuni.* – Халқ осойишталикка етишади, кунни ёруғ бўлади (QBN.192b,5).

Масалан, Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг ўз ерларини Эничук акага, бошқа бир ерни Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқаларнинг иккаласини Чукуй Тўнг деган кимса тузган. *Men, Čiküy Toŋ ayitip bitidim* (*Men, Čikuй Tўng сўраб туриб [уларнинг айтганлари бўйича] ёздим*) дея таъкидланади васиқаларнинг сўнгида (№1,24b; №2,23).

Васиқанинг ҳуқуқийлигини таъминловчи белгилари. Васиқа – расмий-ҳуқуқий ҳужжат. Қуйидаги белгилари унинг расмийлиги, ҳуқуқийлиги, ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади:

- Васиқаларда унинг тузилган кунни албатта кўрсатилади.
- Уларда қарз олаётган, қарз бераётган кимсалар, қарзнинг қайтарилишини кафолатга олаётган киши, шунингдек, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар, ҳатто ҳужжатни битувчи кимсанинг оти ҳам кўрсатилади. Бадий асарлардаги

персонажлардан айрича ўларок, улар ўша замонда яшаб турган кимсалардир.

- Насияга олинаётган нарса-буюмнинг ўлчови, унинг қачон ва неча ҳисса қилиб қайтарилиши аниқ кўрсатилади. Вақтида тўланмай қолса, юрт қондасига кўра, қўшимча тўловга тортилиши ҳам таъкидлаб қўйилади.

- Мабодо, бирор қор-қол бўлиб, қарз тўланмай қолғудек бўлса, беримчининг яқинлари уни албатта тўлаши ёзиб қўйилади.

- Мулк сотувида эса, келажакда олимчидан уни ҳеч кимса, ҳатто бекларнинг кучига таяниб ҳам, даъво қила олмаслиги, олимчининг эрки бутунлай ўзида эканлиги кафолатланади.

- Ер сотилаётганда унинг майдони, чегаралари аниқ кўрсатилади.

- Ер ижарага берилаётганда унга кетадиган уруғликнинг пулини, ер-мулк солигини кимлар тўлаши аниқ белгилаб қўйилади.

- Васиқага беримчининг (қарз тўловчининг), гувоҳларнинг нишони, тамғалари босилади. Уларнинг айтган сўзи тамғалар билан тасдиқланади.

- Ҳужжат тузишда қатнашаётган кишиларнинг сўзлари уларнинг ўз тилидан келтирилади. Ҳужжат бир неча кишининг (юримдик кимсаларнинг) нутқидан тузилади. Бу ҳам ҳужжатнинг ишончлилигини, легитимлигини оширади.

Васиқаларни компонентлари бўйича ўзаро солиштириш.
Шу ўринда Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини бўз эвазига Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган №2- васиқа билан Ярп Тўғрилнинг ўз жориясини Иналга эллик танга кумушга сотганлиги бўйича тузилган №5- васиқани компонентлари бўйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, №2- васиқанинг компонентлари шундай:

(1) Васиқа тузилган куннинг санаси (йил-ой-куни).

(2) Мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифи.

(3) Нархни келишув.

(4) Сотувчи ва олувчи ўртасида олди-бердининг бўлиб ўтганлиги.

(5) Мулкни сотиб олувчининг эрки ўзида эканлиги ва унинг кафолати.

(6) Сотилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

(7) Сотилган мулкка даъво қилувчиларга юкланажак жазо. Сотиб олувчининг зиён кўрмаслигига кафолат берилиши.

(8) Сотилаётган ернинг чегараси.

(9) Сотилаётган ерга қўшимча солиқларнинг йўқлиги.

(10) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

(11) Васиқага қўйилаётган тамға ва белгилар кимларга тегишли экани.

(12) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

Буларни №5- васиқа компонентлари билан қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади (илғаш қулай бўлсин учун матннинг ҳозирги ўзбекчадаги вариантини келтирамиз):

Комп.	№2- васиқа	№5- васиқа
(1)	<i>Қуён йили, ўн биринчи ойнинг</i>	<i>Тўнғиз йили, олтинчи ойнинг еттинчи куни</i>
(2)	<i>менга, Ўзмишга, Тугалга, биз иккимизга кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Тайку ўзан (бўйида)ги олачуқ [чодир] ...қ... еримизни олачуқи билан қўшиб Баса Тўғрилга узил-кесил сотдик.</i>	<i>менга, Яри Тўғрилга ... кумуш керак бўлиб, Кимзун отли жориямни эллик ситир кумуш тангага Иначига узил-кесил сотдим.</i>
(3)	<i>Бўзнинг нархини шундай келишдик: Лукчунг бозорида ўтадиган имзоли-тамғали йигирма уч тўп бўзга кесишдик.</i>	
(4)	<i>Бу йигирма уч (тўп) бўзни ҳужжат тузилган куни мен, Баса Тўғрил тугал бердим. Биз,</i>	<i>Бу жориянинг нархи кумушни ҳужжат тузилган куни мен, Иначи</i>

	(Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал олдик.	тугал санаб бердим. Мен, Ярп Тўғрил ҳам тугал санаб олдим.
(5)	Бугундан бошлаб бу ер уза минг туман йилга қадар Баса Тўғрил эғалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, ўзга кишига сотиб юборсин.	Бу жория уза қанчагача истаса, Иначи эркли бўлсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин.
(6)	Биз, иккимизнинг акамиз-инимиз, туғишганларимиз, яна бошқа кимсалар даъво қилмасин, сўрамасин-истамасинлар [талаб қилмасинлар]. Сўровчи-истовчилар [талаб қилувчилар]нинг сўзи ўтмасин.	Бу жория йўлида мен, Ярп Тўғрил ... акам-иним, туғишган-қариндошим, амаки-тоғаларим, ким бўлса-да, даъво қилмасинлар.
(7)	Яна бирор кимса ҳуқумдор бек кучига таяниб, тортиб оламан десалар, бу ўзан бўйидан бу ерга тенг келадиган икки ер яратиб бериб, кейин қайтариб олсин. Тортиб олувчи киши зарар кўрсин, Баса Тўғрил зарар кўрмасин.	Агар бирор кимса даъво қилгудек бўлсалар, бу жорияга тенг икки жория топиб бериб, кейин, тортиб олсинлар. Юлиб олувчи киши зиён кўрсин, бу битигни тутғучи Иначи зиён кўрмасин.
(8)	Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Бурхан Қулининг буғдой гарами; жануб тарафдан улуг йўл; гарб тарафдан Тангутнинг ери; тоғ тараф[шимол тараф]дан Буянчуқнинг буғдой гарами айиради.	
(9)	Бу ернинг бирор бир божи-тўлови йўқ.	
(10)	Гувоҳ – Суван тутуқ, гувоҳ – Куч Бағлиг, гувоҳ – Бурхан Қули, гувоҳ – Важир Тўнга.	Гувоҳ – Элиг, гувоҳ – Тақичуқ, гувоҳ – Тарим ... гувоҳ – Тўпула.
(11)	Бу тамга биз, Ўзмишники,	Бу тамга меникидир.

	<i>Тугалники, иккимизникидир.</i>	
(12)	<i>Мен, Чикуй Тунг сураб туриб [уларнинг айтгани буйича] ёздим.</i>	<i>Мен, Эдгу Тугрил битдим.</i>

Энди юқоридаги тартибда оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг гувоҳлар олдида олди-бердиларидан узилишгани тўғрисидаги №6- васиқа ҳамда Қайимтунинг ерини тариқ экиш учун ижарага берилгани тўғрисидаги №8- васиқани компонентлари буйича ўзаро солиштириб чиқайлик. Жумладан, №6- васиқанинг компонентлар тизими тубандагича:

(1) Васиқа тузилган куннинг санаси (йил-ой-куни).

(2) Васиқа туздирётган кишиларнинг исми-шарифи.

(3) Оға-инилар гувоҳлар олдида бир-бирининг қарзидан узилишгани.

(4) Ўзмиш Тўғрил бундан кейин кимларнингдир кучига таяниб, қарзни даъво қилгудек бўлса, қонундаги жазога рози эканлиги.

(5) Олди-бердини кузатиб турган гувоҳларнинг исми-шарифи.

(6) Васиқани битувчи кимсанинг исми-шарифи.

(7) Васиқага урилган тамға кимга тегишли экани.

№8- васиқа ерни ижарага олиш тўғрисида, шунинг учун унинг компонентлари бир оз фарқли: иккинчи компонентда Темурга экин майдони керак бўлганлиги таъкидланган; учинчисиди ижарага ер берилгани; тўртинчи компонентда ердан чиққан ҳосил тенг тақсимланажаги ва солиқлар биргаликда тўланажаги тўғрисида сўз боради. Ва охириги икки компонентнинг ўрни алмашади: аввал тамғанинг кимга тегишлилиги, кейин эса хат тузувчи кимса қайд этилган.

Шундай қилиб, юқоридаги васиқаларнинг компонентлари ўзаро қиёсланса, қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўзга ташланади:

	№6- васиқа		№8- васиқа
(1)	<i>От йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куни</i>	(1)	<i>От йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куни</i>

(2)	мен, Ўзмиш Тўғрил иним Баса Тўғрил билан		
		(2)	менга, Темурга тариқ экадиган ер керак бўлиб,
(3)	Олиш-бериш тўғрисида Қитай ялавач, Алп Турмишларнинг олдида сўзлашиб олим-беримимизни узишдик.		
		(3)	Қайимтунинг Сиқаидаги Элчи билан улушда менга теккан ярим ангиз ер, яъни юқориликдаги ерни Мисирга бериб, қуйилиқдаги ярим ангиз ерни ишлашга бердим.
		(4)	Бу ерга қанча уруғ кетса, иккимиз тенг улашиб оламиз. Олим-берим келса, ҳар иккимиз устимизга олиб, тенг топширамыз.
(4)	Мен, Ўзмиш Тўғрил бундан кейин Баса Тўғрил билан қайсидир кимсанинг кучига таяниб, даъво қилгудек бўлсам, қонундаги жазога розиман.		
(5)	Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ – Ярп Тўғрил.	(5)	Гувоҳ – Эшкакчи, гувоҳ – Сенга.
(6)	Мен, Бачақ Ўзмиш Тўғридан сўраб туриб [унинг айтгани буйича] ёздим.	(6)	Бу нишон мен, Темурникидир.
(7)	Бу тамга мен, Ўзмиш Тўғрилникидир.	(7)	Мен, Қайимту Темурга айтиб [Темурнинг айтиб тургани буйича], ўзим ёздим.

МАТНЛАР

1

Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқа. Матн 25 қаторли бўлиб, бир варақ қоғознинг икки бетига битилган. Хужжат уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган (QUV, 144–149).

Матн транскрипцияси:

- (1) Ud yil, bir y(i)g(i)rmĩnç ay, y(i)g(i)rmikā biziñā – Ozmiš Toğrĩl-
- (2) qa, Tügālkā, yuñlaqlıq böz kergāk bolup, Čöküdäki yer-
- (3) im(i)zni Eniçük eçikā tuğuru-tumlıtu satdı̄m(i)z. Safığ
- (4) (b)özin (ĩnça sözlāš)tim(i)z: Lükçüñ kedini yorır šuu-
- (5) luğ-t(a)mğ(a)lığ yüz yetmiš ikilig yoğan bözka kesiš-
- (6) tim(i)z. Bu yüz yetmiš bözüg bitig qılmıš kün üzä
- (7) men, Eniçük, tügäl berdim. Biz, Ozmiš Tügäl birlä bir
- (8) eksüsüz tügäl aldım(i)z. Bu күntä ĩnaru bu yer üzä miñ
- (9) tümän yılqa tegi Eniçük erklig bolsun. Taplasar,
- (10) özi tutsun, taplamasar, a(dĩ)n kişikā ötkürü satsun.
- (11) Biz ikägünüñ eçim(i)z-inim(i)z, qam(i)z-qadašim(i)z, adĩn y(e)mä kim
- (12) qayu kiši çam-çarim qılmasun, ayıtmasun, istämäsünlär.
- (13) ayıt(i)ğlĩ, ist(ä)gli ösärlär, sawlarĩ yorımasun. Taqĩ bir-ök
- (14) erklig beg iši-küçin tutup, alayin-yulayin tesärlär, bu-
- (15) oq ögäntä bu yer t(e)nginçä iki yer yaratu berip,
- (16) yulup alsun. Yuldaçĩ kiši qorluğ bolsun, Eniçük eçi qor-
- (17) suz bolsun. Bu yerniñ siçisi: öñdün yıñaq Beki, Baçaq,
- (18) olarniñ ögän; күntün yıñaq Turmiš tuduñnuñ
- (19) yer; kedin yıñaq yol; tağdĩn yıñaq Bekiniñ, Baçaq-
- (20) niñ yer adırar. Bekiniñ, Baçaqniñ qarlı yoli bu yer-
- (21) niñ adaq-atıziniñ içintä-ol. Bu yerniñ nekü y(e)mä irt-
- (22b) i-berti yoq. Tanuq – Tarlıq tuduñ, tanuq –

(23b) *Tüzüg, tanuq – Temirçi Elçük. Bu tamğa biz – Ozmišniñ, Tügälniñ,*

(24b) *ikigünüg-ol. Men, Ćiküy Toñ ayıtıp bitidim.*

(25b) *Ćöküdäki yerniñ bitigi-ol.*

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

1- қаторда: *bir y(i)g(i)rminĉ ay* – икки хонали санокнинг эскича айтилиши, “ўн биринчи ой” дегани.

2- қаторда: *yunqlaqlıq böz* – “ишлатиладиган”, яъни “кийим-кечак тикиладиган бўз; кийим-кечаклик бўз” кўзда тутилмоқда. *Yunqlaqlıq* сўзи дон-дунга қарата ишлатилса, “сепиш учун; сочиш учун” деб ўгирилади.

Ćöküdäki – *Чуку ўзани ёқасидаги*, деб талқин килиш мумкин. Чунки 15- қаторда бунинг ўрнида *bu-oq ögäntä ... (худди шу ўзанда ...)* дея таъкидланган.

3–4- қаторларда: *Satıĉ bözin inĉa sözläštım(i)z* – бўзнинг баҳосини шундай келишдик; *sözläštım(i)z* – “келишдик” маъносидадир.

15- қаторда: *bu yer t(e)nginĉä iki yer yaratu berip* – бу ерга тенг икки ер яратиб бериб, яъни ажратиб бериб, маъносида.

15-, 18- қаторларда: *ögän* – сув, ўзан (ДТС,379).

20- қаторда: *Bekiniñ, Baĉaqniñ qanli yoli* – Беки ва Бачақнинг арава юрадиган йўли кўзда тутилмоқда.

21- қаторда: *atiz* – икки ариқ ўртасидаги экин майдони (ДТС,67); *adaq-atiziniñ iĉintä-ol* – этакдаги атизнинг ичидадир.

25b- қаторда: *Ćöküdäki yerniñ bitigi-ol.* – Бу жумла ҳужжатнинг Чўкудаги ер бўйича тузилганлигига ишора қилади.

Битигнинг мазмуни:

(1) Сигир йили, ўн биринчи ойнинг йигирманчисида бизга – Ўзмиш Тўғрил-

(2) га, Тугалга, кийим-кечаклик бўз керак бўлиб, Чўкудаги ер-

(3) имизни Эничук акага узил-кесил сотдик. Бўзнинг

МАТНЛАР

1

Ўзмиш Тўғрил ва Тугалнинг Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисидаги васиқа. Матн 25 қаторли бўлиб, бир варақ қоғознинг икки бетига битилган. Хужжат уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган (QUV,144–149).

Матн транскрипцияси:

- (1) Ud yil, bir y(i)g(i)rminč ay, y(i)g(i)rmikā biziñā – Ozmış Toğril-
- (2) qa, Tügälkä, yunlaqlıq böz kergäk bolup, Čöküdäki yer-
- (3) im(i)zni Eničük ečikā tuğuru-tumlitu satdim(i)z. Satıg
- (4) (b)özin (inča sözläš)tim(i)z: Lükčünj kedini yorir šuu-
- (5) luğ-t(a)mğ(a)lıg yüz yetmiş ikilig yoğan bözkä kesiš-
- (6) tim(i)z. Bu yüz yetmiş bözüg bitig qılmış күn üzä
- (7) men, Eničük, tügäl berdim. Biz, Ozmış Tügäl birlä bir
- (8) eksügsüz tügäl aldım(i)z. Bu күntä inaru bu yer üzä miñ
- (9) tümän yilqa tegi Eničük erklig bolsun. Taplasar,
- (10) özi tutsun, taplamasar, a(đi)n kişikā ötkürü satsun.
- (11) Biz ikägününj ečim(i)z-inim(i)z, qam(i)z-qadašim(i)z, adin y(e)mä kim
- (12) qayu kiši čam-čarim qılmasun, ayitmasun, istämäsünlär.
- (13) ayit(i)gli, ist(ä)gli ösärklär, sawları yorımasun. Taqı bir-ök
- (14) erklig beg işi-küčin tutup, alayın-yulayın tesärklär, bu-
- (15) oq ögäntä bu yer t(e)nginčä iki yer yaratu berip,
- (16) yulup alsun. Yuldači kiši qorluğ bolsun, Eničük eči qor-
- (17) suz bolsun. Bu yerniñ sičisi: öñdün yıñaq Beki, Bačaq,
- (18) olarniñ ögän; күntün yıñaq Turmiş tuduñnuj
- (19) yer; kedin yıñaq yol; tağdın yıñaq Bekiniñ, Bačaq-
- (20) niñ yer adırar. Bekiniñ, Bačaqniñ qañlı yolı bu yer-
- (21) niñ adaq-atıziniñ ičintä-ol. Bu yerniñ nekü y(e)mä irt-
- (22b) i-berti yoq. Tanuq – Tarlıq tuduñ, tanuq –

- (4) нархини (шундай битиш)дик: Лукчунинг бозорида ўтадиган имзо-
- (5) ли-тамғали юз етмиш тўп қалин бўзга кесиш-
- (6) дик. Бу юз етмиш (тўп) бўзни ҳужжат тузилган куни
- (7) мен, Эничук, бутунлай бердим. Биз, Ўзмиш билан Тугал сира
- (8) қолдирмай, тугал олдик. Бугундан бошлаб бу ер уза минг
- (9) туман йилга қадар Эничук эгалик қилсин. Истаса,
- (10) ўзи тутсин, истамаса, ўзга кишига сотиб юборсин.
- (11) Биз иккимизнинг ака-укамиз, туғишганларимиз, яна бошқа кимса-
- (12) лар даъво қилмасин, сўрамасин-истамасинлар [талаб қилмасинлар].
- (13) Сўровчи-истовчилар [талаб қилувчилар]нинг сўзи ўтмасин. Яна бирор кимса
- (14) ҳуқумдор бек кучига таяниб, тортиб оламан десалар, бу
- (15) ўзан бўйидан бу ерга тенг икки ер яратиб бериб,
- (16) кейин қайтариб олсин. Тортиб олувчи киши зарар кўрсин, Эничук ака зарар
- (17) кўрмасин. Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдан Беки, Бачак,
- (18) уларнинг ўзани, жануб тарафдан Турмиш тудунгнинг
- (19) ери, ғарб тарафдан йўл, тоғ [шимол] тарафдан Бекининг, Бачак-
- (20) нинг ери айиради. Бекининг, Бачакнинг арава йўли бу ер-
- (21) нинг этагидаги атизнинг ичидадир. Бу ернинг ҳеч қандай божи-
- (22b) берими йўқ. Гувоҳ – Тарлиқ тудунг, гувоҳ –
- (23b) Тузуг, гувоҳ – Темирчи Элчук. Бу тамға биз – Ўзмишнинг, Тугалнинг,
- (24b) иккимизникидир. Мен, Чикуй Тўнг сўраб туриб [уларнинг айтганлари бўйича] ёздим.
- (25b) (Бу) Чўкудаги ернинг ҳужжатиدير.

Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини бўз эвазига Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тузилган васиқа. Хужжат уйғур олимлари томонидан чоп этирилган (QUV,140–144).

Матн транскрипцияси:

- (1) Tawışğan yil, bir y(i)g(i)rminč ay, meñä,
- (2) (O)zmışqa, Tügälkä, biz i(kigükä) yunlaqlıq böz ker(gäk)
- (3) (bo)lup, Täykü ögändäki alaču ...q... y(erim(i)zni)
- (4) alačusı birlä Basa Toğrıl(qa tuğur)u-tumlutu sattım(ı)z.

(Satıǵ)

- (5) bözüg inča sözläşdim(i)z: Lükčüñ kedinintä yorir şuu-
- (6) luğ-tamğalıǵ üç ot(uz ikil)ik böziñä kesişdim(i)z. Bu
- (7) üç otuz bözüg bitig qılmıš kün üzä men, Basa
- (8) Toğrıl tügäl berdim. Biz, (Ozmış) Tügäl birlä bir eksügsüz

tügä(l)

- (9) (aldı)m(ı)z. Bu (kü)ntä in(aru bu yer) üzä miñ tımän yılqa

tegi

- (10) Basa Toğrıl erklig bolsun. Taplasar, özi tutsun, taplama-
- (11) sar, adın kişikä öt(kürü) satsun. Biz, ikigünün
- (12) eçim(i)z-inim(i)z, qam(ı)z-qadaşım(ı)z, adın y(e)mä kim

qayu kişi çam-

- (13) çarım qılmasun, ayıtmasun, (is)tämästünlär. Ayit(ı)ǵlı-istägli
- (14) ösärlär, (sawları yorımasun). Taqı bir-ök erklig beg
- (15) işi-küçin tutup, alayın-yulayın tesärlär, bu-oq
- (16) ögäntä bu yer teñi(n)čä iki yer yaratu berip, yulup alsun.
- (17) Yultaçı kişi qorluğ bolsun, (B)asa Toğrıl qorsuz bolsun. Bu

yer-

- (18) niñ siçisi: öñdün yıñaq Burxan Quliniñ örtgün;
- (19) kündin yıñaq uluğ yol; kedin yıñaq Tañutnuñ yer;
- (20) tağdın yıñaq Buyančuqnuñ örtgün adırar. Bu yerniñ
- (21) nekü y(e)mä irti-berti yoq. Tanuq – Suwan tutuq, tanuq –

(22) Küç Bağlığ, tanuq – Burxan Qulı, tanuq – Wažir Toņa. Bu tamğa

(23) biz, Ozmışniñ, Tügälniñ, ikigünüñ-ol. Men, Čiküy Toņ ayıtıp bitı(di)m.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изохи:

3–4- қаторларда: *alaču* – олачук, чодир.

4–5- қаторларда: (*Satiğ*) *bözüg inča sözläšdim(i)z* – “бўзнинг нархини шундай келишдик” маъносида.

7- қаторда: *bitig qilmış kün üzä* – хужжат тузилган куни.

12- қаторда: *qam(i)z* – “туғушганимиз” (<*qa* – “қорин” сўзидан); *qadašim(i)z* – “қариндошимиз” (<*qadaš* – “қариндош” сўзидан); *qam(i)z-qadašim(i)z* – “туғушганларимиз” дегани.

15- қаторда: *alayin-yulayin tesärlär* – тортиб оламан, десалар, яъни тортиб олмоқчи бўлсалар.

18-, 20- қаторларда: *örtgün* – арпа, буғдой ғарами.

Битигнинг мазмуни:

(1) Қуён йили, ўн биринчи ойнинг менга,

(2) Ўзмишга, Тугалга, биз иккимизга кийим-кечаклик бўз керак

(3) бўлиб, Тайку ўзан (бўйида)ги олачук [чодир] ...к... еримизни

(4) олачуқи билан қўшиб Баса Тўғрилга узил-кесил сотдик. Бўзнинг

(5) нархини шундай келишдик: Лукчунг бозорида ўтадиган имзо-

(6) ли-тамғали йигирма уч тўп бўзга кесишдик. Бу

(7) йигирма уч (тўп) бўзни хужжат тузилган куни мен, Баса

(8) Тўғрил тугал бердим. Биз, (Ўзмиш) Тугал билан сира қолдирмай, тугал

(9) олдик. Бугундан бошлаб бу ер уза минг туман йилга қадар

(10) Баса Тўғрил эгалик қилсин. Истаса, ўзи тутсин, истама-

- (11) са, ўзга кишига сотиб юборсин. Биз, иккимизнинг
 (12) акамиз-инимиз, туғишганларимиз, яна бошқа кимсалар
 даъво
 (13) қилмасин, сўрамасин-истамасинлар [талаб
 қилмасинлар]. Сўровчи-истовчилар [талаб қилувчилар]нинг
 (14) сўзи ўтмасин. Яна бирор кимса ҳуқумдор бек
 (15) кучига таяниб, тортиб оламан десалар, бу
 (16) ўзан бўйидан бу ерга тенг келадиган икки ер яратиб
 бериб, кейин қайтариб олсин.
 (17) Тортиб олувчи киши зарар кўрсин, Баса Тўғрил зарар
 кўрмасин. Бу ер-
 (18) нинг чегараси: шарқ тарафдан Бурхан Қулининг буғдой
 ғарами;
 (19) жануб тарафдан улуғ йўл; ғарб тарафдан Тангутнинг
 ери;
 (20) тоғ тараф[шимол тараф]дан Буянчукнинг буғдой ғарами
 айиради. Бу ернинг
 (21) бирор бир божи-тўлови йўқ. Гувоҳ – Суван тутук,
 гувоҳ–
 (22) Куч Бағлиғ, гувоҳ – Бурхан Қули, гувоҳ – Важир Тўнга.
 Бу тамға
 (23) биз, Ўзмишники, Тугалники, иккимизникидир. Мен,
 Чикуй Тўнг сўраб туриб [уларнинг айтгани бўйича] ёздим.

3

Йиг Буртнинг ўз ерини Қутлуғ Таш отли кимсага хатлаб
 бергани тўғрисидаги васиқа. Хужжат уйғур олимлари
 томонидан чоп эттирилган (QUV,122–127).

Матн транскрипцияси:

- (1) Qoyn yǝl, aram ay, bir yaŋıqa men, Qaranıŋ Yig Bürt (?)
 (2) yuŋl(a)qlıq t(a)war k(e)rgäk bolup, adın b(e)rgüm yoq ücün
 (3) kedin qırata Qazı Kitrin(?)tä eçim Qançuq bilä tüz

- (4) ülüšlüg iç (üç?) šiğ yerim atı Qutluğ Taşqa tuğuru-
 (5) tumlıtu sa(t)đım. Satığ qunpusın inča sözläštımız: üç
 (6) yüz beš otuz qunpuqa üzüstüm(i)z. Bu bitig qılmıš kün
 (7) üzä men Qutluğ Taš üç yüz beš otuz qunpunı bir
 (8) eksügsüz tügäl s(a)n(a)p berdim. Men, Yig y(e)mä tügäl
 s(a)nap

- (9) aldım. Bu yerniñ sičisi: örü yıñaq ögän adırar. Öñ-
 (10) dün yıñaq Toyıçaq (?) yeri adırar. Qudı yıñaq ögän
 (11) Lusay yeriñä barğu ögän adır(a)r. Kedin yıñaq Yanyaq (?)
 (12) İnal yeri adırar. Bu tört sičilıg yer üzä miñ
 (13) yıl tüm(ä)n künkä tegi Qutluğ Taš erklig bolsun. Taplasar,
 (14) özi tarısun, taplamasar, adın kişikä ötkürü satsun.
 (15) Men, Yig Bürtnüñ inim-eçim, qam-qadašim ayıtmasun,
 (16) istämästün. Taqı bir-ök erklig beg işi-küçin tutup
 (17) qam küç qılıp, yul(i)gli-al(i)gli saqınsarlar, bu-oq
 (18) ögäntä oq yer teñinčä yer Qutluğ Tašqa yaratu
 (19) berip, alsunlar. Bu bitig tuta, Qutluğ Taš qorsuz
 (20) bolsun. Men, Yig Bürtnüñ inim-eçim, qam-qadašim
 (21) qorluğ bolsunlar. Tanuq – Beg Er sanun, tanuq – Böñä (?),
 (22) tanuq – Sünüş. Bu tamğa men, Yig Burtnüñ-ol.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

2- қаторда: *adın b(e)rgüm yoq üçün* – бошқа берар нарсам йўқлиги учун.

13–14- қаторларда: *Taplasar, özi tarısun* – “истаса, ўзи экин эксин” маъносида; *tari* – феъл, “экин экмак”, *tariğ* эса “экин; дон-дун” бўлади.

15- қаторда: *qam-qadašim* – “туғушганларим” маъносида.

17- қаторда: *yul(i)gli-al(i)gli saqınsarlar* – “(ерни) тортиб олишга урунсалар” маъносида.

Битигнинг мазмуни:

(1) Кўй йили, арам ойининг биринчи куни мен, Қаранинг (ўғли) Йиг Буртга (?)

(2) ишлатиш учун тавар керак бўлиб, бошқа берадиган нарсам бўлмагани учун

(3) орқа (ғарб) қирдаги Қазии Китрин (деган жой)да акам Қанчуқ билан тенг

(4) улушли уч сиғ еримни Қутлуғ Ташга узил-

(5) кесил сотдим. Нархини шундай келишдик: уч

(6) юз йигирма беш кунпуга узишдик. Бу ҳужжат тузилган кун-

(7) да мен, Қутлуғ Таш уч юз йигирма беш кунпуни сира

(8) колдирмай, тугал санаб бердим. Мен, Йиг ҳам тугал санаб

(9) олдим. Бу ернинг чегараси: шимол тарафдан ўзан айиради. Шарқ

(10) тарафдан Тўйичақ(нинг) ери айиради. Қуйи (жануб) тарафдан ўзан, (яъни)

(11) Лусай ерига борадиган ўзан айиради. Ғарб тарафдан Янйқ (?)

(12) Инал ери айиради. Бу тўрт ёғи чегараланган ер уза минг

(13) йил, туман кунга қадар Қутлуғ Таш эгалик қилсин. Истаса,

(14) ўзи экин эксин, истамаса, бошқа кишига сотиб юборсин.

(15) Мен, Йиг Буртнинг иним-акам, туғушганларим сўрамасин,

(16) талаб қилмасин. Яна бирор кимса ҳуқумдор бек кучига таяниб

(17) зўрлик қилиб, ерни қайтариб олмоқчи бўлса, худди шундай

(18) ўзан бўйидаги ерга тенг келадиган ерни Қутлуғ Ташқа яратиб

(19) бериб, кейин олсинлар. Бу ҳужжатни тутувчи, Қутлуғ Тош зиён

(20) кўрмасин. Мен, Йиг Буртнинг иним-акам, туғишган-қариндошларим (даъво қилғудек бўлсалар)

(21) зиён кўрсинлар. Гувоҳ – Бег Эр сангун, гувоҳ – Бўнга (?),

(22) гувоҳ – Сунгуш. Бу тамға мен, Йиг Буртникидир.

4

Мауси Эдгу билан Бек Ўғулнинг Тўйинчуғ отли кимсага ер сотганлиги тўғрисидаги васиқа. Хужжат уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган (QUV, 149–153).

Матн транскрипцияси:

- (1) Yund yil, törtünç ay, sekiz y(a)ñıça (?)
- (2) biziñgä, Mausı Edgü, Beg Oğulqa,
- (3) biz ikägükä yunlaqlıq kümüş k(e)rgäk
- (4) bolup, ögüz içintäki açğu öläñ-
- (5) ni Toyinçuğqa toquz sötir kümüşkä
- (6) sibilqasar üskintä tuğru-tumlutu satdim.
- (7) Bu yerniñ sičisi: öñdün yıñaq sičisi
- (8) ögän adırar; küntün yıñaq sičisi
- (9) Toyinçuğniñ açmiş yer adırar; kedin
- (10) yıñaq sičisi ögän adırar; tağdın
- (11) yıñaq sičisi say adırar. Bu tört
- (12) siči içindäki yerkä miñ yil, tümän
- (13) künkä tegi Toyinçuğ erklig bolsun.
- (14) Taplasar, özi tutsun, taplamasar,
- (15) adın kişikä ötkürü satsun. Biz,
- (16) ikägüniñ inimiz-eçimiz, qamiz-qadaş-
- (17) imiz çamlamasun. Kim ... erklig beg
- (18) işi-küçün tutup, çamlasar, bu-oq
- (19) yer teñlig iki yer berip, alsun-
- (20) lar, yulsunlar. Yulğuçi qorluğ bolsun,
- (21) Toyinçuğ qorsuz bolsun. Tanuq - Küräk,
- (22) tanuq – Tatar, tanuq – (N)içän (?). Bu tamğa biz,
- (23) ikägüniñ-ol. Men Taşıq Toñ

(24) *inčkä ayıttır bitidim.*

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

3- қаторда: *yunqlaqlıq* – бу ўринда “ишлатиш учун” англамида.

5- қаторда: *sitir* – кумуш ўлчов бирлиги.

9- қаторда: *Toyınçıǵınıñ ačtıš yer* – Тўйинчуғ ўзлаштирган ер, кўрик.

24- қаторда: *inčkä ayıttır bitidim* – “сўзма-сўз сўраб ёздим” маъносида.

Битигнинг мазмуни:

(1) От йили, тўртинчи ойининг саккизинчи кунида

(2) бизга, Мауси Эдгу, Бег Оғулга,

(3) биз иккимизга ишлатиш учун кумуш керак

(4) бўлиб, дарё ичидаги очадиган ўланг-

(5) ни Тўйинчуғга тўққиз ситир кумушга

(6) Сабилқасарнинг олдида узил-кесил сотдим.

(7) Бу ернинг чегараси: шарқ тарафдаги чегараси

(8) ўзан айиради; жануб тарафдаги чегараси

(9) Тўйинчуғнинг очган ери айиради; ғарб

(10) тарафдаги чегараси ўзан айиради; тоғ [яъни шимол]

(11) тарафдаги чегараси сой айиради. Бу тўрт

(12) чегара ичидаги ерга минг йил, туман

(13) кунга қадар Тўйинчуғ эгалик қилсин.

(14) Истаса, ўзи тутсин, истамаса,

(15) бошқа кишига сотиб юборсин. Биз,

(16) иккимизнинг инимиз-акамиз, туғишган-

(17) ларимиз даъво қилмасин. Ким ... ҳуқумдор бег

(18) кучига таяниб, даъво қилғудек бўлса, бу

(19) ерга тенг келадиган икки ер бериб, (кейин) олаверсин-

(20) лар. Тортиб олувчи зарар кўрсин,

(21) Тўйинчуғ зарар кўрмасин. Гувоҳ – Курак,

(22) гувоҳ – Татар, гувоҳ – Ничан (?). Бу тамға биз,

(23) иккимизникидир. Мен Ташиқ Тўнг

(24) сўзма-сўз сўраб ёздим.

5

Ярп Тўғрилнинг ўз жориясини Иналга эллик танга кумушга сотганлиги бўйича тузилган васиқа. Ҳужжат уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган (QUV,190–193).

Матн транскрипцияси:

(1) (Тоғ)uz yil, (al)t(i)(n)č ay, yeti yañıqa meñä, Y(a)rp Toğrılqa

(2) ... kümüş k(e)rgäk bolup, Kimzün atl(i)ğ ebči-qarabašim-

(3) nı elig s(i)tır yarmaq kümüşkä İnäčikä tuğru-tumli(tu)

(4) (sat)dım. Bu qarabaš s(a)tığı kü(m)üşni bitig qılmıš kün

(5) üzä men, İnäči tügäl sanap berdim. Men, Y(a)rp Toğrıl y(e)mä

(6) tügäl sanap aldım. Bu qarabaš üzä nečäkä tegi İnäči

(7) erkl(ig) bolsun. Tap(lasar), özi tutsun, taplamasar, (a)d(in) kiši-

(8) kä ötkürü s(a)tsun. Bu qarabaš yolınta men, (Y(a)r)p To(ğrıl)

(9) ... ečim-inim, tuğmıšim-qadašim, yegänim-tağayı(m),

(10) kim qayu č(a)m-čarım (qılma)sunlar. Apam bir-ök čam-čarım

(11) q(i)lsar)lar, bu qarabaš teñinčä iki qarabaš yaratu ber(ip),

(12) yulup alsun. Yuldači kiši qorluğ bolsun, bu bitig tut(a)

(13) İnäči qorsuz bolsun. Tanuq – Elig, tanuq – Taqıčuq, tanuq – Tarım ...

(14) tanuq – Topula. Bu t(a)mğa m(eni)ñ-ol. Men, Edgü Toğrıl aytıp bitidim.

(15) Тоғуз yil, altınč ay, on yañıqa men, Y(a)rp Toğrıl Kimzün

(16) atl(i)ğ qarabaš s(a)tığı elig s(i)tır yarmaq kümüşüg İnäči-

(17) din tügäl aldım. Tanuq – Taqıčuq. Bu t(a)mğa meniñ-ol. Men, Edgü Toğrıl bitidim.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

2- қаторда: *ebči-qarabaš* – жория, қорабош.

3- қаторда: *yarmaq kümüš* – кумуш танга.

4-, 16- қаторларда: *qarabaš s(a)tiği* – жориянинг нархи, баҳоси.

6- қаторда: *pečäkä tegi* – “қанча вақт истаса; қанча хоҳласа” маъносида.

11- қаторда: *bu qarabaš teñinčä iki qarabaš yaratu ber(ip)* – “бу жорияга тенг икки жория топиб бериб” маъносида.

Матн мазмуни:

(1) Тўнғиз йили, олтинчи ойининг еттинчи куни менга, Ярп Тўғрилга

(2) ... кумуш керак бўлиб, Кимзун отли жориям-

(3) ни эллик ситир кумуш тангага Иначига узил-кесил

(4) сотдим. Бу жориянинг нархи кумушни ҳужжат тузилган куни

(5) мен, Иначи тугал санаб бердим. Мен, Ярп Тўғрил ҳам

(6) тугал санаб олдим. Бу жория уза қанчагача истаса, Иначи

(7) эркли бўлсин. Истаса, ўзи тутсин, истамаса, бошқа киши-

(8) га сотиб юборсин. Бу жория йўлида мен, Ярп Тўғрил

(9) ... акам-иним, туғишган-қариндошим, амаки-тоғаларим,

(10) ким бўлса-да, даъво қилмасинлар. Агар бирор кимса даъво

(11) қилгудек бўлсалар, бу жорияга тенг икки жория топиб бериб,

(12) кейин, тортиб олсинлар. Юлиб олувчи киши зиён кўрсин, бу битигни тутгучи

(13) Иначи зиён кўрмасин. Гувоҳ – Элиг, гувоҳ – Тақичук, гувоҳ – Тарим ...

(14) гувоҳ – Тўпула. Бу тамға меникидир. Мен, Эдгу Тўғрил айтганлари бўйича ёздим.

(15) Тўнғиз йил, олтинчи ойининг ўнинчи куни мен, Ярп Тўғрил Кимзун

(16) отли жориянинг нархи эллик ситир кумуш тангани
Иначи-

(17) дан тугал олдим. Гувоҳ – Тақичук. Бу тамға меникидир.
Мен, Эдгу Тўғрил битдим.

6

Оға-ини Ўзмиш Тўғрил билан Баса Тўғрилнинг гувоҳлар олдида олди-бердиларидан узилишгани тўғрисидаги васиқа. Хужжат уйғур олимлари томонидан чоп эттирилган (QUV,340–342). Ўзмиш Тўғрил ўз иниси Баса Тўғридан кўра Тугал билан шериклик қилишни маъқул топган кўринади. Хужжатнинг мазмунига қараганда, оға-инилар ўртасига совуқчилик тушган. Ҳатто улар орадаги қарзларини ҳам гувоҳлар олдида узилишмоқда. Шерикчиликдаги бундан бошқа ишлари ҳам бегоналар билан кечган. Бунинг далили ўлароқ, № 1- васиқа Ўзмиш Тўғрилнинг Тугал билан биргаликда Чўкудаги ерларини Эничук акага хатлаб берганлари тўғрисида, № 2- васиқа эса Ўзмиш билан Тугалнинг ўз ерини бўз эвазига Баса Тўғрилга хатлаб берганлари тўғрисида тuzилган.

Матн транскрипцияси:

- (1) Тоғуз yil, onunč ay, altı y(i)g(i)rmi-
- (2) kã men, Ozmış Toğrıl inim Basa
- (3) Toğrıl biläki ališ-beriš tıltağ-
- (4) inta Qıtay yalawač, Alp Turmiş
- (5) olar üskintä tišip altm-berim
- (6) üzüştümüz. Men Ozmış Toğrıl
- (7) kin öñdün Basa Toğrılqa
- (8) kimniñ, qayuniñ küčin
- (9) tutup čam-čarım qılsar-men,
- (10) yasadaqı qiyınqa tegir-
- (11) men. Tanuq – Alp Turmiş, tanuq –
- (12) Y(a)rp Toğ[r]il. Men, Bačaq Ozmış

(13) Тоғ[r]ılқа айытп bitidim.

(14) Bu tamğa men, Oz[miš] Тоғrılññ-ol.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

1- қаторда: *alti y(i)g(i)rmikā* – икки хонали саноқнинг эскича айтилиши, “ўн олтинчи куни” дегани.

3- қаторда: *ališ-beriš* – “олди-берди” маъносида; 5- қаторда айни англамда *alim-berim* ишлатилган.

4- қаторда: *yalawač* – элчи; *Qitay yalawač* – Қитай элчи маъносида.

8- қаторда: *kimniñ, qayuniñ* – қайсидир кимсанинг, дегани.

10- қаторда: *yasa* – қонун; *qiyin* – жазо; *yasadaqi qiyinqa tegirmen* – қонундаги жазога розиман, дегани.

Битигнинг мазмуни:

(1) Тўнғиз йили, ўнинчи ойининг ўн олтинчи куни

(2) мен, Ўзмиш Тўғрил иним Баса

(3) Тўғрил билан олиш-бериш тўғри-

(4) сида Қитай ялавач, Алп Турмиш-

(5) ларнинг олдида сўзлашиб олим-беримимизни

(6) узишдик. Мен, Ўзмиш Тўғрил

(7) бундан кейин Баса Тўғрил билан

(8) қайсидир кимсанинг кучига

(9) таяниб, даъво қилғудек бўлсам,

(10) қонундаги жазога рози-

(11) ман. Гувоҳ – Алп Турмиш, гувоҳ –

(12) Ярп Тўғрил. Мен, Бачақ Ўзмиш

(13) Тўғрирдан сўраб туриб [унинг айтгани бўйича] ёздим.

(14) Бу тамға мен, Ўзмиш Тўғрилникидир.

Турмиш тигиннинг ўз узумзори, ери ҳамда у ердаги уй-жойларини Вапсутуга хатлаб бергани тўғрисидаги васиқа. У илк

бор хитой тилида чиқадиган “Lushi yanjiu” журналининг 1954 йил, 1- сонида чоп эттирилган эди. Ундан олиб, Д.И. Тихонов ўз китобида матн транскрипцияси ва русча таржимасини берган (Тихонов 1966,259–260). Лекин унинг нашрида матннинг ўқилиши ва талқинида хатоликлар бор. Хужжат уйғур олимлари томонидан ҳам чоп эттирилган (QUV,165–169).

Қуйида ўз талқинимиз бўйича матннинг ўқилиши ва мазмунини келтирамиз.

Матн транскрипцияси:

- (1) ... kā meŋǎ, Turmiš tiginkä Taydu-
- (2) ta yuŋlaqlıq čau yastuq kergäk bolup, Qočutaqı Qočıŋ apam
- (3) birläki küdägüm Tapmišqa ülüštä tegmiš qıra suwdun yerlärimni
- (4) ...
- (5) ...i ülüš bitigi birlä sekiz on yastuq čundun bau čauqa Wapsutu-
- (6) qa tuğuru-tumlıtu s(a)tdım. Bu č[ao]ni bitig qılmıš kün üzä
- (7) men, Wapsutu tügäl sanap berdim. Men, Turmiš tigin y(e)mä tügäl sanap
- (8) al(dı)m. Bu kündin mınča Tapmišniŋ ağası-inisi, yegän-tağayı,
- (9) kim-kim ma čam-čarım qılmasunlar. Apam bir-ök erklig beg
- (10) iši-küčün tutup, čam-čarım qılsarlar,
- (11) uluğ sütkä bir altun yastuq basıp, el begläriŋä edärkä
- (12) yarağu at berip, sözläri yorımasun. Bu kündin mınča bu borluq-
- (13) qa, yerkä-suwqa, ewkä-barqqa Wapsutu erklig bolsun.
- (14) Taplasar, özi tutsun, taplamasar, adın kişikä ötkürü satsun.
- (15) Čamlağučı kişi qoorluğ bolsun, Wapsutu qoorsuz bolsun.
- (16) Bu nišan men, Turmiš tiginniŋ-ol.
- (17) Bu nišan men Sewinč Toğrılniŋ-ol.
- (18) Bu nišan men, Taypudunıŋ-ol.
- (19) Bu nišan men, Wipsäniŋ-ol.
- (20) Bu nišan men, Sinsüniŋ-ol.

- (21) Bu nišan men, Töläkniñ-ol.
 (22) Bu nišan men, tanuq Tilgä Qıyanıñ-ol.
 (23) Bu nišan men, tanuq Temir Buqanıñ-ol.
 (24) Bu nišan men, tanuq Taysarıñ-ol.
 (25) Bu nišan men, tanuq Yolaşniñ-ol.
 (26) Bu nišan men, Ögrünç Buqanıñ-ol.
 (27) Men, Turbut Turmıš tigin äkämkä inčkä ayıtıp bitidim.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларнинг талқини:

6- қаторда: *tuguru-tumlitu sattim* – “узил-кесил сотдим”

маъносида.

çin bitig – чин, ишончли хужжат, *çin bitig qilmıš kün* – “ишончли хужжат тузилган кун” дегани.

11- қаторда: *uluğ süü* – улуғ кўшин. Бу атама орқали хон кўшини кўзда тутилмоқда.

Мазмуни:

- (1) ... менга, Турмиш тигинга Тайду-
 (2) да ўтадиган [ишлатилувчи, амал қилувчи] чау ястук керак бўлиб, Қўчудаги Қўчинг опам
 (3) билан куёвим Тапмишга улушда теккан суғориладиган ерларимни
 (4) ...
 (5) ...ни улуш битиги билан саксон ястук чунгдунг бау чауга Вапсуту-
 (6) га узил-кесил сотдим. Ушбу чин битиг тузилган куни
 (7) мен, Вапсуту тугал санаб бердим. Мен, Турмиш тигин ҳам тугал санаб
 (8) олдим. Шу кундан бошлаб Тапмишнинг оғаси-иниси, туғишганлари,
 (9) ҳеч кимса, (ундан) даъво қилмасинлар. Мабодо бирор кимса ҳукумдор бекнинг
 (10) кучига-амалига таяниб, (ундан олганларини) даъво қилғудек бўлсалар, (у ҳолда)

(11) улуғ кўшинга [хон кўшинига] бир олтин ястук бериб, юрт бекларига ишлатишга

(12) яроқли от берсинлар, (акс ҳолда уларнинг) сўзлари ўтмасин [инобатга олинмасин]. Шу кундан бошлаб бу узумзор-

(13) га, ер-сувга, уй-жойга Вапсуту эгалик қилсин.

(14) Истаса, ўзи тутсин, истамаса, ўзга кишига ўтказиб сотсин [сотиб юборсин].

(15) Даъво қилғучи киши зиён кўрсин, Вапсуту зиён кўрмасин.

(16) Бу нишон мен, Турмиш тигинниқидир.

(17) Бу нишон мен, Севинч Тўғрилниқидир.

(18) Бу нишон мен, Тайпудуниқидир.

(19) Бу нишон мен, Випсаниқидир.

(20) Бу нишон мен, Синсуниқидир.

(21) Бу нишон мен, Тўлакниқидир.

(22) Бу нишон мен, гувоҳ Тилга Қияниқидир.

(23) Бу нишон мен, гувоҳ Темир Буқаниқидир.

(24) Бу нишон мен, гувоҳ Тайсангниқидир.

(25) Бу нишон мен, гувоҳ Йўлашниқидир.

(26) Бу нишон мен, Ўгрунч Буқаниқидир.

(27) Мен, Турбут Турмиш тигин акамнинг айтиб турган сўзлари бўйича ёздим.

8

Қайимтунинг ерини тарик экиш учун ижарага берилгани тўғрисидаги васиқа. Ҳозир Берлин кўлёмалар фондида Т.М.81 (М.5277) кўрсаткичи остида сақланиб турибди. Матнни Қайимту бахши битган.

Хати текис ёзилгани билан, кўп ери оқариб кетган, ўқиш жуда қийин. Устига устак, қоғознинг тевараги чириб кетган, ораларида ҳам чириб тушган ерлари бор. Васиқани уйғур олимлари чоп эттирган (QUV,233–235).

Ушбу васиқа мазмунан Берлин қўлёзмалар фондидаги бошқа бир матн – Т.П.D204 (U 5269; 136/051) кўрсаткичли васиқага (*наширга қаралсин: QTH.17*) жуда ўхшаш. Хат шакли ҳам бир хил; уларнинг икковини Қайимту бахши кўчирган. Яна бир муҳим жиҳати, иккала васиқа ҳам бир кунда (*Yont yil, altinç ay, sekiz y(i)g(i)rmikā – Om йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куну*) битилган.

Шу онда эсга олганимиз Т.П.D204 (U 5269; 136/051) кўрсаткичли битиг Мисир отли кишининг Қайимтудан тариқ экиш учун ижарага олаётган ери учун тузилган васиқади. У *Yont yil, (al)tinç ay, sekiz yigirmikā meñā, Misirqa yür tariğu yer kergäk bolup (Om йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи куну менга, Мисирга тариқ экиш учун ер керак бўлиб)* деб бошланади. Иккинчиси эса, Темур орқали экин экиш учун Мисирга берилаётган ер хужжатидир. Чамаси, аввалги хужжат тузилгач, кейин Қайимтунинг ўзи ундан кўчириб, иккинчи – Т.М.81 (М.5277) кўрсаткичли васиқани тузган. Ҳатто, иккинчи васиқани кўчираётганда, иккинчи қаторда *meñā, Temürkā* деб ёзиш ўрнига, янглишиб, *meñā, Misirqa* деб ёзиб кетган.

Иккала васиқанинг мазмуни бир-бирига боғлиқ. Уларнинг битилиши ҳам қизиқ. Афтидан, биринчи васиқага кўра, Қайимту Мисир билан ижарага бераётган ери учун битим тузган. Ўша куниеқ бу ишга Темурчи аралашган (бу таклиф Қайимтудан чиққан бўлуви ҳам мумкин): у Қайимтудан ўзи учун теккан юқориликдаги ярим ангиз ерни, унга кўйиликдаги ярим ангиз ерни ҳам кўшиб, бир ангиз қилиб, ишлаш учун Мисирга ўтказган. Буни иккинчи васиқанинг 3–8- қаторларидаги жумлалар ҳам тасдиқлаб турибди. Васиқа тузишга ваколлати бўлгани учун, бу хужжатни ҳам Қайимту бахши тузиб берган. Гувоҳлар ўша-ўша: Эшкакчи билан Сенга.

Бу ўринда Темур – ораликдаги кимса, у Мисирни ишлатиб, ўзига теккан даромаднинг бир қисмини ернинг эгаси Қайимтуга беради. Шунинг учун ҳам, васиқа Темурнинг тилидан

тузилмақда, нишон ҳам у кишиники. Акс ҳолда, матн Мисирнинг тилидан тузилган, имзони ҳам у қўйган бўларди.

Бунинг билан ернинг эгаси Қайимту кўп нарса ютқазмайди. Чунки уруғликқа кетадиган пулни ҳам, ер солиғини ҳам Мисир билан Темур биргалашиб ҳал қилмоқчи: “Бу ерга қанча уруғ кетса, иккимиз тенг улашиб оламиз. Олим-берим келса, ҳар иккимиз устимизга олиб, тенг топширамиз”, – дейилади битигда уларнинг тилидан. Агар, Қайимту Мисир билан тўғридан-тўғри битим тузганида, шу харажатларга ўзи биргалашган бўлар эди. Дарвоқе, аввалги ҳужжатда шу нарса қайд этилган. Унга кўра, бу ерга қанча уруғ кетса, Қайимту ва Мисирнинг иккави тенг улашуви, ерга солиқ келса, тўловни биргаликда тўлашлари тасдиқланган (*қаралсин*: ҚТН.17,5–9). Иккинчи битимга кўра эса, Қайимту буларнинг баридан эркин.

Лекин, бир нарсага тушунмай турибман: қоидага биноан, иккинчи васиқа тузилгач, биринчиси ўз кучини йўқотиши, бўлмаганда, йиртиб ташланмоғи керак эди, негадир у сақлаб қўйилган; сири қоронғу. Нима бўлганда ҳам, ҳужжатнинг иккаласи кунимизгача етиб келди. Фан учун, шуниси қадрли.

Энди иккинчи ҳужжатни кўриб чиқамиз.

Матн транскрипцияси:

- (1) Yont yil, altinč ay, sekiz
- (2) y(i)g(i)rmikā meñā, Mīsīrqa (Temürkā) yür
- (3) tariǵu yer kergäk (bolu)p Qayımtu-
- (4) nuñ Sıqaptaqı Elči bilä ülüš-
- (5) lüg meñā tegär y(a)rım äñiz yer,
- (6) yenä üstünki yerni Mīsīrqa berip,
- (7) altın y(a)rım äñiz yerni anuq-
- (8) qa berdim. Bu yerkä nečä uruǵ
- (9) batsa, ikigü t(e)ñ üläšip, alır-biz.
- (10) Alım-berim kelsä, ik(i)rär (te)ñ bilišip,
- (11) t(e)ñ berür-biz. Tanuq – Eškäkči, tanuq –
- (12) S(e)ñä. Bu nišan men, T(e)mür(nüñ-ol). Men,

(13) Qayımtu Temürkä ayı(t)ip,

(14) özüm bitidim.

Айрим сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи:

2- қаторда: матн давомидаги мазмунга қараганда, *Misırqa* эмас, *Temürkä* бўлуви керак.

7–8- қаторларда: *anıqqa berdim* – “экишга бердим” маъносида.

8–9- қаторларда: *Bu yerkä neçä uruğ batsa* – “бу ерга қанча уруғ кетса, экилса” дегани.

10–11- қаторларда: *ik(i)rär (te)ñ bilişip, t(e)ñ berür-biz* – “иккимиз устимизга олиб, тенг топширамиз” маъносида.

Мазмуни:

(1) От йили, олтинчи ойининг ўн саккизинчи

(2) куни менга, Темурга (!) тарик

(3) экадиган ер керак бўлиб, Қайимту-

(4) нинг Сиқапдаги Элчи билан улуш-

(5) да менга теккан ярим ангиз ер,

(6) яъни юқориликдаги ерни Мисирга бериб,

(7) қуйилиқдаги ярим ангиз ерни ишлаш-

(8) га бердим. Бу ерга қанча уруғ

(9) кетса, иккимиз тенг улашиб оламиз.

(10) Олим-берим келса, ҳар иккимиз устимизга олиб,

(11) тенг топширамиз. Гувоҳ – Эшқакчи, гувоҳ –

(12) Сенга. Бу нишон мен, Темурниқидир. Мен,

(13) Қайимту Темурдан сўраб [Темурнинг айтиб тургани бўйича],

(14) ўзим ёздим.

ЯЛПИ ХУЛОСАЛАР

Илк ва ўрта асрлар туркий ҳужжатчилиги тарихини, ҳужжатлар текстологияси, матн стилистикаси, ҳужжатлар билан боғлиқ атамалар тизими ва унинг тарихий такомилени кузатиш куйидаги ялпи хулосаларга олиб келади:

(1) Туркий ҳужжатчилик амалиёти давлатчилик тарихи, кишилиқ ижтимоий-сиёсий, олди-берди муносабатларида ҳуқуқий асосларнинг яратилиши, халқаро дипломатик муносабатлар, шунингдек, ёзма адабий тилнинг юзага келиши ва тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, узоқ асрли тарихий лисоний-услубий такомил босқичини кечиб келган. Унинг тарихий илдизлари илк ўрта асрларга, қадимги турк хоқонлиқлари даврига туташади. Ўша чоғлардаёқ ҳужжатчилик амалиётида ҳужжатларнинг шаклу шамоили, қолипи, матн компонентларининг формуллари ишлаб чиқилди. Энг кераклиси, салтанатларнинг ўзгариши, бирининг ўрнини бошқа бирови эгаллаши билан расмий услуб анъаналари узилиб қолгани йўқ; қадимги турк хоқонлиқлари чоғида яратилган мерос юзйилликлар оша лингво-стилистик жиҳатдан такомиллашиб, янги услубий компонентлар билан бойиб келди.

(2) Туркий ёзма ҳужжатчилигининг илк босқичларида юрт эгасининг улусга қаратилган чақириғи, ёрлиғи, ҳатто давлатнинг бош қонуни, тузуқлари эпиграфик шаклда баён қилинган. Туркий ёзма ҳужжатчилик ўз йўлини эпиграфик матнлардан бошлаган, хоқонлиқнинг илк ёзма қонуни, эл йўриқлари улусга эпиграфик кўринишда, монументал битиглар орқали етказилган. Қадимги туркий эпиграфик ёдгорликлар хоқонлар, йирик давлат арбоблари, улуғ қаҳрамонларнинг хотирасини мангулаштиришга бағишланган битигларгина эмас, давлат қонунлари, тузуқларини, хоқонлар чақириғини баён этувчи ёзма ҳужжатлар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

(3) Туркий дипломатика тарихида ҳуқумдорларнинг ёрлиқлари, фармонларининг бошлама-унвонлари формуласи

$Y+U+A+sabim$ кўк турк хоқонликлари даври ҳужжатчилигининг кашфиётидир. Унинг бизгача сақланган илк, шунинг билан бирга, классик намунаси Билга хоқон битигида кечган *Tāñri-tāg tāñri yaratmiş türk Bilgä qağān sabim* (Кўкдаў (улуғ) тангри яратган жасур Билга хоқон сўзим) унвонидир.

Билга хоқон унвони ўз даврининггина эмас, ўрта асрларнинг барча расмий ёрлиқлари учун намуна, андоза бўлиб хизмат қилди. Туркий салтанатларнинг эгалари ўз ёрлиқларини, ўзга мамлакатларга йўллаган дипломатик хатларини ана шундай қолипдаги унвонлар билан бошлаганлар.

Кейинги юзйилликлар дипломатикасида унвон битиш анъанаси давом этибгина қолмай, янги компонентлар билан ҳам бойиди. Формула ҳам такомиллашиб, $[Y+U]+A+sabim+Ad.$ кўринишини олди.

(4) Мактублар ўз тузилиши, матн компонентларининг йўналиши билан расмий ҳужжатларга яқин туради. Шунинг билан бир қаторда, мактубларнинг расмий ҳужжатлардан айириб турувчи муҳим белгиси бор. Бу уларнинг бадиий услубда битилганидир. Ҳатто хонлар ўртасидаги расмий-дипломатик хатлар ва ёзишмаларда ҳам бадиийлик элементлари аралашган бўлади. Чунки ўтмишда қўшни мамлакат эгаларига йўлланган хатларда, дипломатик талаблардан келиб чиққан ҳолда, адресатга ҳурмат билан муносабатда бўлинган. Айни ҳолатда расмий ва бадиий услублар синкретизми юзага келади.

Мактубларда, ўрни билан хат битувчининг инжа туйғулари, психологик ҳолати, маънавий-эстетик қарашлари, адресатга бўлган ҳурмати акс этиб туради. Мактубнинг таъсир кучи, бадиий-эстетик даражаси, кўп жиҳатдан, хат йўлловчининг маҳорати, сўзга чечанлиги, сўзларни топиб-топиб ишлатишига боғлиқ. Буларнинг ижроси, ўз-ўзидан, матн бадиийлигига йўл очади.

Ўзбек эпистоляр жанрининг тарихи илк ўрта асарларга илдиз отган. Муҳими, ўша кезлардаёқ туркий хат битиш санъати, матн компонентлари тизими пухта ишлаб чиқилган эди.

(5) Туркий хужжатчилик атамалари тизими кишилар орасида олди-берди, ижтимоий-сиёсий мулоқот расмий тус ола бошлаши, жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг ўрнатилиши билан боғлиқ ҳолда, тилнинг узоқ асрли тақомили натижасида шаклланган; уларнинг тараққиёти билан узвий равишда тақомиллашиб келган. Атамалар бошлаб кишилар ўртасидаги оғзаки келишувга асосланган бўлса, кейинчалик расмий мулоқотнинг ёзма шакли ҳам юзага келди.

Расмий мулоқотда *söz* “ҳуқумдорнинг буйруғи, элга қарата айтган сўзи”дир. Ёзув юзага келмасдан анча бурун, ўзаро расмий муомаладан бошлаб юрт эгасининг элга мурожаати ҳам, жамоа орасидаги ўзаро келишув муносабатлари ҳам *söz* дан бошланган. Ҳуқумдор қўл остидаги кишиларга, элга ўз сўзини, буйруғини айтган. Ёзма хужжатчилик юзага келгандан кейин ҳам *söz* калимаси расмий битигларда айна вазифада ишлатила бошлади.

Шунингдек, ёзма хужжатчилик тарихи *biti*- феълидан бошланади. Ундан *bitig* сўзи ҳам ясалган. *Bitig* нинг илкин маъноси “ёзув”; бундан “хужжат”, “мақтуб”, “китоб” сингари маънолари урчиган. Ўтмишда ёзув билан боғлиқ нарсаларнинг ялписи, шуларнинг қаторида расмий хужжатлар ҳам *bitig* аталган.

(6) Ўтмишда кенг тарқалган хужжат турларидан бири васиқалардир. Васиқа олимчи ва беримчининг кўз ўнгида, икки-уч киши гувоҳлигида тузилиб, уларнинг қўли, белги-тамғаси билан тасдиқланган. Сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар васиқа тузилган кундан бошлаб кучга кирган. Васиқаларни битувчилар ўз даврининг билимли, ўқимишли кишилари эди. Кўпинча, бу юмуш маҳкама ходимлари, юридик кимсаларга юклатилган. Васиқларнинг якунида битувчининг исми-шарифи ҳам кўрсатилар эди.

Васиқалар турли туман: қулга эркинлик бериш билан боғлиқ, қулни ёки ерни сотиш билан боғлиқ, бола асраб олиш билан боғлиқ, экин майдонини ижарага олиш билан боғлиқ, дон-дун,

кунжит сингари нарсаларни қарзга олиш билан боғлиқ, бўзни бирор нарсага айирбошлаш билан боғлиқ, қарзга пул ёки олтин-кумуш олиш билан боғлиқ ҳолатларда тузилган. Уларнинг матн компонентлари ҳам турига қараб танланади.

Васиқаларнинг матн компонентлари қўлланувига кўра икки хил: ялписида бирдай қўлланувчи, шунингдек, уларнинг турига қараб танланувчи компонентлар. Масалан, сана(тарих, йил-ой-кун), қарз олинаётганлиги ёки мулк сотилаётганлигининг сабаби, олимчи ва беримчининг исми-шарифи, олди-бердини кузатиб турган гувоҳлар ҳамда ҳужжат битувчи ҳамма васиқада кўрсатилади. Бундан ташқари, ернинг нархи, томонлар ўртасида олди-берди бўлиб ўтганлиги, мулкнинг бутунлай сотилганлиги, сотилаётган ернинг чегараси фақат ерни сотиш билан боғлиқ васиқаларда кўрсатилади. Ёки беримнинг қачон ва ошиғи билан қанча қилиб қайтарилуви, беримни қайтариш мажбурияти сингари бўлимлар ошиғи билан қайтариш эвазига олинган нарсалар учун тузилган васиқалардагина бўлади.

(7) Ўтмишдаги туркий салтанат ва давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тизими, давлат ва жамият бошқаруви, кўшни эллар билан кечган дипломатик муносабатлари, мамлакатнинг моддий-иқтисодий аҳволи, халқнинг тирикчилик тарзи, кишилар ўртасидаги олди-берди муносабатлари ўша замонлардан қолган расмий ҳужжатларда тамғаланиб қолган. Шунинг билан бирга, ҳужжатлар – адабий тил ёдгорлиги. Туркий адабий тил тарихи, расмий ёзма услубнинг юзага келиши ва такомили ҳужжатларда акс этиб туради. Туркий расмий ёзма услубининг тарихи ҳужжатчилик амалиёти билан боғлиқдир. Ўтмишдан қолган ҳужжатлар шу жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЎЗМА МАНБАЛАР

A – Аҳмад хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби: Содиқов 2013,108–113- б.

Abitaki – Abitaki-sudur: Сутра общины белого лотоса. Тюркская версия. Факсимиле рукописи. Транскрипция текста. Перевод с раннесредневекового тюркского языка, предисловие, примечания, указатель слов Л.Ю. Тугушевой. М., 2008.

AS – султон Абу Саиднинг Ҳасан бегга йўллаган битиги: Содиқов 2013,130–142- б.

AY – Ceval Kaya. Uygurca Altun Yaruk. Giriş, Metin ve Dizin. Ankara, 1994.

BN – Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1989.

DDT – Dictionnaire Djaghatai-turc. V. de Viliaminof-Zernof. SPb., 1869.

Huast. – “Хуастуанифт”нинг қадимги туркий версияси. Асарнинг Санкт-Петербургда сақланаётган уйғур ёзувли қўлёзмаси асосида. Нашри: Содиқов 2009, 85–99.

ДТС – Древнетюркский словарь. Л., 1969.

E – кўк турк ёзувли Енисей битиглари: Малов 1952; Orkun 1987,295–616.

Ибн Баттута 2012 – Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан-нузор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор (Ғаройиб шаҳарлар ва ажойиб сафарлар ҳақида назар соҳибларига туҳфа). Масъул муҳаррир Н. Иброҳимов. Тошкент, 2012.

IMS – İdîqut mahkaması sözlüğü. Millatlar naşriyatı, 1984.

K – Кул тигин битиги: *Ka* – кичиг битиг, *K, Kb* – улуг битиг, *K.I–III, Kc* – тошнинг тарошланган қирралари ва терс томонидаги ёзув. Нашрлари: Малов 1951,19–55; Аманжолов 2003,153–170; Содиқов 2004,96–112; 2009,31–49.

KTT – Kitab-ı Mecmü-ı Tercüman-ı Türkî ve Acemî ve Muğalî. Recep Toparlı, M. Sadi Çögenli, Nevzat H. Yanık. Ankara, 2000.

LT – Ali Şir Nevayî. Lisanü't-tayr. Hazırlayan M. Canpolat. Ankara, 1995.

M – Маҳмуд хоннинг Фотиҳ Султон Меҳмедга йўллаган мактуби: Содиқов 2013,103–108- б.

MK – Kaşgarlı Mahmud. Dîvânü Lûgati't-Türk. Tıpkıbasım / Facsimile. Ankara, 1990.

ML – Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асари: Содиқов 2011,25–91.

Мун. – *Алишер Навоий*. Муншаот. Истанбул, Тўпқопи саройи кутубхонаси, 808- кўрсаткичли қўлёзма.

MS – Qadimki uyğur yezigidiki “Maytri simit”. I. Ürümçi, 1987.

MTA – Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. Ankara, 2001.

NM – *Ali-şir Nevayi*. Nesayimü'l-mahabbe min Şemayimi'l-fütüvve. I Metin. Hazırlayan K. Eraslan. Ankara, 1996.

O – Ўнгин битиги: *O* – тошнинг юз томони, *Oa* – ўнг ёғи, *Ob* – юкоридаги ёзув, *Oc* – бошқа бир тошдаги ёзув. *Orkun* 1987,127–132.

OD – “Ўғузхоқон достони”: *Щербак А.М.* Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959. С.15–110.

QB (QBH, QBN) – Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари: *H* – асарнинг уйғур ёзувли хирот (вена) нусхаси: Радлов 1890; *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. Herat (Viyana-Avusturya) Nüshası. Tıpkıbasım. Hazırlayan E. Üşenmez. Ankara, 2014; *N* – асарнинг араб ёзувли наманган (фарғона) нусхаси: Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари маркази, 1809- кўрсаткичли қўлёзма; *Kutadgu Bilig (Nemengan/Fergana/Özbekistan nüshası)*. Tıpkıbasım. Hazırlayan E. Üşenmez. Ankara, 2013.

QTH – уйғур хатида битилган қадимги туркий васиқалар: Содиқов, Омонов 2012, 127–193- б.

QUV – Qadimki uyğur yezigidiki vasiqalar. Naşrga tayyarlağuşılar: Muhammatrahim Sayit, Israpil Yusup. Urumçï, 2000 (уйғур тилида).

ST – “Сюань-цзан кечмиши” асари: Тугушева 1991.

Ş – Шоҳрух мирзо ёрлиғи: Содиқов 2013,117–123- б.

ŞN – *Мухаммад Солиҳ*. Шайбонийнома. Нашрга тайёрловчи Э. Шодиев. Тошкент, 1989.

T – Тўхтамишхоннинг поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи: Содиқов 2013,83–89- б.

Taf. – “Туркий тафсир”: *Боровков А.К.* Лексика Среднеазиатского тефсира XII–XIII вв. М., 1963.

TQ – Темур Қутлуғ ёрлиғи: Содиқов 2013,89–96- б.

U – султон Умаршайх ёрлиғи: Содиқов 2013,124–130- б.

UM – Улуғ Мухаммад хоннинг усмонли подшоси II Муродга йўллаган мактуби: Содиқов 2013,96–103- б.

X – Билга хоқон битиги: *X* – тошнинг юз томонидаги ёзув, *Ха*, *Хь* – икки ёнидаги ёзув, *Хс* – тошнинг терс ёғидаги ёзув, *Х.I-II* – тарошланган қирралардаги ёзув. Нашрлари: Содиков 2004,112–120; 2009,49–58.

Ҳис – “Ҳибату-л-ҳақойиқ”нинг араб ёзуви С нусхаси: Арат 1992,СХVІІІ–СLXVI.

ИЛМИЙ АСАРЛАР

Азимджанова 1963 – *Азимджанова С.* Новые сведения о “Хатт-и Бабури”. – XXVI Международный конгресс востоковедов. Доклады делегации СССР. М., 1963. С. 5–10.

Аманжолов 1978 – *Аманжолов А.С.* К генезису тюркских рун. // “Вопросы языкознания”. 1978 № 2. С. 76–87.

Аманжолов 2003 – *Аманжолов А.С.* История и теория древнетюркского письма. Алматы, 2003.

Аҳмедов 1992 – *Аҳмедов Б.* Ўзбек улуси. Тошкент, 1992.

Бернштам 1951 – *Бернштам А.Н.* Древнетюркский документ из Согда. – Эпиграфика Востока. М., 1951. № 5. С. 65–75.

Благова 1982 – *Благова Г.Ф.* Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. М., 1982.

Васильев 1983 – *Васильев Д.Д.* Графический фонд памятников тюркской рунической письменности Азиатского ареала. М., 1983.

Гафуров 1989 – *Гафуров Б.Г.* Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга II. Душанбе, 1989.

Григорьев 1978 – *Григорьев А.П.* Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII–XV вв. – Тюркологический сборник. 1974. М., 1978. С. 208–209.

Малов 1951 – *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности. М.–Л., 1951.

Малов 1952 – *Малов С.Е.* Енисейская письменность тюрков. Тексты и переводы. М.–Л., 1952.

Малов 1959 – *Малов С.Е.* Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.–Л., 1959.

Мелиоранский 1906 – *Мелиоранский П.* Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.

Радлов 1890 – Радлов В.В. Кутадку-Билик. Факсимиле уйгурской рукописи. СПб., 1890.

Рустамов 1976 – Рустамов А. Ибн Арабшоҳ туркий ёзувлар ҳақида. // “Адабий мерос” (5). 1976. 39–42- б.

Содиқов 2004 – Содиқов Қ. Кўк турк битиглари: матн ва унинг тарихий талқини. Тошкент, 2004.

Содиқов 2006 – Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2006.

Содиқов 2009 – Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. Тошкент, 2009.

Содиқов 2011 – Содиқов Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. Тошкент, 2011.

Содиқов 2013 – Содиқов Қ. Олтин Ўрда ва Темурийлар даврида яратилган туркий ёрликлар: тарихий-филологик талқин. Тошкент, 2013.

Содиқов, Омонов 2010 – Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Тошкент, 2010.

Содиқов, Омонов 2012 – Содиқов Қ., Омонов Қ. Туркий хужжатчиликнинг тарихий илдизлари. Тошкент, 2012.

Тихонов 1966 – Тихонов Д.И. Хозяйство и общественный строй уйгурского государства X–XV вв. М.–Л., 1966.

Тугушева 1991 – Тугушева Л.Ю. Уйгурская версия биографии Сюань-цзана. М., 1991.

Ҳакимов 2013 – Ҳакимов М. Шарқ манбашунослиги луғати. Тошкент, 2013.

Arat 1991 – Arat R.R. Eski Türk Şiiri. Ankara, 1991.

Arat 1992 – Adib Ahmed b. Mahmud Yükneci. Atebetü-l-Hakayik. R.R. Arat. Ankara, 1992.

Gabain 1950 – Gabain, von A. Alttürkische Grammatik. Leipzig, 1950.

Hazai 1975 – Hazai G. Fragmente eines uigurischen Blockdruck-Faltbuches. – Altorientalische Forschungen, III. Akademie-Verlag. Berlin, 1975. P. 91–108.

Kurat 1940 – Kurat A.N. Topkarı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistân Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. İstanbul, 1940.

Orkun 1987 – Orkun H.N. Eski Türk Yazıtları. Ankara, 1987.

Sertkaya 1977 – Sertkaya O.F. İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977.

Sertkaya, Harcavbay 2001 – Sertkaya O., Harcavbay S. Hayto Tamir (Moğolistan)’dan yeni yazıtlar (ön neşir). – Türk Dili Araştırmaları Yıllığı-Bellekten 2000. Ankara, 2001. S. 313–346.

Tekin 2010 – Tekin T. Orhon Yazıtları. Ankara, 2010.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Илк бўлим. Манбашунослик масалалари	10
Туркий ҳужжатларнинг нашрлари	10
Билга хоқон ёрлиғининг бошламаси	12
Идикут маҳкамаси сўзлиги	21
Қадимги мактублар услуби	28
Иккинчи бўлим. Ҳужжатчилик атамалари	45
Ҳужжатчилик ва китобат иши билан боғлиқ атамалар	48
Туркий ҳужжатлар ёзувини англатувчи атамалар	80
Туркий ҳужжатларнинг тилини англатувчи атамалар	92
Солиқ, олди-берди ва савдо-сотик атамалари	103
Ҳуқуқшунослик атамалари	108
Табақа ва лавозимларни англатувчи атамалар	115
Учинчи бўлим. Қадимги туркий васиқалар	117
Васикаларда компонентларнинг берилиш усули	118
Матнлар	130
Ялпи хулосалар	150
Ёзма манбалар ва илмий асарлар	154

Қосимжон Содиков

ТУРКИЙ ҲУЖЖАТЧИЛИК ТАРИХИДАН

2014 йил декабрь ойининг йигирма иккинчисида босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Қўлами 10 босма табоқ. Сони 100 та. Буюртма.

Содиқов Қосимжон Фозил ўғли – филология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат Шарқшунослик институти Мумтоз филология кафедрасининг мудир.

1954 йили туғилган.

1987 йили филология фанлари доктори Ғ. Айдаров раҳбарлигида “Қутадғу билиг”нинг тил хусусиятлари (уйғур ёзувли нусха асосида)” мавзуидаги номзодлик диссертациясини, 1992 йили эса “XI–XV асрлар уйғур ёзувидаги туркий ёдгорликларнинг график ва фонетик хусусиятлари” мавзуидаги докторлик диссертациясини ёқлаган. 1999 йили 10.02.06 – Туркий тиллар ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олди.

Илмий ишлари туркий халқларнинг энг эски ёзувлари, туркий ёзма ёдгорликлар тили, манбашунослик ва матншунослик, классик филология масалалари, қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашларига бағишланган.